

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ ўрнини ID-карта эгаллайди

4



СУВ исрофгарчилигига ҚАЧОН ЧЕК қўйилади?



5

[f @mahalladoshuz](#) [@mahalladosh_uz](#) [www.mahalladosh.uz](#)

№32

(1962) 2020 йил
24 сентябрь — 1 октябрь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI



Mahalla

Ижтимоий-сиёсат ва маънавий-маърифий газета

Ғалла эркин нархда
сотилади:
**НОН НАРХИ ЯНА
ОШАДИМИ?**

6

**ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИ:**

Бу йилги қиш
хавотирсиз ўтадимми?

7

**КОММУНАЛ
СОҲАДАГИ**

хусусий сектор қандай
ўзгаришлар қилиши
мумкин?

8

Самараси
тасдиқланмаган
БЛОКАТОР НЕГА
дорихоналарни
эгаллаган?

15

**МАҲАЛЛА
РАИСЛАРИ**
нега ишдан
олинди?

20

**ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ
БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ
75-СЕССИЯСИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ**

2-3

**ОЗИҚ-ОВҚАТ
МУАММОСИ БМТ
МИНБАРИДА
ЯНГРАМОҚДА**

29

**МАҲАЛЛАНИ «МАНАЛЛА»СИЗ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН...
ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

2021

ОБУНА
ИНДЕКСИ: 148

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ

Муҳтарам Раис Вўлкан Бозкир жаноблари!

Муҳтарам Бош котиб Антониу Гутерриш жаноблари!

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бош Ассамблеянинг етмиш бешинчи сессияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарихида биринчи марта бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтмоқда.

Бундай глобал фалокат сайёра-мизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртада мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади.

Шу йўлда барчамиз ҳукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш лозимлигини чуқур англадик.

Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир.

Бу борада биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни** ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ушбу ҳужжатда ҳар бир давлат-

нинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидagi мажбуриятлари акс этиши лозим.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Биз Ўзбекистонда COVID-19 қайд этилган дастлабки кунлардан бошлаб барча саъй-ҳаракат ва ресурсларимизни бу хавфли касалликни жоловлаш ва энг асосийси – одамлар ҳаётини сақлаб қолишга қаратдик.

Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш учун ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимлари кескин кучайтирилмоқда, аҳолига, иқтисодиёт тармоқлари ва бизнесга манзилли кўмак кўрсатилмоқда. Шу мақсадда махсус жамғармалар тузилди.

Фурсатдан фойдаланиб, синобли дамларда бизга бегараз ёрдам кўрсатган барча дўст ва ҳамкорларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Биз халқаро ҳамжамиятнинг пандемияга қарши самарали курашиш бўйича барча ҳаракатларини, жумладан, зарур дори-дармон ҳамда вакциналар ишлаб чиқиш ва улардан кенг фойдаланишга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, Бош котиб Антониу Гутерриш жанобларининг бугунги инқирозли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллаймиз.

Хурматли Бош Ассамблея сессияси иштирокчилари!

Бундан уч йил муқаддам мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олий минбаридан Ўзбекистоннинг туб ислохотларни амалга ошириш бўйича қарори қатъий эканини айтган эдим.

Жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шакланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.

Ўтган йили Парламентга ўтказилган сайловлар аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири ошганини намоён қилди.

Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан шу йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши муросасиз кураш янги босқичга кўтарилди.

Бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикаимизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд халқаро форуми муваффақиятли ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор **Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини** қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақираман.

Бундан ташқари, **Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини** қабул қилишни таклиф этамиз. ▶



Гулнора МАЪРУФОВА,
Маҳалла ва оилани
қўллаб-қувватлаш вазирининг
биринчи ўринбосари:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-юбилей сессиясидаги чиқиши, юксак минбарда туриб она тилимизда маъруза қилиши барчамизнинг қалбимизни ғурурга тўлдирди. Бу тарихий воқеа она

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТАШАББУСЛАР ИЖОДКОРИГА АЙЛАНИБ БОРАЁТИР

тилимизга бўлган чексиз ҳурмат, миллийлигимизни, ўзгичлигимизни қадрлашга бўлган юксак эҳтиром белгисидир.

Айтиш жоизки, Президентимиз ўз нутқида ўткир ва долзарб халқаро ташаббусларни илгари сурди. Бу эса Ўзбекистоннинг БМТ доирасидаги муҳим халқаро ташаббуслар ижодкорига айланиб бораётганини дунё жамоатчилигига яна бир бор намоён этди, десак муболаға бўлмайди. Маърузада илгари сурилган ташаббусларни бирма-бир таҳлил этсак, унинг марказида инсон ва унинг ҳуқуқлари турганини кўриш мумкин.

Жаҳоннинг энг олий минбаридан барча муҳим ташаббуслар қатори гендер тенглиги ва хотин-қизларга эътибор масаласи алоҳида кўта-

рилгани бутун юртимиз аёлларини тўлқинлантириб юборди. Президентимиз бутун дунё ҳамжамиятини пандемия даврида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этаётганига яна бир бор диққат-эътиборни қаратгани замирида жуда катта донишмандлик салоҳияти мужассамдир.

Зеро, аёллар фақатгина келажакимиз бунёдкорлари бўлган болаларни дунёга келтирувчи ва уларнинг оддий тарбиячилари эмас, балки давлат ва жамият бошқарувида ўзларининг бой билим ва малакасини, бор кучини сафарбар этишга қодир улкан салоҳиятга эга генофонд ҳамдир. Бу ҳақда сўз борганда, янги Парламенти-

МУНОСАБАТ

мизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўпайгани, Олий Мажлис Сенати раиси хотин-қизлар вакиласи экани, ҳатто туманларда аёл ҳокимлар фаолият бошлаётгани нафақат минтақамизда, балки халқаро миқёсда ҳақиқатан ҳам эътиборга молик фактдир.

Бу борадаги улуғвор мақсад ва режалар, умумбашарий қадрият саналган аёллар ва эркалар тенглиги ғояси амалий ишларимиз билан бирга, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, миллий даражадаги ишларимизнинг халқаро майдонда яққол кўрсатилиши ўзбек аёлининг мақоми ва даражаси нечоғли юқори эканини, унинг имконият ва иқтидори қанчалик юксаклигини, тафаккури эркин, ҳуқуқлари кафолатли ва адолатли ҳимоя қилинганини яна бир бор тасдиқлади.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН АССАМБЛЕЯСИНИНГ 75-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли дўстлар!
Хозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Биз минтақа давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат муҳитини яратишга эришдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббусга асосан мунтазам ўтказилаётган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари умумий ютуғимиз бўлди.

Охириги тўрт йилда Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажми салкам беш баробарга ўсди.

Мамлакатларимиз ушбу синовли кунларда бир-бирини ёлғиз қолдирмасдан, ўзаро елкадош бўлдилар.

Бугун Марказий Осиё давлатлари олдида муҳим стратегик вазифа турибди. У ҳам бўлса, минтақамизнинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлашдир.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида **Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очилиши** таклиф этамиз.

Бугунги кунда Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Биз ушбу стратегия доирасидаги **Минтақавий қўшма режанинг 10 йиллик натижалари ва келгуси истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш** тарафдоримиз.

Маълумки, минтақамизнинг кўҳна ва бой маданий мероси глобал аҳамиятга эга. Биз 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида «**Марказий Осиё жаҳон ци-**

визациялари чорраҳасида» деган мавзуда халқаро форумни ўтказишга тайёрмиз.

Хурматли сессия иштирокчилари!

Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммосини ечиш учун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди.

Биз жорий йилнинг сентябрь ойида Доха шаҳрида афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Бу музокаралар жафокаш афғон заминидан тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга умид қиламиз.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш тармоғини, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришдик.

Фикримизча, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибори марказида бўлиб қолиши зарур.

Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада «Беқарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари» деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишлини тинглайдиган, доимий фао-**

лият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур.

Хурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иқлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жараённинг салбий таъсирини ҳис этмоқда. Минг афсуски, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф туғдирмоқда.

Эътиборингизни яна бир бор Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига қаратмоқчиман. Оролбўйи ҳудуди экологик фожианинг марказига айланди. Биз мавжуд аҳволни яхшилаш учун бу ерда икки миллион гектар янги ўсимлик майдонлари ва дарахтзорлар яратиш, тупроқ қатламини шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Мамлакатимиз ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди тузилди. Умид қиламизки, ушбу фонд оғир экологик ҳудудда яшаётган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун халқаро ҳамжамиятнинг таянч платформаси бўлиб хизмат қилади.

Биз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этамиз. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш қуни сифатида нишонлаш мақсадга

мувофиқ бўларди.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида яна бир фикрни таъкидлашни истардим. Жаҳоннинг турли нуқталарида нотинчлик сақланиб қолаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик офатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтирмоқда.

Бу муаммолар айниқса пандемия шароитида кескин тус олмоқда. Тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини, барчамизни безовта қилиши зарур.

Шу муносабат билан қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Барчамизга равшанки, пандемиядан кейинги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий манзараси бутунлай бошқача тус олади.

Биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янги аҳамиятга эришувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз зарур.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг институтлари билан амалий мулоқотни ривожлантириш учун доимо тайёр.

Эътиборингиз учун раҳмат.



Шокиржон БОЛТАБОЕВ,
Андижон вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи:

— Барча юртдошларимиз каби Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида

ДЎСТЛИКДАН БОШЛАНАР ДУНЁ ТИНЧЛИГИ

сўзлаган нутқини ўзгача ғурур, фахр ила тингладим. Дарҳақиқат, мамлакатимиз доим ўзининг тинчликпарварлик сиёсати билан дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб келяпти.

Айниқса, Президентимиз ташаббуси ва сиёсий иродаси билан қўшни мамлакатлар билан алоқалар мустаҳкамланди. Хусусан, минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш тармоғи, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл қу-

рилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларининг амалга оширилиши қўшнисининг тинчлигини ўзининг хотиржамлиги деб ҳисоблайдиган халқимизга хос фазилатдир.

Биз уйимизда яхши таом тайёрланса, аввало, қўшнимизга улашамиз, синовли кунлар ўзимизни қариндошлардан кўра яқин тутамиз. Бу мамлакатимизнинг дунёдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатида ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, бу мамлакатни минтақавий

жараёнларга фаол жалб қилиш учун барча имкониятларни ишга soldi. Хусусан, 2018 йил март ойида Президентимиз ташаббуси билан ўтказилган олий даражадаги Тошкент конференцияси Афғонистонда тинчликни ўрнатиш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президентимиз нутқида қатъият билан: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарур», деган сўзи тинчликни сақлаш йўлида субит қадам эканлигини ва афғон муаммосига Ўзбекистон ҳеч қачон бефарқ бўлмастлигини дунё аҳлига яна бир бор эслатиб қўйди. Ушбу нутқ ана шу жиҳатлари билан ҳам тарихий аҳамиятга эгадир.



Камбағалликни қисқартириш илмий маркази ташкил этилади.

БИОМЕТРИК ПАСПОРТ ЎРНИНИ ID-КАРТА ЭГАЛЛАЙДИ

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизими жорий этилади.



маълумотлар, транспорт иловалари, криптографик калит ва сертификатларни ўз ичига олган, — дейди Адлия вазирлиги масъул ходими Фаррух Жўраев. — Унда шахснинг идентификацион маълумотлари хавфсиз ҳолда сақланади. Шунингдек, қоғоз тежалади, барча маълумотлар электрон тизимга ўтиши муносабати билан оддий паспортдан фарқли ўлароқ, қалбакилаштириш имкони мавжуд эмас. Давлат ва банк хизматларини кўрсатишда ортиқча қоғозбозликни камайтириш имконияти пайдо бўлади.

Хўш, нега биометрик паспорт ўз ўрнини ID-картага бўшатиб бермоқда? Янги тизимнинг қандай қулайликлари бор? Бу ҳолат яна қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқармайдими? ID-картани бериш тартиби, ундан фойдаланиш қоидалари қандай бўлади?

ID-карта ўзида нималарни акс эттиради?

Фармонга кўра, 2021 йил 1 январдан бошлаб янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, мамлакатимиз ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсга ва хорижий фуқарога белгиланган намунадаги идентификация ID-картаси берилади.

У карта эгасининг шахсини, фуқаролигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва мамлакат ҳудудида фойдаланилади. Хорижга чиқмоқчи бўлганларга алоҳида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элга чиқиш учун биометрик («загранпаспорт») паспорти берилади.

Таъкидлаш керакки, идентификация ID-картасининг бланкасида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмайди, бу ҳақидаги маълумот ID-картанинг чипига киритилади. Шу билан бирга, қурилмадан шахснинг биографик маълумотлари, рақамли сурати, 16 ёшга етганидан кейин қўл бармоқлари излари, электрон рақамли имзо калитининг сертификати жой олади.

— Бундай карталарни олиш ва алмаштириш учун фуқаролар, ўз ихтиёрига кўра, хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига, Давлат хизматлари марказларига эса фақат уларни алмаштириш учун мурожаат қилиши мумкин, — дейди Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи Улуғбек Муҳаммедов. — Амалдаги паспорт фуқарога 10 иш кунда берилаётган бўлса, ID-карталари 1 иш куни мобайнида расмийлаштириб берилади. Картани

расмийлаштириш учун мурожаат ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушганда масъул ходим томонидан 15 кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда ҳужжат расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Қанча давлат божи ундирилади?

Халқаро тажрибага кўра, янги гувоҳномалар жорий қилинган пайтда одамларга ноқулайлик туғдирмаслиги учун эски ҳужжатлар ўз муддати тугагунча амал қилишда давом этади. Худди шундай, 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий фуқаронинг яшаш гувоҳномаси 2030 йил 31 декабрга қадар ҳақиқийдир.

Ушбу ҳужжатларнинг эгалари уларни белгиланган тартибда ID-картага алмаштириш ҳуқуқига эга. Бунда биометрик паспортни ID-картага алмаштириш 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида, 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади. Таъкидлаш жоизки, 2011 йилги намунадаги биометрик паспорт 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

— 2020 йил 31 декабрга қадар Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали ID-картани олиш учун мурожаат қилиш, электрон навбатга туриш ва онлайн тўловни амалга ошириш имконияти жорий этилади, — дейди Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази бўлим бошлиғи Ниғматилла Шарофиддинов. — Бундай картани олиш учун мурожаат этилганда туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали олинади. Янги туғилган болага идентификация ID-карталари

мажбурий берилмайди, унинг туғилиши ФХДЁ органи томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганидан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилади.

ID-картанинг амал қилиш муддати у берилган вақтдан бошлаб янги туғилган болага бир ёшгача — 2 йил, бир ёшдан 16 ёшгача — 5 йил, 16 ёшдан бошлаб — 10 йил муддатни ташкил этади. Бундай карта расмийлаштирилгани ва берилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизи миқдориде давлат божи ундирилади. Айтиш пайтда бу миқдор 198 минг 470 сўмга тўғри келади.

“ФУҚАРО ЎЗ ID-КАРТАСИНИ ОЛИШ ЁКИ АЛМАШТИРИШ ЮЗАСИДАН ЎЗ ВАҚТИДА МУРОЖААТ ҚИЛМАГАН, ЯРОҚСИЗ ҲОЛГА КЕЛТИРГАН ВА ЙЎҚОТИБ ҚЎЙГАН ТАҚДИРДА, МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛМАЙДИ.**”**

Қоғозбозликдан воз кечилади...(ми?)

Дунёдаги аксарият давлатлар аста-секин қоғозли ҳужжатларни юритишдан воз кечиб, маълумотларни электрон шаклда сақлаш ва алмашишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ушбу давлатлар ўз олдига келгусида ID-карталарни муомалага киритиш масаласини қўйган бўлиб, бу инновацион лойиҳа нафақат одатдаги шахсни тасдиқловчи гувоҳномалардан воз кечиш, балки барча зарур маълумотларни битта ташувчига жамлаш имконини беради.

— Кўплаб давлатларда ID-карталар паспорт маълумотлари ва давлат хизматлари учун универсал калит, банк иловалари, шахсий маълумотлар, ҳайдовчилик гувоҳномаси, тиббий

ID-карта қанчалик хавфсиз?

ID-картада фуқаронинг барча шахсий маълумотлари учун ягона электрон калит жойлаштирилган бўлса-да, ушбу тизим қанчалик хавфсиз, деган савол туғилади, албатта. Айтиш керакки, ҳужжат ва чип тегишли хавфсизлик сертификати ва электрон рақамли имзо билан ҳимояланади.


Ўрганишлар шуни кўрсатдики, смарт-картадаги чип етарли даражада ҳимояланган бўлиб, унинг таркибида микропроцессор, криптографик сопроцессор ва муайян ҳажмдаги хотира мавжуд. Смарт-карта хотирасидан фойдаланиш процессор томонидан қатъий назорат қилинади. Шунингдек, картадаги барча маълумотлар шифрланган бўлади.

Қандай қулайликлар яратади?

ID-карта — қоғоз ҳужжатларидан ва бюрократик тўсиқлардан воз кечиш ҳамда кўплаб муассасаларга электрон ҳамкорликни енгиллаштириш имконини берувчи восита ҳисобланади. Бу амалиётга ўтиш фуқароларни рақамли идентификация қилиш тизимини жорий этишни жадаллаштиради, уларнинг бирламчи маълумотларини давлат органларининг ахборот тизимларига интеграциялаш жараёнини автоматлаштиради, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишни осонлаштиради ва оптималлаштиради.

Яна бир масала, бу — электрон рақамли имзони картага интеграллашдир. Мазкур илова орқали юридик ҳужжатлар ва хизматлардан фойдаланишда улкан имкониятлар яратилиб, бунда идорога шахсан бориш талаб этилмайди, шартнома ва келишувларни амалга оширишда транзакция харажатлари кескин камаяди. Умуман олганда, давлат хизматларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla»



Марказий Осиё давлатлари, асосан, тоғларимизда жойлашган абадий музликлар ҳисобидан сув билан таъминланади. Ерости сувларимиз ҳам аслида ўша музликлардан сингган обиҳаёт. Сувсиз минтақа тезда гиёҳ ўсмас биёбонга айланиши муқаррар. Олимлар бу мавзуда яқин келажақда ҳудуд учун мураккаб муаммолар вужудга келишини башорат қилишмоқда.

СУВ ИСРОФГАРЧИЛИГИГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?

Уларнинг тадқиқотларига кўра, сўнгги 50-60 йил давомида музликлар майдони 30 фоизга қисқарган. Йиллик умумий ҳарорат 2 даражага ортса, уларнинг ҳажми 50 фоизга, 4 даражага исиганда эса 78 фоизга камайиши мумкин. Бундай вазиятда, айниқса, Ўзбекистон ва Туркменистонга қийин бўлади. Зеро, бизда истеъмол қилинадиган сувнинг 80 фоизи мамлакатимизга боши қўшни давлатлар ҳудудида бўлган дарёлардан келади. Шунингдек, минтақа аҳолиси сони кескин кўпайиб бормоқда, қишлоқ хўжалиги, саноат истеъмолига сарфланаётган сувнинг миқдори ҳам мутаносиб ошапти.

Шу боис сувни тежаш, соҳага замонавий технологияларни жалб қилишдан ўзга йўлимиз йўқ. Халқаро рейтингларга кўра, биз дунёда сувни исроф қилиш бўйича кучли ўнталикдан муқим жой олганмиз. Кўпчилигимиз биламизки, томчилаб суғориш, исрофгарчилик тўғрисида гапирила бошлаганига ҳам, мана, ярим асрга яқинлашяпти. Олимлар ҳали собиқ иттифоқ давридаёқ минтақани кутаётган сув танқислиги муаммосини яхши англаган, қатор лойиҳаларни илгари суришган. Аммо ҳануз бирор сезиларли натижа бўлгани йўқ. Айрим фермер хўжаликларидagina фойдаланилаётган тежовчи технологиялар умумий вазиятга жиддий таъсир ўтказмаяпти. Кенг кўламли илмий ишланмалар ҳаётга татбиқ қилинаётгани йўқ.

20 фоиз сув далада кераксиз сарфланмоқда

Мавзу юзасидан мутахассисларга юзландик.

— Ҳақиқатан ҳам минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги қўмитаси аъзоси Бегали Қодиров. — Глобал иқлим ўзгариши, шунингдек, трансчегаравий сувдан фойдаланиш муаммолари туфайли йиллик олинаётган сув белгиланган лимитига нисбатан ўртача 20 фоизга қисқарган. Бугунга келиб Ўзбекистон аҳолиси 34 миллион кишидан ошди, аҳоли жон бошига ўртача 1 500 м³. сув тўғри келмоқда. 2030 йилгача аҳоли сони 39 млн. нафаргача кўпайиб, бу кўрсаткич 1 250 м³.га тушиб кетиши мумкин. Бу шароитда республика аҳолисининг ичимлик сувига бўлган талаби 2,3 миллиард куб метрдан 3,0 миллиард куб метрга етиши



кутилмоқда. Шунингдек, саноат ва энергетика соҳасида йиллик сув истеъмоли 1,9 миллиард куб метрдан 2030 йилга бориб 3,5 миллиард куб метрга етади.

Кўришиб турибдики, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини сув билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигига ажратилган сувнинг улуши камаяди. Мамлакатимизда сув хўжалигини 2030 йилгача ривожлантиришнинг 11 та устувор йўналишлари белгиланган. Тежовчи технологияларни ишлаб чиқариш ва кенг жорий этиш ҳам шулар жумласига киради. Агар белгиланган вазифаларни ўз вақтида уддаласак, аминманки, мамлакатимизнинг барча иқтисодиёт тармоқларини сув билан кафолатли таъминлаб, бу соҳада хавфсизликка эришамиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз сув хўжалиги мутахассислари ҳам охириги ўн йилда Ўзбекистонда сув ҳажми 12 фоизга, ўтган йилгига нисбатан эса бу йил 15 фоизга тушиб кетганини таъкидлашмоқда. Аммо шундай шароитда ҳам сув исрофи юқори даражада қоляпти. Эгатлаб суғориш оқибатида йилига қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланяпти.

Беҳуда «оқаётган» пуллар

Бундан ташқари, пахта ва ғалла етиштириш учун сарфланаётган электр энергияси ҳамда сувни етказиб бериш харажатлари жуда кўп. 2,5 миллион гектар майдонни суғориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилига 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари ишлатилади. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат

қилиняпти.

Бундай шароитда сувни тежаш ва ҳисобини юритиш ҳар доимгидан ҳам долзарб масалага айланди. Ўтган икки йилда Президентимиз ва ҳукуматнинг шу соҳага доир 11 та қарори қабул қилиниб, ҳамма шароит яратиб берилди. Лекин бажарилгани қониқарли

“ ДАРҲАҚИҚАТ, МАМЛАКАТИМИЗ СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ ҲАМ ОХИРГИ ЎН ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ ҲАЖМИ 12 ФОИЗГА, ЎТГАН ЙИЛГИГА НИСБАТАН ЭСА БУ ЙИЛ 15 ФОИЗГА ТУШИБ КЕТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШМОҚДА. ”

эмас. Масалан, шу пайтгача 285 минг гектар, яъни бор-йўғи 7 фоиз ерда сув тежовчи технологиялар жорий этилган. Бу борада, айниқса, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларида қолоқлик бор.

Режалар амалга ошсагина фойда беради

Шунга қарамай, мамлакатимиз Сув хўжалиги вазирлиги томонидан соҳага қатор янгиликлар жорий этилиши кутилмоқда.

— Келгуси йилда сув тежовчи технологияларни жорий этишни 600 минг гектарга етказиш режа қилиб қўйилди, — дейди Сув хўжалиги вазирлиги Илмий ва инновацион ишланмаларни жорий этиш бўлими бошлиғи

Шавкат Усманов. — Бунинг учун давлат бюджетидан зарур маблағ йўналтириш, ташаббускорлар харажатиининг бир қисмини қоплаш учун субсидия бериш, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари ресурсларини жалб қилиб, салоҳиятли фермер хўжаликлари ва кластерларга тижорат банклари орқали кредит ажратиш кўзда тутилмоқда. Бироқ юртимизда бундай техникаларни ишлаб чиқаришга мослашган 13 та корхона мавжуд, холос. Уларнинг қуввати эҳтиёжнинг ярмини қоплашга ҳам етмайди. Шу боис Самарқанд, Тошкент ва Наманган вилоятларида сув тежовчи технологиялар учун ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этмоқчимиз.

Каналлар қанча сувни исроф қилиши мумкин?

Сув исрофига сабаб бўлаётган муаммолар юқоридагилар билан чекланмайди. Масалан, аксарият сув хўжалиги объектларидан 50-60 йилдан буён фойдаланиб келинаётгани сабабли, уларнинг техник ҳолати талабга жавоб бермайди. Сувнинг 35 фоизга яқини ана шу эскирган иншоотлар сабаб йўқотилади. Уларнинг барини замон талабларига мос равишда таъмирлаш эса жуда катта маблағларни талаб этади.

Тасаввур қилинг, мамлакатимизда биргина Катта Фарғона канали тубини бетонлаш, сув сингдирмайдиган технологияларни қўллаш, даҳаналарни замон талабларига мослаштириш бўйича лойиҳа 1980 йилларнинг бошидаёқ ишлаб чиқилган эди. Аммо шу кунгача йирик лойиҳанинг фақатгина бир қисми, даҳаналарни таъмирлаш қисми амалга оширилди. Ваҳоланки, бошқа кичикроқ каналларнинг аксарияти аллақачонлар бетонлаб бўлинган. Бетонланмаган ва ўзи ўтказаетган сувларнинг катта қисмини сингдириб юбораётган йирик каналлар талайгина.

Бизнингча ҳам, аввало, ишни амалга ошмай қолган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишдан бошлаш даркор. Мавжуд сув хўжалиги иншоотларини замон талабига мослаш миллионлаб куб сувни асраб қолганига сабаб бўлади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»



Ўзбекистон Хитойга қуритилган аччиқ қалампир экспорт қилади.

2019 йилда донни қайта ишлаб чиқариш бозор тамойилига ўтгани боис қолипли нон нархи 550-600 сўмдан 1400-1500 сўмгача кўтарилган эди. Келгуси йилдан бошлаб ғалла ва дон маҳсулотлари ҳам тўла эркин бозор тизимида сотилиши кутиляпти. Хўш, бу яна ноннинг нархи ошишига олиб келмайдими? Муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар нархини бозор талабидан келиб чиқиб баҳолаш қанчалик тўғри? Умуман, дон бозорида қандай ўзгаришлар кутиляпти?

ҒАЛЛА

ЭРКИН НАРХДА СОТИЛАДИ:

Нархларнинг эркинлаштирилиши фермерга нима беради?

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 мартдаги «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, 2021 йил ҳосилдан бошлаб давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан тўлиқ воз кечилади.

— Илгари боғдорчилик, чорвачилик фермер хўжаликлари ҳам ғалла экиш мажбурий эди, — дейди Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Абдурашид Исраилов. — Хужжат билан ушбу мажбурият олиб ташланиб, ғаллачиликка ихтисослашган фермерлар учун ҳам давлат хариди тўлиқ бекор қилинди. Бу энди фермерлар ғалласини ўзи истаган вақтда биржа орқали бемалол сота олади дегани. Таъкидлаш керакки, ғалла учун давлат буюртмасининг бекор бўлиши фермерлар фаолиятида туб ўзгаришларга олиб келади, уларга эркинлик беради, рақобат ўсади, яъни манфаат кучаяди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалигида унумдорлиқнинг ошишига олиб келади.

Айтиш керакки, Президентнинг юқоридаги қарори билан ғаллани харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этиш мақсадида биринчи марта ҳокимларга

имтиёзли кредитга бўлган талабни белгилаш, фермер ва кластерларга ажратиладиган кредитларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқи берилди. Қолаверса, улар 2021 йил ҳосилдан бошлаб ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш мақсадида харид қилинадиган товар дон ҳажмларига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Янги тартиб нон нархини оширадими?

Албатта, рақобат бор жойда сифат яхшиланиб, маҳсулотнинг тури кўпаяди. Яна бир ҳолат: ғалла етиштирадиган фермерлар меҳнатига яраша ҳақ оладиган бўлади. Шу каби жиҳатлар кишини қувонтиради, албатта. Аммо шундай омиллар қатори янги тартиб ғалла ва дон маҳсулотлари, айниқса, ноннинг нархи ошишига сабаб бўлмайди.

— Халқимиз орасида нон нархининг ошиб кетиши билан боғлиқ хавотир бўлиши табиий, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Зоҳид Зиёдуллаев. — Чунки ҳамма ўзи истаган нархда сотиладиган маҳсулотлар қиммат бўлиб кетади, деган қараш бор. Аммо бундай хавотирлар асоссиз. Чунки қарор билан мамлакатда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирлари ҳам белгилаб берилган. Хусусан,

давлат шу мақсадда 1 млн. 700 тонна товар дон ва 284 минг 400 тонна уруғлик дон харид қилиши белгиланган. Бу тадбирни амалга ошириш учун зарур миқдордаги дон фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади.

Нега Қозоғистондан ун сотиб оламиз?

Юртимизда ғалла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб борапти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Бироқ шу ўринда ҳақли савол туғилади: буғдой ҳосилдорлиги яхши экан, нега ҳар йили Қозоғистондан ун сотиб оламиз? Ёки бизнинг буғдойимиз сифати зарур талабларга жавоб бермайдими?

— Макарон ва қандолат маҳсулотлари учун қўшни мамлакатларда ун импорт қилишимиз бор гап, — дейди З.Зиёдуллаев. — Бу дон маҳсулотларининг етишмаслиги ёки ун ишлаб чиқаришнинг сифатига боғлиқ эмас. Яъни макарон ва қандолат маҳсулотлари учун қаттиқ буғдой керак. Худди шундай навлар юртимизда яратилган. Масалан, «Маркус – 3», «Маркус – 7» ва «Насаф» каби бир қатор навлар шулар жумласидан. Лекин суғориладиган майдонларда етиштирилган ушбу навдаги буғдой қандолат ва макарон саноатининг талабларига жавоб бермайди. Бу иқлим шароити билан боғлиқ ҳолат. Юртимизда эса лалми майдонлар унчалик кўп эмас. Шу боис ҳам биз Қозоғистоннинг лалми майдонларида етиштирилган буғдой унини харид қиламиз. Кейинги вақтларда соҳага замонавий технологияларнинг кириб келиши натижасида юртимизда ҳам қандолат ва макарон ишлаб чиқариш талабларига тўла жавоб берадиган ун тайёрлашга эришилди. Шунинг

натижасида импорт қилинадиган ун миқдори сезиларли даражада қисқарган.

Хулоса ўрнида

Албатта, барча бирдек манфаат кўриши учун очик бозор бўлиши керак. Шу боис мамлакатимизда донларнинг эркин сотилишига рухсат берилмоқда. Аммо ушбу бозорни ўрганмаган фермерлар бироз қийинчиликка дуч келиши ҳам мумкин. Ҳали дон бозоридаги вазият қай томонга ўзгариши янги очилган қўриқ учун мавҳум ту-

ДАРВОҚЕ...

Қарор билан бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли дон етиштириш учун фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерларига имкониятлар яратилди. Жумладан, ҳудудларнинг табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиб, зараркунанда ва касалликларга чидамли бўлган Россиянинг селекцион навлари 817 минг гектарга ёки 78 фоиз майдонга, маҳаллий шароитда яратилган навлар эса 168 минг гектарга ёки 16 фоизга жойлаштирилди.

шунча бўлиши табиий.

Шундай экан, бу борадаги ишларни етти ўлчаб, бир кесиш керак. Энг муҳими, ғаллани харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини тўла жорий этиш ва бундан фермерлар манфаатдор бўлишига уларни ишонтира олишимиз зарур. Шундагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

Биласизми?

2021 йилда кредит ставкаси ҳамда нархлар ўсиш прогноз параметрларини инобатга олган ҳолда, дастлабки ҳисоб-китоблар амалга оширилиб, 1 тонна ғалланинг етиштириш харажати 1 млн. 575 минг сўмни (ҚҚС билан бирга) ташкил этиши кутилмоқда.

Бошоқли дон етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида бошоқли дон етиштириш таннархига 20 фоиз қўшимча ҳисобланган ҳолда 1 тонна ғалланинг сотиш нархи 1 млн. 900 минг сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

БАА авиакомпанияси Ўзбекистонга мунтазам парвозларни амалга оширади.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ: БУ ЙИЛГИ ҚИШ ХАВОТИРСИЗ ЎТАДИМИ?

Пандемия шароитида таълимнинг масофадан ташкил этилаётгани ва шифохоналарга бўлган эҳтиёжнинг ортганини ҳисобга олсак, барча ҳудудларни узлуксиз электр токи билан таъминлаш ҳар доимгиданда муҳим эканини англаш қийин эмас. Аммо тан олиш керак, олис ҳудудларда ҳамон электр токи билан боғлиқ муаммолар учраб турибди.



билан қўшим тўламаса, барибир қоронғида ўтираман-ку» деган қараш шаклланиб қолмайдими? Айтиш керакки, айтишундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида эндиликда соҳада янги тизим жорий этилади.

— Одатда, электр энергиясидан фойдаланишни яхши билмизу, лекин унинг тўловига келганда пайсалга соламиз, — дейди «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ масъул ходими Улуғбек Ўрунов. — Бундай эътиборсизлик сабаб соҳада қатор муаммолар пайдо бўлаверади. Президентимиз раислигида 14 сентябрь кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида электр энергиясини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишни тўлиқ автоматлаштирилган тизимда ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Ушбу янги тизим бизни қийнаётган муаммога катта ечим ҳисобланади. Масалан, автоматлаштирилган тизим жорий этилган 7 та туман ва шаҳарда тўловлар ундирилиши 40 фоизга ошишига замин яратилди. Бу тизим 2021 йил 1 мартга қадар тўлиқ ишга туширилади.

Шу ўринда яна бир рақам: 15-16 сентябрь кунлари 58 мингдан ортиқ қарздор истеъмолчиларни электр тармоғидан автомат тарзда ўчириш амалга оширилди. Тўғри, сифатли хизмат кўрсатилса, юртдошларимиз тўловларни оғринмай амалга оширади. Аммо таъминот яхши бўлган Тошкент шаҳрининг ўзида 210 минг нафар қарздор истеъмолчи (умумий қарздорлик 57,3 млрд. сўм) аниқланиб, уларнинг 40 минг нафардан ортиғи автоматик равишда тизим томонидан тармоқдан ажратилган.

Таассуфланарлиси, тармоқдан ажратилганлар орасида узок муддат давомида электр энергиясидан фойдаланиб, шу кунгача ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаган истеъмолчилар ҳам бор. Шунча маблағ давлат ғазна-сига ўз вақтида кирим қилинса, қанчадан-қанча техник жиҳатдан эскирган симёғоч ва трансформаторларни янгисига алмаштириш, бу орқали олис ҳудудларни узлуксиз энергия билан таъминлаш мумкин бўларди.

Муаммо фақат эскирган симёғочдами?

Дарҳақиқат, эскирган тизимни бирдан янгилаш осон эмас. Бугун олис маҳаллаларда ўрнатилганига 50 йилдан ошган симёғоч ва трансформаторлар ҳам мавжуд. Уларни тўла янгилаш учун маълум муддат ва маблағ талаб этилади. Лекин масаланинг яна бир нозик жиҳати бор. Физика қонуниятига кўра, ишлаб чиқарилган электр энергиясини ўша вақтнинг ўзидан сарф этиш керак. Тармоқда ҳамон узилиш кузатиляпти экан, бу бево-сита ишлаб чиқариш билан боғлиқ муаммо эмасми?

— Узлуксиз электр энергиясига эга бўлишимиз учун ҳали бир неча йиллар зарур, — дейди энергетика бўйича илмий тадқиқотчи Сарвар Қурбонов. — Негаки, бугун мамлакатимизда катта қурилиш ишлари олиб бориляпти. Янги-янги бинолар, кўп қаватли уйлар учун электр ишлаб чиқарувчи станциялар қурилмасдан мавжуд тармоқлардан фойдаланилмоқда. Қолаверса, электр тармоқлари балансидаги кучайтирувчи, пасайтирувчи электр станциялар ҳам талабга тўла жавоб бермайди. Соҳада олиб борилаётган ўзгаришларга қарамай, ҳамон маънан эскирган ускуналар мавжуд. Улар тўла янгиланмас экан, хориждан электр энергияси сотиб олишнинг унчалик ҳам фойдаси бўлмайди. Чунки бунинг учун шунча босимни кўтара оладиган тармоқ бўлиши зарур.

Хулоса ўрнида...

Дарҳақиқат, бугун энергия, айниқса, электр билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммолар талайгина ва уни бирданига ҳал этиб бўлмаслиги ҳам табиий. Ана шундай вазиятда қатор дастурларни қабул қилиб, уларни босқичма-босқич амалга ошириш билан чекланиб қолишнинг ўзи кифоя қилмайди. Чунки муаммонинг қамрови қанча кенг бўлса, унинг ечими ҳам шунча мушкул бўлади. Бундай вақтда эса ҳамжиҳатликда иш кўриш зарур. Бу билан фақат тўлов маданиятини юксалтириш керак, демоқчи эмасмиз. Аксинча, соҳага тадбиркорларни жалб этиш, ўзини ўзи энергия билан таъминлайдиганларни рағбатлантиришнинг оптимал усулларини ўйлаб кўриш керак.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

«Худудий электр тармоқлари» АЖ йил якунигача яна 3,5 миллион дона замонавий электр ҳисоблагич ўрнатиб, 2021 йил 1 мартга қадар автоматлашган тизимни тўлиқ ишга туширади. Шунингдек, йирик истеъмолчи ва тадбиркорлик субъектлари, тақсимлаш пункти ҳамда трансформаторларга электрон ҳисоблагичлар ўрнатиб, уларни ҳам ягона электрон базага улайди.

Шундай вақтда мутасаддиларнинг ваъдасини эслаб, беихтиёр: «Ҳар баҳорда шу бўлар такрор...» дейсиз.

— Электр таъминоти аввалги йилларга нисбатан анча яхшилангани рост, аммо ҳамон совуқ тушиши билан тармоқда узилишлар бошланади, — дейди Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги «Мустақиллик» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Махсумов. — Бундай вақтда, албатта, тўлов қилган ҳам, қарздорлиги миллион сўмдан ошиб кетган маҳалладошлар ҳам бирдек қоронғи уйда ўтиришга мажбур бўлади. Электр узлуксиз берилса ва фақат қарздор хонадонларгина тармоқдан узиладиган бўлса, тўлов маданияти ўз-ўзидан шаклланмайдими?!

Юртдошимизнинг сўзларида ҳам жон бор. Еган ҳам, емаган ҳам сомсага пул тўлайверса, одамларда «бугун мен тўлаганим

Хўш, биз қачон барқарор энергия тизимига эга бўламиз? Эскирган симёғочу муддатини ўтаб бўлган трансформаторлар янгисига алмаштириладими? Тизим қачон автоматлаштирилади?

— Соҳада ечимини кутаётган муаммолар бугун ёки кеча пайдо бўлиб қолганини барчамиз яхши биламиз, — дейди «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов. — Узок йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни тўла бартараф этиш эса маълум муддат талаб этилиши табиий. Шундай бўлса-да, шу кунга қадар 16 минг 778 км. узунликда электр узатиш тармоқлари ҳамда 5 минг 659 та трансформатор пунктлари мукамал таъмирланди. Бу ишлар шу билан тўхтаб қолгани йўқ ва жорий йилнинг 1 октябрь кунига қадар 6 минг 313 км. электр узатиш тармоқлари ҳамда 2 минг 73 та «подстанциялар» пухта техник кўриқдан ўтказилиши белгиланган. Бунинг натижасида жойларда электр энергиясида узилишларнинг олди олиниб, хизмат сифати янада яхшиланади.

«Ҳар баҳорда шу бўлар такрор...»

Куз-қиш мавсуми яқинлашганида доим мутасаддилар бу йил энергия тизимида ижобий ўзгаришлар бўлишини таъкидлайди. Аммо биринчи қор ёғишга улгурмай, олис ҳудудлардан муаммоли масалалар кўтарилган хабарлар тарқала бошлайди.



Германиянинг етакчи фикр маркази юртимиздаги сўз эркинлиги даражасига баҳо берди.

КОММУНАЛ СОҲАДАГИ хусусий сектор қандай ўзгаришлар қилиши мумкин?

Коммунал тармоқларнинг барқарор фаолияти аҳоли турмуш сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан. Шу боис давлатимиз томонидан бу масалага доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Жорий йил 18 сентябрь кунини Юртбошимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги муаммолар муҳокама қилиниб, ишни янги тартибда ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Айниқса, ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини тақомиллаштириш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари алоҳида таъкидланди. Чунки бу йил қишнинг ўтган йилга нисбатан совуқ келиши башорат қилинмоқда. Бу эса, коммунал соҳасидаги ишларни жадаллаштириш кераклигини аниқлатади.



Соҳадаги лойиҳалар ва тарифлар маҳаллий кенгашлар билан келишилади

— Бундан кейин ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимидаги лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш, шунингдек, тарифларни белгилашда маҳаллий кенгашлар билан келишилган тартибда иш олиб борилиши жорий қилинади, — дейди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Ягона давлат суви фонди хавфсизлигини ва сифатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Акбар Юнусов**. — Бу аҳолининг тўлов мажбуриятлари учун ҳам ижобий тизимдир. Юртимизда 27 та туманда ичимлик суви билан таъминлаш ишлари яхши эмас. Мавжуд 70 минг километр суви қувурларининг 32 фоизи эскирган. Оқибатда улардаги йўқотишлар даражаси 40-50 фоизни ташкил этмоқда. Бу йилига қарийб 500 миллион куб метр суви ўртача 300 миллиард сўм дегани. Бундан ташқари, жойлардаги насос ускуналари ва махсус техникалар ҳам таъмирталаб бўлиб қолган. Шу

боис келгуси йилдан инвестиция дастурларида соҳага ажратилаётган маблағнинг 10 фоизини сув объектларига энергия тежовчи ускуналар ўрнатиш ҳамда махсус техникалар харид қилиш учун йўналтириш режалаштирилмоқда.

Хисоб-китобларга кўра, қарийб 2 мингта аҳоли пунктига марказлашган суви етказиб бериш техник жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун бундай ҳудудларни хусусий сектор орқали суви билан таъминлаш маъқул келмоқда. Мисол учун, Ўзбекистон туманида ижтимоий шериклик асосида қудуқ ишга туширилиб, 6 та қишлоқдаги 11 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Бунга кетган харажатлар 2 йилда ўзини қоплади. Шунингдек, Амударё туманида 8 та суви тозалаш шохобчаси қурилиб, 5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган 7 та маҳалла тоза ичимлик суви билан таъминланган. Лойиҳа 3 йилда ўзини оқлайди. Бу тизимнинг қулайлиги шундаки, ичимлик суви объектлари қуриш ва ускуналар харид қилиш учун хусусий секторга кредит берилиб, унинг 14 фоизидан юқори қисмига давлат

томонидан субсидия ажратилади. Бугунги кунда кўплаб тадбиркорлар шундай лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Давлат-хусусий шериклик тизими коммунал хизматни ривожлантирадими?

Ривожланган мамлакатларда давлат ва хусусий секторлар ресурсларини бирлаштириш орқали жамиятда мавжуд бўлган бир қатор долзарб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар самарали ҳал этилади. Юртимизда

кўплаб соҳаларда, жумладан, уй-жой коммунал тизимида учраётган муаммолар айтиш эриш орқали ечим топиши шубҳасиз. Чунки бу соҳада хизмат кўрсатувчи «табiiй монополия» корхоналари фаолияти аксарият ҳолларда бир томон учун манфаатли бўлмоқда. Хусусан, коммунал хизматларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган йўқотишларни қоплаш, нарх-наво ва тарифлар орқали истеъмолчилар елкасига юкланади. Боиси, соҳада рақобат йўқ, аҳоли эса яқка ҳуқуқ хизмат кўрсатувчиларнинг талабига бўйсунушга мажбур.

— Аҳолининг ижтимоий манфаатларини таъминлашда коммунал соҳада давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишга бўлган эътиборнинг кучайиши муҳим аҳамият касб этади, — дейди **Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Инвестиция дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Улуғбек Абдусатторов**. — Бу, ўз навбатида, бюджетга енгиллик бўлади, хизмат сифати ҳам яхшиланади. Мисол учун, мамлакатимизда амалга оширилиши режалаштирилган биргина канализация лойиҳалари учун 2 миллиард 600 миллион доллар талаб қилинади. Мазкур лойиҳанинг хусусий шериклар билан биргаликда амалга оширилиши, бюджетга катта енгиллик беради, соҳага хусусий секторнинг кириб келиши рақобатни вужудга келтиради ва пировард натижада хизмат сифатини оширади.

Юртимизда давлат-хусусий шериклик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, ДХШни ривожлантиришнинг тамойиллари, шартлари ва йўналишларини белгиловчи ҳуқуқий ва институционал базани яратиш, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда бюджет тизимига молиявий, техник ва тижорат таваккалчиликларининг таъсирини баҳолаш ме-

ханизминини ишлаб чиқиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги «Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан суви таъминоти ва канализация соҳасида ДХШ тўғрисида шартнома тузган юридик шахсларга тегишли шартнома имзоланган санадан бошлаб 3 йил муддатга: ягона ижтимоий тўловдан бошқа барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод этилади.

Хулоса ўрнида

Бугунги кунда ичимлик суви, канализация ва иссиқлик таъминоти соҳасида 40 дан ортиқ объектларни ДХШ механизмлари асосида ривожлантириш, соҳага хусусий секторни жалб қилиш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Шундан 28 та лойиҳа ичимлик ва оқова суви таъминоти бўйича ва 14 таси иссиқлик таъминоти бўйича тайёрланган. Келгуси 3 йил давомида ичимлик суви таъминоти 30 фоизгача, канализация хизматлари 10 фоизгача, иссиқлик таъминоти тизими 20 фоизгача давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида бошқарувга берилиши режалаштирилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ДХШ механизмларининг соҳага татбиқ этилиши ичимлик суви таъминоти, канализация хизматлари ва иссиқлик таъминоти инфратузилмасини ривожлантиришга, соҳага хусусий инвестицияларнинг жалб этилиши ва бу борада бюджет харажатларининг камайишига, илғор бошқарув тажрибасининг жорий қилинишига хизмат қилади ҳамда соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ўзари манфаатли шароитларда тезкорлик билан самарали ҳал этилиши, пировардида эса аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ошишига олиб келади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Франциянинг «SUEZ International» компанияси билан биргаликда Тошкент шаҳар суви таъминоти сифатини яхшилаш бўйича қиймати 185,4 млн. евро бўлган лойиҳа шартномаси имзоланган бўлиб, Тошкент, Жиззах, Сурхондарё вилоятларидаги қатор туманларда худди шундай лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон илк бор Жаҳон банкининг инсон капитали индекси рейтингида иштирок этди.

Одатда халқимиз қиш ғамини ёзда кўради. Ахир, мавсумнинг беталафот, кўнгилдагидек ўтиши бугунги саъй-ҳаракатларга боғлиқ-да. Зеро, қишнинг совуқ, қор-ёмғирли кунларида йўл, иссиқлик таъминоти, газ, сув, электр энергияси таъминотидаги муаммоларга дуч келмаслик учун бугундан ҳаракат бошлаганлар ютади.

Халқ қабулхоналари, Фавкулдда вазиятлар вазирлиги масъул ходимларидан таркиб топган Республика ишчи гуруҳи айна пайтда Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида куз-қиш мавсумига кўрилатган тайёргарлик ишларини кўздан кечирмоқда.

Хўш, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиляптими? Кўп қаватли уй-жойлар, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини қиш мавсумига тўлиқ тайёрлашнинг бугунги ҳолати қандай?

Бунга қандай чидаш мумкин?

Коммунал соҳанинг наинки аҳоли турмуш даражаси, балки жамиятдаги ижтимоий муҳитга ҳам таъсири ғоятда катта. Шунга кўра, ҳудудлардаги кўп қаватли тураржойларга кўрсатилаётган коммуникация хизматлари аҳолини қониқтиряптими? Афсуски, Тўрткўл туманидаги 1-секторга қарашли «Ёшлик» маҳалласида бўлиб, бунга ижобий жавоб топмадик.

Йиғиннинг Қозоғистон кўчасидаги 27-, 29-уйлар атрофи қурилиш чиқиндилари билан «қуршаб» олинган. Улар ўз вақтида олиб кетилмагач, бу ердаги экологик муҳит ҳақида гап бўлиши мумкинми? Болалар майдончаси яқин йилларда таъмирланмаган, ўйнаш ускуналари эски, ранги ўчиб кетган. Майли, бунинг чораси кўрилар. Лекин аҳолида ҳам ўз яшаш манзилига нисбатан экологик маданият шаклланмаган бўлса, буни қандай ҳал этиш мумкин? Уйларнинг орқа майдони бегона ўтга, чиқиндига тўлиб кетган.

— Кўп йиллардан буён канализация бўлмагани учун қийналяптими, — дейди шу ерда яшовчи Салима Ҳтемураева. — Уйларнинг орқасига кўни-кўшниллар ўзаро келишиб, қудуқ шаклида «канализация» қуриб олган. Бир ой ўтмай, тўлиб қолади. Уни вақтида олиб кетмагач, бадбўй ҳид тарқалмоқда. Умумий ҳожатхонамиз санитария-гигиена талабларига зид. Тунги ёриткич йўқ. Серкатнов жой бўлгани боис қоронғида фарзандларимизни машина уриб кетмасин, деб юрак ҳовучлаб ўтира-миз. Улар учун майдонча йўқ.

Мутасаддилар муаммолар борлигини билмайдими?

Худуддаги 17-сон мактабгача таъ-

Мавсумга

ҲОЗИРЛИК НЕГА талаб даражасида эмас?



лим муассасаси иморати капитал таъмирга муҳтож. Деворлари нураб тушмоқда. Боғча мудираси Зулфия Ҳтемураеванинг айтишича, муассаса имкони борича ҳар йили жорий таъмирлаб келинмоқда, лекин эскини ямаб, эсинг кетмасин экан, кўпга бормайди.

4-секторга қарашли «Тинчлик» йиғинидаги 18-умумтаълим мактаби бундан 30 йил илгари қурилган. 2009 йилда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилган. 11 йилдирки, у таъмирга муҳтож. Деворлари нураган. Ижодиёт устaxonасини кўрган киши ичкарида уюлиб ётган кераксиз буюмлардан таажжубланади. Пол қачон артилгани ҳеч кимга аён эмас. Спорт залини чанг-гард босган. Сув йўқ. Инвентарлардан ҳеч ким фойдаланмаяпти. Наҳотки, сектор раҳбарлари яққол кўзга ташланиб турган шунча муаммо борлигини билмайди? Бунга мутасадди ташкилотлар қандай муносабат билдиради?

— Туманимизда 70 та кўп қаватли тураржой мавжуд, — дейди Тўрткўл тумани уй-жой коммунал бўлими бошлиғи Отабек Атажонов. — Ҳозирда шундан 13 таси таъмирланмоқда. 18 та уй 2021 йилдаги йирик капитал таъмирлаш режасига киритилган. Ишчи гуруҳи томонидан 1-сектор ҳудудидаги келгуси йили бузилдиган иккита уй ҳар томонлама ўрганилмоқда. Чиқинди ҳақиқатан ҳам, ўша кунлари тўпланиб қолган эди. «Тоза худуд» ДУК томонидан қатъий назорат асосида ҳафтасига бир маротаба чиқинди олиб кетиш йўлга қўйилди. Текширув ҳафтанинг сўнги кунига тўғри келгани боис шу ҳолатга дуч

келишган. Рейд иштирокчилари томонидан кўрсатилган барча камчиликларни тезлик билан ҳал қилиш чораларини белгиладик.

Қозонхона қишга тайёр эмас

Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари Эллиққалъа туманида давом этди. Худудда 51 та кўп қаватли уй мавжуд. 4-секторга қарашли «Бўстон» йиғинидаги 18-, 20-, 22-уйлар шароити кўздан кечирилганида, деярли барчасининг қозонхонаси қишга умуман тайёр эмаслиги аён бўлди. Деворлар кўчиб тушган. Сув қувурлари чириб, занглаган, тешилган.

Алишер Навоий номидаги маҳаллада 24 та оила истиқомат қиладиган 12-уйнинг ташқи кўриниши ҳам жуда ночор аҳволда. Йўлақлар эшиги йўқ. Болалар майдончасида кичкинтойлар «борини бозор қилиб» ўйнашга мажбур. Барча уйларда канализация тизими мавжуд эмас. «Қўлбола» канализация қазилмагач давом этади?

— Аҳолининг ярми 21 та кўп қаватли уйда истиқомат қилади, — дейди йиғин раиси Жамалатдин Оразалиев. — Ҳақиқатан ҳам, 2 та уй таъмирталаб аҳволда. Йил бошида ширкат 200 миллион сўмлик кредит олиши керак эди, аммо бўлмади. Кўриб турганингиздек, маблағ олинмагани аҳолининг яшаш шароитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу масала бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик, ҳозирча натижа кўринмаяпти. Энди ишчи гуруҳининг ўрганишларидан сўнг вазият ўзгаришини кутиб туриб-миз.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Куз-қиш мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси 65,5 минг тонна кўмир билан таъминланади.



Масъуллар масъулияти оширилиши керак!

Яширишнинг ҳожати йўқ, шу пайтгача коммунал хизмат соҳасидаги муаммолар аҳоли, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиган одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани.

Айтиш керакки, ишчи гуруҳининг ўрганишлари Қорақалпоғистон Республикасининг кўплаб туманларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни умуман талабга жавоб бермаслигини кўрсатиб қўйди. Аслида бу муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолмаган. Йиллар давомида масъулларнинг бепарволиги, сансалорлик, «отангга бор, онангга бор» қабилидаги ёндашуви туфайли улар тўпланиб бораверган.

— Барча сектор раҳбарларига рейд тафсилотлари етказилди, — дейди ишчи гуруҳи аъзоси Ҳурлиман Нуржанова. — Афсуски, улар аҳоли пунктларида қандай муаммолар борлигини билсалар-да, масъулиятни унуттишган. Рейд уларни ўз фаолиятини қайтадан кўриб чиқиб, мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилишга ундаган бўлса, ажаб эмас. Ҳар бир манзилдаги аҳоли норозиликларини бартараф этиш юзасидан қатъий назорат ўрнатилди.

Халқимиз таъбири билан айтганда, қор осмонда қишламайди. Остонада табиатнинг инжиқ мавсуми эшик қоқиб турибди. Унинг ҳар бир кунини — синов. Қиш фаслини беталафот ўтказиш эса унинг «имтиҳон»ларига қанчалик пухта ҳозирлик кўрилганига боғлиқ. Буни нафақат мутасадди идоралар масъулари, балки ҳар биримиз бир зум бўлса-да, ёддан кўтармаслигимиз, тадорикни пухта қилишимиз керак. Ана шунда қиш ўчоғи тор бўлиб қолмайди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»



Рақамли таълимни жорий қилишга оид лойиҳа пойтахт мактабларида тақдим этилди.



Бугун минглаб ватандошларимиз Россия давлатида меҳнат мигрантларига айланишган. Улар расмий ва норасмий тарзда ўз фаолиятларини олиб боришмоқда. Бу рақамлар ортида инсон тақдири, қолаверса, бир ўзбек оиласининг келажаги ётибди. Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан деганларидек, бунинг асл маъносини мигрантларчалик ҳеч ким англаб етмаса керак.

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИМИ?

Кейинги олти ойда бутун дунёда меҳнат мигрантларининг ташвишлари янада кўпайди. Пандемия таъсирида ишсизлик, юртга қайта олмаслик, ҳафталаб палаталарда чегарадан ўтказилишларини кутиб яшаш ва ҳоказолар...

Бугунги кунда Россия давлатида меҳнат қилаётган юртдошларимиз учун турли тартиб ва талаблар жорий этилмоқда. Хўш, улар нималардан иборат?

Қандай имтиёзлар берилади?

— Бундан кейин Россия Федерацияси ҳудудида нолегал бўлиб турган фуқароларимиз рўйхатдан ўтиш ва рухсат берувчи бошқа ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугашидан (15 мартгача ёки ундан кейин) қатъи назар, яшаш манзили бўйича Россия Федерацияси ИИВ органларига мурожаат



қилиб, 2020 йилнинг 15 декабрига қадар мамлакатда бўлишни қонунийлаштириш мумкин, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошқарма бошлиғи Азим Аҳмадов. — Бунинг учун миграция нормаларини бузган ўзбекистонликлар шу муддатгача яшаш манзили бўйича Россия ИИВ

органларига мурожаат қилишлари лозим. Уларга нисбатан маъмурий чиқариб юбориш, депортация қилиш, илгари берилган вақтинчалик яшаш ва ишлаш учун рухсатнома ва патентни бекор қилиш, шунингдек, Россияга киришни тақиқлаш каби чоралар қўлланилмайди. Шундан сўнг фуқаролар яна яшаш манзили бўйича миграция рўйхатидан ўтишлари ва меҳнат патентларини олишлари мумкин. Бундай имкониятдан фойдаланган ҳолда Россия ҳудудида нолегал ҳолатда бўлган фуқароларимизни берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, мамлакатда бўлишини қонунийлаштириб олишларини сўраб қолардик. Бу эса ўзлари учун эртанги кунда ортиқча ташвишларни келтириб чиқармаслигини таъминлайди.

Пандемия пайтида Россияда ишсизлар сони 3,5 миллионга етиб, ишсизлик даражаси 4,7 фоизни ташкил этмоқда. Ишсизликни камайтириш мақсадида бандлик хизматлари фаолиятини «хизматлар кўрсатиш»-

дан «муаммоларни ҳал қилиш» усулига ўзгартириш, тегишли янги стандартлар ва меҳнат қоидаларини жорий этиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хорижда қийналиб қолган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилади

Ташқи меҳнат миграцияси соҳасини янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонаси очилади ҳамда ушбу ваколатхонада патентни тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматлари кўрсатилади. Ўзбекистон фуқароларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида чет давлатлардаги адвокатлик ташкилотлари билан битимлар тузилади. Яна бир муҳим жиҳат — хорижда мураккаб молиявий аҳволга тушган ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз, маблағларсиз қолган 10 мингга яқин фуқарога 446 минг сўм (40 доллар) миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, меҳнат мигрантларига ҳуқуқий ёрдам бериш бўйича онлайн платформа яратилиб, Россия Федерациясида «Call-марказ» ташкил этилади.

Меҳнат мигрантлари ҳимоя қилиняптими?

— Россияда нима учун меҳнат муҳожирларининг аксарияти ноқонуний равишда иш топаяпти? — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги директори ўринбосари Давлатназар Матрасулов. — Чунки қонуний мигрантлар патент олишга пул сарфлайдилар ва иш бошлагандан сўнг улар

тегишли хизматлар учун ҳам ҳақ тўлайдилар. Бундан ташқари, пул ўтказмалари ва Ўзбекистонда иш стажига билан боғлиқ харажатлар ҳам мавжуд. Юқоридаги вазирлиги тўғрисидаги ваколатхона мигрантлар сони кўпайди. Аммо ноқонуний мигрантлар ҳар тарафлама жабр кўриши тайин. Чунки ҳар қандай давлатнинг ўз қонун-қоидалари мавжуд. Россия Ички ишлар вазирлигининг маълумотида кўра, ҳозирда 600 минг ўзбекистонлик ушбу мамлакатда рўйхатдан ўтмасдан бўлиб тургани ва депортация, яъни мамлакатга кириш тақиқини олишдан қочиб юргани келтирилмоқда. Бир неча йил давомида 421 минг фуқаро Ўзбекистонга чиқариб юборилган ва энди улар Россияга кириш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир фуқаро қонуний йўл билан бориши муҳим. Шундагина давлат муҳожирларнинг ҳуқуқларини юз фоиз ҳимоя қилишга кафолат беради. Масалан, охириги икки йилда биз фуқароларимизнинг 823 минг АҚШ доллари миқдоридаги ойлик иш ҳақлари ва товон пулларининг тўлаб берилишига эришдик.

Хулоса ўрнида

Россия Ички ишлар вазирлиги миграция қонунчилигини ислоҳ қилиш концепциясини ва «Россия Федерациясидаги хорижий фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририни тақдим этди. Унга кўра, Россиядаги барча мигрантлардан бармоқ изларини олиш режалаштирилмоқда. Россиядаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида бутунлай янги федерал қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда, унда кўплаб ўзгаришлар киритилган. Россия ҳудудида бўлиш тартибига ўзгартириш киритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини соддалаштириш кўзда тутилган. Хусусан, Россияда 30 суткадан ортиқ вақт давомида бўладиган мигрантларга бармоқ изларини топшириш, суратга тушиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва ID-карталар олиш мажбуриятини юклаш режалаштирилмоқда. Ишга кетувчилар эса бу каби янги тартиб ва қоидаларни билишлари муҳим. Шундагина ўзга юртда ҳақ ҳуқуқлари паймол этилиши олди олинади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Россия Федерациясида меҳнат фаолиятини олиб бораётган ва рус тили ёки меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарларни бепул ўрганмоқчи бўлганлар @uzrivoj_bot тизимида ўз аризаларини қолдиришлари мумкин. Меҳнат мигрантлари учун Москва, Санкт-Петербург, Казань, Екатеринбург ва Новосибирск шаҳарларида 1 ойлик (72 соат) ва 2 ойлик (144 соат) ўқув курслари ташкил этилади.

Малака ошириш ва касб ўрганиш курсларида хизмат кўрсатиш, қурилиш ва компьютер технологиялари соҳасида дарс ўтилади. Курслар ва ётоқхона харажатлари меҳнат мигрантлари учун бутунлай бепул. Ўқув курслари якунида «World skills» стандартлари асосида ўқиганликни тасдиқловчи ва малака даражасини кўрсатувчи skills passport (малака паспорти) берилади.

Мамлакатимизда Форс тили ва маданияти маркази ташкил этилади.



«Дунёнинг ТОП университетлари рўйхатига киритилган», «100 дан ортиқ факультетлар мавжуд ва масофавий таълим йўлга қўйилган», «Ўзбекистонга ҳеч қандай муаммоларсиз ўқишни кўчириш имконияти мавжуд». Шу кунларда, айниқса, олий таълим муассасаларига қабул мавсумида оммавий ахборот воситалари ва реклама тарқатишнинг бошқа манбаларини шундай жумла билан бошланувчи эълонлар эгаллади.



норматив база шаклланади. Демак, қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиб, қайси мутахассисликлар ва қандай кўринишда масофавий таълим йўлга қўйилиши маълум бўлмагунга қадар шошиб қарор қабул қилмаслик зарур.

Йўқса, хорижий дипломнинг тан олинмаслиги фуқароларнинг келгусида турли сарсонгарчиликларга дуч келишига сабаб бўлади. Мисол учун, юқоридаги каби сабабларга кўра, 2019 йилнинг ўзида 783 нафар (жами ариза билан мурожаат қилганларнинг 6,1 фоизи), 2020 йилнинг ўтган даври мобайнида 157 нафар (жами ариза билан мурожаат қилганларнинг 4,8 фоизи) фуқарога синовларга қақирилмасдан дипломини тан олиш рад этилган.

Ўқишга жўнатувчи компанияни обдон ўрганиш керак

Яна бир жиҳат: «Ҳеч қандай имтиҳонларсиз талаба бўлинг!» деган қақирувдан кўп ҳам ҳаяжонга берилиб кетмаслик керак. Чунки халқроқ тажрибада «хари-доргир» бўлмаган ОТМларнинг чет эл фуқароларини имтиҳонсиз қабул қилиш амалиёти мавжуд. Бу уларнинг ўз рейтингини кўтаришга бўлган интилишдан бошқа нарса эмас.

Шунингдек, талабгорларни ўқишга жўнатмоқчи бўлган компаниялар ҳақида ҳам тўлиқроқ маълумот олиш фойдадан холи эмас. Зеро, айрим шундай фирмаларнинг абитуриентни юбормоқчи бўлаётган ОТМ билан расмий шартномаси бўлмайди. Улар таваккалга иш туттишда ва юз бериши мумкин бўлган оқибатлар учун жавобгарликни зиммасига олмайди. Қиладиган иши — интернет орқали ОТМ сайтига кириб, онлайн формани тўлдирди, тамом. Буни эса ҳамма қилиши мумкин.

* * *

Маълумотларга кўра, дунёда тахминан 200 мингга яқин ОТМ мавжуд экан. Уларнинг кўпчилик қисмида дунёнинг исталган мамлакати фуқаролари таҳсил олишлари мумкин. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам таълим сифатини кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Шундай экан, абитуриентлар диплом учун эмас, сифатли таълим олиб, салоҳиятли кадр бўлиш учун имкон қадар таълим сифати юқори бўлган, таълим тизими ривожланган ОТМни танлаши зарур.

Зеро, бугунги кунда бозор талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрларга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Кадрлар сифатига эса иш берувчи баҳо бормоқда. Демак, том маънода яхши олийгоҳни тамомлаган битирувчи эртага меҳнат бозорида ҳам тез ўз ўрнини топади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

ХОРИЖДА ЎҚИЙМАН ДЕБ АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ! Ёхуд чет эл олийгоҳларини танлашда нималарга эътибор қаратиш зарур?

Таклифлар кўп, барчаси турфа хил. Ана шундай вазиятда абитуриент ёки унинг ота-онаси қайси ОТМни танлашни билмай бош қотириши табиий. Афсуски, орамизда бундай қақирқларга ишониб, сўнгра пушаймон бўлган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас. Хўш, бу ўринда нима қилиш керак? Чет эл ОТМларини танлашда нималарга эътибор қаратиш зарур? Алданиб қолмаслик учун қайси жиҳатларни ҳисобга олиш лозим?

Тушунмовчиликка нима сабаб бўлмоқда?

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ёшларнинг бундай ОТМларга алданиб қолишига қатор омиллар таъсир кўрсатади. Айрим ёшлар хорижда ўқишга қизиқиб, ҳужжат топширган ОТМ ҳақида етарли маълумот тўпламайди. Натижада дипломи юртимизда тан олинмайди, айрим ҳолларда эса ОТМ жойлашган мамлакатда ҳам бу ҳужжатлар ишга киришга етарли бўлмай қолади.

Шунингдек, ўқишга жўнатувчи компаниялар тарғиб қилаётган айрим хорижий ОТМларнинг ўз давлатида аккредитацияси бўлмайди, натижада уларнинг Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатишига ҳам рухсат этилмайди. Қолаверса, айрим олийгоҳлар ўз давлатида аккредитациядан ўтган бўлса-да, таълим шаклини мамлакатимиз қонунчилигида назарда тутилмаган шаклда олиб бориш таклиф этилмоқда. Бу ҳолатда уларнинг дипломи тан олинмайди.

Бундан ташқари, консалтинг ташкилоти ёки ўқув маркази сифатида лицензияси бўлган айрим ташкилотлар фуқароларга ўзини хорижий ОТМ филиали сифатида таништириш орқали кўпроқ миқдорни жалб қилишга интиломоқда. Ваҳоланки, уларнинг ОТМ сифатида диплом беришга ҳуқуқи йўқ, улар фақат ОТМга тайёргар-

лик кўриш ёки ҳужжат тайёрлашга кўмаклаша олади.

— Бу ўринда, энг аввало, ташкилотнинг ОТМ сифатида фаолият юритишига рухсат берувчи ҳужжати, яъни лицензияси мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш лозим, — дейди Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси масъул ходими Шавкат Хўжакулов. — Кейинги энг муҳим талаб — таълим муассасаси томонидан бериладиган диплом ўзи жойлашган мамлакат ҳудудида тан олинши билан боғлиқ. Бунинг учун эса ОТМ ва унинг таълим дастурлари ваколатли органлар томонидан аккредитациядан ўтказилган бўлиши керак. Бу мазкур ОТМнинг дипломи Ўзбекистонда тан олинши учун ҳам зарур бўлади.

Таълим шаклига қандай талаблар қўйилади?

Бундан ташқари, талабгор танлаган муассасасининг ўқитиш шакли ва таълим дастурлари мамлакатимиз қонунчилигига мос келишини ўрганиши керак. Амалдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунга кўра, Ўзбекистон ҳудудида расман тан олинадиган бакалаврият босқичи камида 4 йил, сиртқи таълим камида 5 йил, магистратура эса камида 2 йил муддат қилиб белгиланган.

— Дейлик, ихтиёрий бир хорижий давлатдаги аккредитацияси бор ОТМ ўзбекистонлик ёшларга масофадан ўқиш ёки сиртқи шаклда 3 йил ҳажмда олий таълим бериш таклифини консалтинг ташкилотлари ёки интернет тармоғи орқали бермоқда, — дейди Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бўлим бошлиғи Низомжон Ишонқулов. — Натижада юртдошларимиз бу таклифга рози бўлиб, контракт миқдорини тўламоқда. Бироқ ўқишни бундай шаклда тамомлагач, олинган диплом Ўзбекистонда

магистратуранинг давом эттириши ёки ишлаш учун тан олишда муаммоларга дуч келади. Шу боис фуқаролар ўқишга топширишдан аввал таълим муассасасининг меъёрий муддатлари, агар ўқиш кредит модуль тизимида бўлса, белгиланган кредит ҳажмларини ўрганиб, сўнгра ҳужжат топширишлари лозим. Агар шу меъёрлар тўғри келмаса, хорижий ОТМ дипломи Ўзбекистонда тан олинмайди.

Масофавий таълим тан олинмайдими?

Пандемия вақтида жорий этилган карантин режими сабабли юртимиздаги олийгоҳларда таълим жараёнлари масофавий шаклга ўтказилди. Бироқ амалдаги қонунчиликка мувофиқ, хорижий ОТМларда масофавий тарзда таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида тан олинмаслиги белгилаб қўйилган. Хўш, буни қандай изохлаш мумкин?

— Айни пайтда янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасига масофадан ўқиш ҳам таълим турлари рўйхатига киритилмоқда, — дейди Ш.Хўжакулов. — Бироқ бунинг ўзи хорижда масофавий тарзда олинган дипломлар тан олинади, деган маънони аниқламайди. Сабаби қонун қабул қилинганидан сўнг таълимга оид қонуности ҳужжатларини унга мослаштириш ишлари олиб борилади. Бундан ташқари, олий таълимда масофавий таълим бериш шаклини барча мутахассисликлар учун бирдек қўллаб бўлмайди. Мисол учун, техника ёки тиббиётга ўхшаш соҳаларда бевосита амалиёт муҳим ўрин тутади.

Юқоридаги фикрлардан аниқлашдики, масофавий таълим шаклида ўқитиш мумкин бўлган йўналишлар белгилангач, хорижда олинган ҳужжатни тан олиш учун

МАҚБУЛЛАШТИРИШ МОДДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШНИ ЙЎҚОТАДИМИ?

Назаримизда, жорий йил 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунида қадрли устозларимиз пул мукофотисиз қолишади. Зеро, куни кеча Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор шундан дарак бермоқда.

Қарорга мувофиқ, бюджет ташкилотларида ишлайдиган ходимларга моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси, ОТМларнинг моддий рағбатлантириш жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишининг тўхтатиб турилиши 2020 йил 1 октябрдан 2021 йил 1 январга қадар узайтирилди (тиббий, тиббий-ижтимоий муассасалар, Меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари). Яъни 1 январгача мукофот ва моддий рағбатлантиришлар тўхтатиб турилади.

Бюджет харажатлари яна 1,9 трлн. сўмга қисқартирилди

Мақбуллаштирилган, яъни тежаб қолинган маблағлар келгусида уни коронавирус инфекциясига қарши кураш чора-тадбирларига йўналтириш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ўтказилади. Хўш, бу нима дегани, давлат бюджети дефицити вужудга келяптими?

— Вазирлар Маҳкамаси қарори фақатгина моддий рағбатлантириш масалаларида мақбуллаштиришни назарда тутмаган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси



Жаҳонгир Абдурасулов. — У орқали Республика бюджетининг қатор параметрлари 848,9 млрд. сўмга мақбуллаштирилди. Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари — 325,9 млрд. сўмга, Ўзбекистоннинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида — 503,1 млрд. сўмга, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари — 224,2 млрд. сўмга қисқартирилди. Жами оптималлаштирилган бюджет маблағлари 1,9 трлн. сўмни ташкил қилди. Ушбу маблағлар Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ўтказилади ва коронавирус пандемиясига қарши курашишга сарфланади.

Кимдир қарши, кимдир эса рози

Бу борада бюджет ташкилотларида фаолият юритаётган юртдошларимизнинг фикри турлича. Мисол учун, Олти-арик туманидаги 21-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ирода Пўлатова бугун дунёда вужудга келган вазиятдан имкон қадар кам талафот билан чиқиш учун мамлакат барча имкониятларни ишга солиши керак, деб ҳисоблайди. Бу жараёнда оғир бўлса-да, вақтинча айрим имтиёزلардан воз кечиб туриш, эвазига пандемия оқибатларини юмшатиш келажакда ўз мевасини беришини айтади. И.Пўлатованинг фикрича, «ҳозирги пайтда ҳар ким кўрпани ўз устига тортаверса, оқибати ёмон бўлиши мумкин».

— Менинг фикрим эса мутлақо бошқача, — дей-

ди Сирдарё вилоятдан ўқитувчи Мавжуда Жўраева. — Ҳозирда биз деярли икки ҳисса кўп меҳнат қиляпмиз. Биринчидан, очилган мактабларда болаларга аъъанавий дарсларни ўтаётган бўлсак, кўшимча равишда мактабга қатнаб ўқишни истамаган ўқувчиларга онлайн дарс ўтамиз. Аслида бизга бериладиган тўловларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳозирча мазкур баҳсли масалада меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари тарафидан бирор муно-

соҳалар учун ажратилган маблағлар вирусни енгиш чораларига йўналтирилди. Шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимларининг мукофот пуллари ҳам сентябрь ойигача бекор қилинган эди.

Тўғриси, айтилган салкам 3 триллион сўмнинг мақсадли сарфланишидан кўпчиликни кўнгли тўлмади. Ҳуқуқ органлари кунда-кунора ажратилган пулларнинг талон-торож бўлаётгани, белгиланган маблағлар жойигача етиб бормаётгани тўғрисида хавотирли хабарларни тарқатиб турди. Бундан ташқари, Олий

ЖАМИ ОПТИМАЛЛАШТИРИЛГАН БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ 1,9 ТРЛН. СЎМНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ. УШБУ МАБЛАҒЛАР ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАМҒАРМАСИГА ЎТКАЗИЛАДИ ВА КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА САРФЛАНАДИ.



Мажлис Қонунчилик палатасида ўқиб эшиттирилган Ҳисоб палатасининг назорат текширувлари натижаси ҳам қувонарли эмасди.

Масалан, Ҳисоб палатаси биргина Андижонда 112 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағлари мақсадсиз сарфлангани, қатор таъмирланиши керак бўлган мактаб ва бошқа инфраструктура объектларида амалга оширилиши керак бўлган ишлар чала ва

кўзбўямачилик учун қилингани тўғрисида ахборот берди. Худди шу каби вазият бошқа қатор вилоятларда ҳам кузатилган.

Аслида бу пулларга ўнлаб боғчалар, мактаблар, ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши керак, яна минглаб ўқитувчилар, давлат хизматчилари мукофот пуллари, меҳнатига кўшимча ҳақ олиши лозим эди. Минглаб оилаларнинг даромади ортарди. Умид қиламизки, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси орқали янги қарорга мувофиқ ўтадиган маблағлар мақсадли ва ўз ўрнида сарфланади.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Давлат бюджети қандай қабул қилинади?

«Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қоида тариқасида жорий йилнинг 15 ноябрига қадар кўриб чиқилиши керак. Шундан сўнг ҳужжат Сенатга кўриб чиқиш учун қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида юборилади. Қонун Сенат томонидан қоида тариқасида жорий йилнинг 15 декабридан кечиктирмай маъқулланади.

Ўзбекистонда 8 ойда жами 52 минг 202 дона «Cobalt» автомобили ишлаб чиқарилди.



Яқинда дунёнинг етакчи иқтисодий нашрларидан бири «Биржевой лидер» журналида жаҳонда қалбаки пуллар ишлаб чиқаришнинг кескин кўпайгани, вазият 1960 йиллардагидек тус олаётгани тўғрисида мақола эълон қилинди. Мақолада бу полиграфия технологияларининг кескин такомиллашгани, кўпайгани, ихчамлашгани, арзонлашгани, оммабоплиги сабаб юз бераётгани таъкидланади.

ҚАЛБАКИ ПУЛЛАР ИҚТИСОДИЁТГА ҚАНДАЙ ЗАРАР КЕЛТИРАДИ?

Бундан ташқари, технологиялар юқори даражада ривожланган мамлакатларда сохта электрон пуллар ҳам вужудга келаётганидан хавотир билдирилади. Тадқиқотчилар турли давлатлар ўртасида авж олаётган иқтисодий урушлар, иқтисодий диверсия ҳолатларини ҳам назардан четда қолдирмаган.

Сохта пуллар нега кўпаймоқда?

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда мамлакатимизда ҳам мазкур масалада қатор шов-шувли жиноятлар фож қилинди. Масалан, ўтган йили Қашқадарё вилояти Касби тумани ҳокимлиги Ёшлар иттифоқи етакчиси, бошқача айтганда, ҳокимнинг Ёшлар масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишловчи фуқаро ўзи ижарага олган тикувчилик цехида катта миқдорда қалбаки пулларни ишлаб чиқаргани юзасидан суд жараёни бўлиб ўтганди. Ҳуқуқбузар энг замонавий техник воситалар, полиграфия жиҳозлари билан қуроллангани айтилган.

Бундан ташқари, чегараолди ҳудудларимизда чет эллардан кириб келган айрим фуқаролардан турли миқдорларда сохта АҚШ доллари топилаётгани тўғрисида ҳуқуқ органларининг хабарлари эълон қилиб борилмоқда. Ҳўш, сохта

пуллар, айниқса, сохта чет эл валютаси иқтисодиётимизга қай даражада таъсир ўтказиши?

— Сохта пулларни мамлакатимиз ҳудудида олиб кириш ёки ишлаб чиқаришга уринишлар ҳануз учраб турибди, — дейди Бош прокуратура Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи Ҳаётжон Шамсутдинов. — Масалан, яқиндагина — сентябрь ойининг биринчи ярмида Бухоро вилоятида салкам 100 минг қалбаки АҚШ долларини арзон нарҳда сўмга алмаштиришга уринганлар қўлга олинди. Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаролар бухоролик танишининг хонадонидан сохта валюталарни 908 миллион 735 минг 300 сўмга алмаштирмоқчи бўлганида ҳуқуқ-тартибот ходимларининг тузоғига тушди. Афсуски, бу ягона ҳолат эмас. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Мазкур турдаги жиноятлар мамлакатимизда жиддий таъкиб қилинади. Кўламига қараб, айбдор ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиниши мумкин.

Кейинги пайтларда техника тараққиёти туфайли бу турдаги сохтакорлик осонлашганини ҳам эътироф этиш керак. Аммо ҳуқуқ



Иқтисодиёт фанлар доктори, профессор Самариддин Элмирзаев. — Бу жаҳон иқтисодиётига зарар етказиб келган. Ҳозирги кунда энг йирик сохтакорлик марказлари — нотинч мамлакатлар ҳисобланади. Чунки бу ҳудудларда назорат бўлмайди. Масалан,

ўтган йилларда уруш кетаётган Сурия ҳудудидаги жангарилар томонидан қўшни давлатларга миллионлаб АҚШ доллари миқдорида сохта пуллар ўтказилгани маълум. Бу террорчиларга икки тарафлама имконият яратади. Биринчидан, оддий қоғозлар эвазига ўзларига зарур нарсаларни харид қилишади. Иккинчидан, қўшни мамлакатнинг иқтисодиётига зарба беради.

Иқтисоддан маълумки, айланишда бўлган ҳар бир пул бирлиги бирор қийматдаги товар билан кафолатланиши керак. Агар бундай эквивалент бўлмаса, ортиқча пул массаси вужудга келади. Сохтакорлик ана шу массанинг ортишига хизмат қилади. Умуман, агар вақтида сохтакорликнинг олди олинмаса, бу инфляциянинг кучайиши, товар моддий бойликларнинг четга чиқиб кетиши, нақд пул билан ишлайдиган кичик бизнес субъектларининг касодга учраши, банклар таназзули, молия тизимининг инқирози билан яқунланиши мумкин. Шу боис дунёдаги барча мамлакатлар бу иллат билан кескин кураш олиб боради.

* * *

Айтилганидек, ҳуқуқ-тартибот органлари сохтакорларни аниқлаш юзасидан ўзига хос замонавий услубларни қўллайдди. Махсус методика ва тадбирлар режаси амал қилади. Шу билан бирга, тарқалган қалбаки пулларни йиғиштириб олиш тартиби ҳам мукамал ишлайди. Демак, қалбаки пулларнинг муомалага кўп миқдорда тарқалиб кетиш эҳтимоли жуда кам. Замонавий технологиялардан ғараз ниятда фойдаланиш ниятидаги фуқароларни эса аввалдан огоҳлантириш зарур. Зеро, жиноятни жазолагандан кўра, олдини олган маъқул.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

органларида қалбаки пуллар манбасини аниқлаш юзасидан махсус дастурлар мавжуд ва жиноятчи дарров қўлга тулиши тайин. Масалан, биргина ўтган йили бу каби жиноят содир этгани учун 60 нафарга яқин фуқарога суд ҳукми ўқилган. Сохтакорлар, асосан, АҚШ доллари, Россия рубли ва миллий сўммимизни қалбакилаштирган.

Иқтисодий диверсия — пул урушлари нима?

Дарҳақиқат, мамлакатимизга кириб келаётган полиграфия техникаларининг махсус рўйхатга олинishi ҳам сохтакорларга узоқ муддат фаолият кўрсатиш имконини бермайди. Хатто техника воситаси турли йўллар билан рўйхатга олинмай олиб кирилган тақдирда ҳам, соҳадаги халқаро ҳамкорлик қалбаки пулни босган принтер қаерда тайёрлангани ва кимга сотилганини билишда қўл келади. Шу боис тайёр принтердан пул чиқариб, бойиш ниятидаги фуқаролар вақтида фикридан қайтгани маъқул. Акс ҳолда жавобгарлик муқаррар бўлиб қолади. Жиноий фаолият улар ясаган сохта пуллар банк кассасига етиб бориши билан яқун топади.

Шунга қарамай, осон бойиш васвасасига дош бера олмайдиган кимсалар учраб турибди. Оз фурсат фаолият кўрсатишса-да, улар ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиётига жиддий зарар етказишга улгуришади.

— Пул пайдо бўлибдики, ҳаммаша сохтакорлик бўлган, — дейди Тошкент молия институти корпоратив молия ва қимматли қоғозлар кафедраси мудири,



Биласизми?

Сохта пулларни қандай ажратиш мумкин?

Миллий валютамизни қоғозининг сифати ва устидаги ранглардан бемалол ажратиб олса бўлади. Унда махсус муҳр бор, муҳр рельеф яратиб туради. Кўзи ожиз одамлар ҳам қўли билан ҳис этишга ёрдам берувчи қабариклар борки, қўл орқали пайпаслаб, билса бўлади. Аслида расмлар ва ёзувлар бир хил, ранглар тиниқ бўлади. 50 минглик ёки 100 минглик бўлсин, ҳаммаси чироқ тушганда четдаги белгиси ҳар хил тусга киради.

Қисқаси, пулдаги сув белгиси, қиялик бурчагига қараб ҳаракатланадиган ҳимоя ипи, тасвирларнинг бўртиб туриши ва арканинг тагида оқ рангли бўёқда босилган Ўзбекистон Республикасининг харитаси орқали тезда аниқлаб олиш мумкин. Банкнотнинг пастки қисмидаги нақшда яширин тасвир мавжуд бўлиб, бу лотин ёзувидаги UZ сўзидан иборат. Бу ҳам маълум қиялик бурчагига бемалол кўринади.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки «Асака» банкига 50 миллион АҚШ доллари ажратади.

Мажбурий тиббий суғурта — дунё мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, аҳолини соғлиқни сақлаш харажатларидан суғурталайди. Яъни давлат томонидан аҳолининг мавжуд бепул тиббий хизматдан тўлақонли фойдаланишини кафолатловчи тизимдир. У дастлаб Германияда пайдо бўлган. Аввалига бу хизмат фақат ишловчилар учун жорий этилган, улардан ишсизлар фойдалана олишмаган. Ҳозир эса ундан барча фуқаролар бирдек фойдаланиши мумкин.



ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИНИНГ жорий этилиши қандай қулайлик яратади?

Бугунги кунда ушбу тизим юртимизда ҳам жорий этилиши борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Хўш, мажбурий тиббий суғуртанинг аҳоли ва давлатга қандай фойдаси бор? Бу тизим қандай ишлатилади?

Соғлом рақобатни юзага келтиради

— *Мажбурий тиббий суғурта тизими аҳолига кўрсатилмаётган тиббий хизматнинг сифатини ошириш, тиббиётнинг хусусий ва давлат секторлари орасидаги соғлом рақобатни шакллантиришда қўл келади, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мажбурий тиббий суғуртани жорий қилиш бўлими бошлиғи Зоҳид Эрматов. — Шу-*

нингдек, тиббий хизматлар учун норасмий тўловлар даражасини камайтириш, давлатнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатларини оптимallasштириш ва тўғри йўналтириш имконини беради. Шу боис, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этишга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. 2021 йил 1 июлдан 2022 йил якунига қадар Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш назарда тутилган.

Лойиҳадаги маълумотларга кўра, бугунги кунда Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш соҳасидаги вазият республика бўйича ўртача кўрсаткичлардан пастлиги кузатилган. Масалан, республика бўйича ўртача умр кўриш кўрсаткичи 74,6 йилни ташкил этса, вилоятда 71,7 йилни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари шифокорлар сони ҳар 10 000 нафар аҳолига 16,4 нафар тўғри келмоқда.

Қарор лойиҳаси асосида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига лойиҳа концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режасининг лозим даражада бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юкланмоқда. Ташкил этиладиган жамғарманинг ижро этувчи директори — зарур ҳолларда, Жамғарма ижро этувчи аппаратининг вақтинчалик тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш, жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ходимларини рағбатлантириш жамғар-

маси ҳисобидан эгаллаб турган асосий лавозимлари бўйича лавозим маошларига устама ва бошқа рағбатлантириш тўловларини белгилаш ҳуқуқи берилади. Давлат тиббий суғуртасини республикада жорий қилишга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳаси хорижий тажриба ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари тавсиялари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, дастлабки босқичда тиббий муассасаларни ахборотлаштириш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий муассасаларни молиялаштиришнинг янги механизмларини татбиқ этишни ўз ичига олади.

Мажбурий тиббий суғурта коррупцияга қарши...(ми?)

— *Мажбурий тиббий суғуртанинг ҳаётга татбиқ этилиши тиббиётда узоқ йиллардан бери тўғрилиб қолган муаммоларни бартараф этиши мумкин, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Мақсуда Ворисова. — Биринчи навбатда, коррупциянинг олди олинади. Суғурта полиси билан келган беморга шифокорлар ҳар қачонгидан кўра сифатлироқ хизмат кўрсатишади, чунки у ўзи билан маблағ олиб келяпти, яъни суғурта компаниялари тиббий хизмат ҳақини тўлаб беришади. Бунинг ортидан шифохоналарнинг моддий аҳволи яхшиланади. Натижада ходимларга юқори маош тўланади. Олдингидек беморларнинг чўнтагига «кўз тикилмайди». Асосий эътибор инсон соғлиғини тиклашга қаратилади. Иккинчи ижобий тарафи — тиббиёт муассасалари ўртасида соғлом рақобат кучаяди. Бунда улар кўпроқ беморларга хизмат кўрсатиш учун сифатни оширишга ҳаракат қилишади: моддий-техник базани яхшилаш, малакали кадрларни жалб қилишга уринишади. Учунчидан, тенглик принципи шаклланади. Беморнинг ижтимоий келиб чиқишига*

эътибор бериш барҳам топади. Шифокор учун бой-камбағалнинг аҳамияти йўқолади.

Тиббий суғурта соҳасида дунё амалиётида, асосан, икки турдаги — ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурта амал қилади. Сўнгги йилларда тиббий хизмат нархлари қимматлашиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай ҳолатда аҳолининг заиф қатламларида юқори малакали тиббий хизматлардан фойдаланиш учун моддий имконият бўлмаслиги мумкин. Мажбурий тиббий суғуртанинг асосий мақсадларидан бири ҳам айнан мана шу муаммони бартараф этган ҳолда, тиббий хизматлардан фойдаланишда барчага бир хил имконият яратиб беришдир. Мажбурий тиббий суғурта жорий этилиши тиббий хизмат сифатини оширади, фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқини тўлақонли амалга ошириш имконини беради.

Хулоса ўрнида

Концепцияни амалга ошириш ва тажриба-синов лойиҳаси натижасида соғлиқни сақлаш тизимидаги самарасиз харажатлар улушини босқичма-босқич қисқартириш, тиббиёт муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш, аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишга хусусий тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш ҳисобида рақобат муҳитини ривожлантириш ҳамда тиббий хизматлар сифатини оширишга эришиш кутилмоқда.

Дарвоқе, ривожланган давлатларда ҳам мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш учун 20-30 йиллаб вақт кетган. Ўзбекистон шароитида яқин йиллар ичида тизим йўлга қўйилмайдиган бўлса, албатта, аввалида камчиликлардан холи бўлмайди. Муҳими шуки, мажбурий тиббий суғурта тиббиёт ривожини йўлида қўйилган дадил қадамлардан биридир.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Мавзуга оид маълумот:

ШВЕЙЦАРИЯда аҳоли жон бошига соғлиқ учун қарийб 7 минг доллар тўғри келади. Ушбу мамлакатнинг тиббий хизмати, асосан, мажбурий тиббий суғуртага асосланган. Бу ерда тиббий суғурта хизмати хусусий секторга қарашли, аммо аҳоли учун жуда қулай. Мамлакатда бу хизматни 130 та компания олиб боради. Суғурталанган одамлар сони бўйича Швейцария жаҳонда биринчи ўринда туради.

ЯПОНИЯда аҳоли жон бошига соғлиқ учун 4,2 минг доллар тўғри келади. Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимида тиббий хизматлар беморга бепул, давлат томонидан ва маҳаллий ҳокимият томонидан антенатал парвариш ва юқумли касалликларни назорат қилиш тизими бўйича тўлаб берилади. Японияда қатъий суғурталаш тизими яратилган.

Тадбиркорлик ва бизнес соҳаси бўйича Ўзбекистондаги илк университет лицензия олди.



САМАРАСИ ТАСДИҚЛАНМАГАН

БЛОКАТОР НЕГА ДОРИХОНАЛАРНИ ЭГАЛЛАГАН?

Коронавирус пандемияси бошлангандан буён унга қарши курашнинг турли ноанъанавий воситалари пайдо бўлди. Улардан бири — Японияда кашф қилинган индивидуал бейдж, яъни вирус блокаторидир. Бугун деярли барча дорихоналарда ушбу бейджлар коронавирусга қарши восита сифатида сотилмоқда, боз устига, уларнинг нархи ҳам анчагина қиммат.



ларимиз натижасига кўра, бугун уларга ўртача 150-250 минг сўм атрофида нарх қўйилган. Кўриниши, тузилиши, ёшга доирлигига кўра турлича бўлган бундай воситалар самарасиз экан, нега унинг эркин сотилишига йўл қўйиб берилмоқда?

— Дорихоналарда вирус блокатори гриппга қарши восита сифатида пандемиядан олдин ҳам сотиларди, — дейди **Фармацевтиш агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси бошлиғи Улуғбек Жуманиязов**. — Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарори билан тасдиқланган «Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, дорихоналар санитария ва гигиена ашёларини, шифобахш озиклантириш маҳсулотларини, маъданли сувларни, шунингдек, даволаш-косметика маҳсулотларини, биологик фаол қўшимчаларни реализация қилиши уларнинг қўлланиши ва реализация қилиниши учун тегишли хужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга ошириши мумкин. Вирус блокатори ҳам гигиена ашёси ҳисобланиб, ундаги хлор диоксида кишилар атрофидаги ҳавони зарарсизлантириб, бактерия, вирус ва замбуруғлардан тозалайди. Лекин коронавирусдан ҳимоя қилиши ҳақида илмий тасдиқлар мавжуд эмас.

Таниқли шахслар тарғиботчига айланиб қолмаяптими?

Сўнгги пайтларда блокаторларнинг ноқонуний савдоси, юртимизга айланма йўллар орқали кириб келиши билан боғлиқ ҳолатлар ҳам учрамоқда. Жумладан, Давлат божхона кўмитаси томонидан пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ўтказилган тезкор тадбир давомида У.И. исмли фуқаро шартли харидорга умумий қиймати 516,1 миллион сўмлик

3 минг 970 дона хорижда ишлаб чиқарилган сифати кафолатланмаган вирус блокаторини ноқонуний тарзда пуллаётган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинган.

Шунингдек, Жиззах вилоятида Ш.О. исмли фуқаро умумий қиймати 34,5 миллион сўмлик жами 315 дона, қорақалпоғистонлик Н.А. 12 миллионлик сўмлик жами 100

бошқа асосий пандемияга олиб келувчи вируслардан ҳам ҳимоя қилиши айтиб ўтилмоқда.

Блокаторларнинг ҳеч қаерда юқоридаги хусусиятларини тасдиқловчи тадқиқотлар ўтказилмаган экан, ҳўш, бундай вазиятда реклама тўғрисидаги қонун талаблари бузилмаяптими?

— **Ўрганишлар давомида бир қатор ОАВларда реклама роликларини тарқатишда қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилгани ҳамда бундай маълумотларни ўзида акс эттирадиган реклама роликларини истеъмолчиларни чалғитиши аниқланди, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи Шерзод Маҳаммадалиев.**

— Ваҳоланки, «Реклама тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши оқибатида фуқароларни чалғитувчи ёки чалғитиши ҳамда шахсларга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган нотўғри реклама тақиқланади. Шунга кўра, вирус блокаторлари ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилар ва тарқатувчиларга қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиш тўғрисида огоҳлантирувчи хатлар юборилди.

* * *

Шу ўринда блокатор таркибидagi диоксид хлор ҳақида икки оғиз. Мазкур модда, асосан, дезинфекция мақсадида қўлланилади, аммо ундан ҳавони зарарсизлантириш учун фойдаланилмайди. АҚШ тиббиёти миллий кутубхонаси диоксид хлорни нафас олиш учун захарли, деб таърифлаган. Англия соғлиқни сақлаш бошқармаси эса диоксид хлорнинг нафас йўлларида кириши натижасида кўз ва буруннинг ачиши, томоқда оғриқ, кўкрак қафасида оғирлик пайдо бўлиши, ҳарорат олиши, хуштаксимон нафас олиш юзага келиши, юрак уришининг тезлашиши, хаёлнинг паришонлиги келиб чиқиши мумкин, деб таъриф берган.

Кўриниб турибдики, блокатор қайсидир маънода соғлиқ учун ҳам зарарли, фойдаси исботланмаган, бунинг устига организмга ҳаво-томчи йўллари ва тери орқали вирусларнинг кириб келишидан тўлиқ ҳимоя қила олмайди. Қолаверса, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаса, блокаторлар ҳеч қандай фойда бермайди.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.



дона, сурхондарёлик А.Ж эса 48 миллион сўмлик 600 дона вирус блокаторини ҳеч қандай тегишли хужжатларсиз, ноқонуний равишда сотмоқчи бўлган вақтида тўхтатиб қолинган.

Айтиш керакки, бугун кўпгина таниқли шахслар, ҳуқуқат вакиллари, вазирлар ҳам блокатордан фаол равишда фойдаланмоқда. Ҳақли савол туғилади: жамоатчилик эътиборидаги шахсларнинг самараси кафолатланмаган воситалардан фойдаланиши уларнинг тарғиботига хизмат қилмаяптими? Одамларда «Самарасиз бўлса, вазир тақармиди» деган қараш шаклланиб қолмаяптими? Балки шунинг учун бундай бейджлар бугун «қора бозор»ларни ҳам эгаллаётгандир?

Блокатор рекламаси: қонунчиликка қанчалик мос?

Айтиш керакки, оммавий ахборот воситаларида ҳам вирус блокатори рекламаси авж олди. Уларда ушбу восита таркибидagi қаттиқ хлор диоксида одам атрофида 1 метр масофани «дезинфекция қилиши» ва барча вирус, бактерия, замбуруғлар, аллергия кўзгатувчилар билан курашиш имкониятига эгаллиги, улар куш гриппи, гепатит, пневмония, ЎРВИ, зотилжам, сил, менингит ва

Блокатор сотуви тақиқланмаган... (ми?)

Дарҳақиқат, вирус блокатори бугун нафақат дорихоналарда, балки интернет-дўконлари, турли савдо шохобчалари, ҳатто кўча кўйда ҳам сотилмоқда. Ўрганиш-



Россиядан Ўзбекистон фуқароларини олиб келиш учун автобуслар қарвони йўлга чиқди.

«Қонун», «ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат», «тартибқоида» сўзлари қулоққа кўп чалинади. Фуқаронинг ҳуқуқий меъёрларга тўқнаш келиши, аслида, ана шу атамаларнинг амалда қўлланилишига бориб тақалади. Ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, мазмунли ишлаб чиқилган қонунлар юрт тараққиётига хизмат қилади.



ҚОНУН ИШЛАМАСА, унинг устуворлиги қандай таъминланади?

Савол туғилади: ҳуқуқий-демократик жамият қуриш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги индикаторини оширишдек эзгу мақсадлар учун юзлаб қонунлар қабул қилинган бўлса-да, улар амалиётга тўлиқ жорий этиляптими? Қонун ижодкорлигига ижро муносабати шаклланганми? Омманинг ҳуқуқий саводхонлиги талабга жавоб берадими?

Норма ижодкорлиги қандай жараён?

Қонун ижодкорлиги ўзига хос мураккаб усул ва воситалар мажмуидан иборат бўлиб, жамиятда ҳуқуқ нормасига бўлган эҳтиёжни аниқлашдан то тегишли расмий ҳужжатлар кучга кириши, ижро мониторингини назоратга олиш жараёнини ҳам ўз ичига олади.

— Президентимизнинг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони бу жараённи изчиллаштиришга ижобий таъсир кўрсатди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шерзод Тўхташев. — Фаолиятнинг бу тури «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Қонунларни ишлаб чиқиш, келишиш ва қабул қилишда 10 га яқин юридик характердаги ҳужжатларга таянилмоқда. Аммо турли йилларда қабул қилинган айрим қонунларнинг ишлаш жараёни қониқарсиз. Мисол учун, 2008-2017 йилларда 8 мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлса, 2017-2018 йилдаги ўрганиш натижаларига кўра, қарийб 900 дан зиёдроғи тўлиқ ёки қисман бекор қилинган. Ҳаракатсиз турган, жамият ҳаётига татбиқ этилмайдиган қонунлар кимга ҳам керак?

Нега қонун устуворлиги принципига бутун дунёда жуда катта эътибор қаратилади ва у шахсга, жамиятга, давлатга нима беради? Шахс ҳуқуқ ва эркинликлари қонунда акс эттирилади. Агар жамиятда бунга риоя қилинмаса, фуқаронинг қонунларга, давлат идораларига нисбатан ҳурмати йўқолади. Баъзан катта ресурс эвазига ишлаб чиқилиб, қабул қилинган қонунлар етарли даражада

ўз самарасини бермаётганини ҳам кўряпмиз. Қонун ишламас, жамиятда унинг устуворлигини таъминлаш ҳақида гапириш мумкинми? Бунга нималар сабаб бўлади?

— Қонун ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жараёнида реал ҳаққоний ҳолатдан орқада ҳам қолиб кетмаслиги ва илгарилаб ҳам кетмаслиги лозим, — дейди Ш.Тўхташев. — Орқада қолиб кетса, муносабатлар етарли даражада тартибга солинмайди, фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари бузилади. Олдинлаб кетса, ҳуқуқни қўлловчилар томонидан қонун нормалари нотўғри талқин қилиниши ёки умуман, нормалар

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида нима муҳим?

Яқин йилларда миллий қонунчилик базасини шакллантириш, ҳужжатларга юридик ишлов бериш ва уларни расман эълон қилиш муддатлари бузилган. Бунга қонун ва қонуности ҳужжатларида учрайдиган имловий, услубий хатолар, давлат ва рус тили матнларида бир-бирига зид жиҳатлар борлиги сабаб бўлар, бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмасдан қолмасди.

— Адлия вазирлиги томонидан миллий қонунчилик базасининг 2019-2020 йилларга мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилди,

— дейди вазирлик масъул ходими Отабек Маликов.

— Қисқа фурсат ичида 21 та соҳа бўйича қонунчилик соҳаси каталоги шакллантирилди. Ҳар йили ўртача 1000 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳаволаки норма ва шакллари тақдим этиб бориляпти. Аммо кенг қўламдаги бу вазифаларни адо этишда давлат бошқарув тизимларида қонунчилик талабларидан беҳабарлик, аҳолида ҳуқуқий маданият етишмаслиги, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш борасида адлия органлари ва муассасалари томонидан етарлича эътибор қаратилмаётгани ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунга чек қўйиш учун вазирлик томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳуқуқий мониторинги қатъий ўтказиб борилмоқда.

Сўз ва иш бирлиги таъминланиши керак

Бир қарашда қонунлар кўпдек туюлади. Марра, манзил, мақсад аниқ: ҳуқуқий давлат қурмоқчимиз! Муносабатлар қонунийлаштирилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Аммо қонунларимизни халқчил қилишда ҳамжиҳатлик, фикрлар хилма-хиллиги (плюра-

лизм), фаоллик, ташаббускорлик, хайрихоҳлик (лоббизм) етишмаяпти. Уларнинг тор доирада қабул қилиниши бор гап. Қолгани ижрода, сўз ва амал бирлигиде.

Яна бир жиҳати — қонун ижро учун қабул қилиндими, бунга тўла маънода, ҳеч қандай истисносиз эришиш зарур.

— Бугунги қонунчиликка 30 йил олдинги нигоҳ билан қараб бўлмайди, — дейди юридик фанлари доктори, профессор Миродил Баратов. — Аммо тан олиш керакки, қабул қилинаётган айрим қонунлар шахсий позицияни устун қўйиш характерида бўлиб, муайян соҳа ходимлари манфаатига хизмат қилмоқда. Ваҳоланки, давлат қонуними, унда миллат, жамият манфаатлари устун қўйилмаса, нима учун у кучга киради? Қолаверса, ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий маконга кўчар экан, у «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг барча талабларига жавоб бера олиши лозим. Фуқароларда ҳуқуқий саводхонликнинг етарли даражада эмаслиги, айнан қонун ишлаб чиқаришда иштираётган шахсларнинг сўз ва иш бирлигига риоя қилмаслиги ҳам жамият ҳаётида кечаётган қонунчилик базаси билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради. Шу боис аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мактаб давридан бошлаб, кейинги босқичларда ҳам таъминланиши даркор.

Расмий доираларда «қонун устуворлиги» деган атама бот-бот тилга олинади. Бунга эришиш осон эмас. Қачонки, ижтимоий муносабатлар қонуний жиҳатдан тўлиқ тартибга олинса, қонун нормаларидаги ҳуқуқий коллизияларга барҳам берилса, ҳуқуқни қўллашда аҳоли қатламларининг фаол иштироки таъминланса, ҳуқуқий демократик давлат қуришдек умуммиллий мақсад ширдан амалиётга кўчади.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

Мавзуга оид маълумот:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси — «Lex.uz» 2000 йилда жорий этилган бўлиб, 2007 йилда расман ишга туширилди ва 2016 йилдан бошлаб унга қонун ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манба мақоми берилди.

ишлатилмаслигига сабаб бўлади. Қисқаси, ўта мураккаб тизим — норма ижодкорлигида ҳуқуқни қўлловчиларга ҳам, унинг иштирокчиларига ҳам бирдек талаб қўйилади. Бинобарин, қонун ижросини таъминлаш услублари ўз вақтида ишлаб чиқилмаса ёки у идоровий манфаатларгагина йўналтирилса, ҳуқуқни қўлловчилар томонидан қонун нормалари нотўғри талқин қилинади. Шу сабабли ҳар бир қонуннинг ўзида уни амалиётда қўллаш билан боғлиқ йўл-йўриқлар аниқ-тиниқ кўрсатиб берилиши керак.



Дизель ёқилғиси учун нархлар туширилади.

ЮРИДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗЛАРИ ҚОНУНБУЗАРЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА БАРҲАМ БЕРА ОЛАДИМИ?



БИРИНЧИ ҲОЛАТ. Қўшрабод тумани халқ таълими бўлими мансабдор шахслари мактаблар таъмири учун тендер танлови комиссияси йиғилишини ўтказмасдан, тумандаги «Қ.Н.Қ» МЧЖнинг таклифи маъқуллангани ҳақида сохта маълумотлар тузиб, тумандаги 45-, 56- ва 61-умумтаълим мактабларида ҳақиқатда бажарилмаган таъмирлаш ишларининг бажарилгани ҳақида сохта ҳужжатлар расмийлаштириб, 160 млн. сўм бюджет маблағини талон-торож қилган.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ. Қувасой шаҳар ободонлаштириш бошқармаси мансабдор шахслари ҳудуддаги «Кўчқорчи», «Намуна», «Лашкар» ҳамда «Дўстлик» маҳаллаларидаги кўчаларни ёритиш учун аслида ўтказилмаган танловда «SH-T.» МЧЖ ғолиб бўлгани ҳақида сохта ҳужжат тузиб, кўчаларда 75,5 млн. сўмлик металл устун ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатилган бўлса-да, ишлар тўлиқ бажарилгани ҳақидаги ҳужжатга 278,0 млн. сўмни қайд этиб, 202,4 млн. сўм бюджет маблағини ўзлаштиришган...

Юқоридаги каби давлат ташкилотларининг туман бўлимларида бюджет маблағини ноқонуний ўзлаштириш ёки коррупцион ҳолатлар аниқлангани ҳақидаги материалларни кўп кузатганмиз. Кўп ҳолларда бундай қинғирликларни бўлим мудирлари, ҳисобчи ва ҳуқуқшунос биргаликда амалга оширади. Сабаби, бўлим мудирлари молиявий ҳисоб-китобларни ҳисобчининг иштирокисиз қилмайди, юқоридагидек сохта маълумотнома ва ҳужжатларни тайёрлаш учун эса, албатта, ҳуқуқшунос хизматидан фойдаланади. Ё бўлмаса, бундай қонунбузарликлар ташкилотнинг ҳуқуқ-



шунослари ўз вазифасини тўлақонли адо этолмагани оқибатида содир бўлади. Чунки айрим давлат ташкилотларининг туман бўлимларидаги ҳуқуқшунослар ўз вазифасини фақатгина буйруқ чиқариш ва қоғозларга штамп ва печат босишдан иборат деб ҳисоблайди. Шу боис баъзи ҳуқуқшунослар икки-уч ташкилотда фаолият юритади. Бу эса уларнинг иш унумдорлиги пасайиб кетишига олиб келади.

Раҳбар таъсири сезилиб қолади...

Қайд этиш керакки, давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизматлар қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида 1993 йилда ташкил этилган. 2017 йилга келиб, уларга алоҳида мақом берилди: ташкилотда юрист штатини қисқартириш тақиқланди, уларга мартаба даражаси бериш жорий қилинди, ҳар бир шартнома, буйруқ, юридик ҳужжатлар юрисконсултдан ўтиши мажбурийлиги белгиланган.

Шундай бўлса-да, бундай хизматлар фаолиятида айрим камчиликлар кўзга ташланди. Шу боис Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 сентябрдаги «Давлат органлари ва ташкилотларига юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолиятини эксперимент тартиқасида ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Юридик хизмат кўрсатиш марказлари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Хўш, марказ қандай вазифаларни бажаради? Унга зарурат бормиди?

— Айни вақтгача туман (шаҳар) даражасидаги ташкилотларда жами 2001 та юридик хизмат штат бирлиги мавжуд бўлиб, уларни сақлаб

туриш учун бир йилда ўртача 80 млрд. сўмга яқин бюджет маблағлари сарфланади, — дейди Адлия вазирлиги мутахассиси Акмал Жумамуродов. — Юридик марказларни ташкил қилиш орқали қарийб 40 млрд. сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилинади. Шунингдек, ташкилотларда қонун устуворлиги-

Қарорга кўра, Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари эксперимент тарзида республиканинг учта ҳудудида ташкил этилади. Хусусан, Наманган шаҳрида 5 та, Марҳамат туманида 4 та, Қарши туманида 3 та штат бирлигидан иборат бўлади.

ни таъминлаш ҳам юридик хизматнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунга қарамай, айни дамда бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра, ушбу вазифа ижроси етарлича таъминланмаяпти. Хусусан, уларнинг ташкилотдан мустақил эмаслиги, раҳбар ходимларнинг бевосита ёки билвосита таъсири бўлиши оқибатида бундай хизматлар фаолияти етарлича самара бермаяпти.

Янги ташкил этилаётган Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари эса давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига буйсунмайди, уларнинг таъсир доирасида бўлмайди, яъни улар тўла мустақил фаолият олиб боради. Бунинг натижасида давлат органлари ва ташкилотларида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Юрист фақат ҳужжатларни экспертизадан ўтказадими?

Ўрганишлар натижасида туман даражасидаги юридик хизмат ходими томонидан қонунчиликда уларга юкланган 39 та функциядан 30 таси бажарилиши лозим бўлса-да, амалиётда ходимнинг ташкилотдаги вазифаси бор-йўғи буйруқлар ва шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўлиб қолаётгани аниқланди. Юридик хизматлар ташкилотларда биргина меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлай олмагани туфайли қонунбузарлик ҳолатлари сони ортмоқда.

— Маълумотларга кўра, 2018-2019 йилларда судлар томонидан ноқонуний ишдан бўшатишган 1 минг 82 нафар фуқаро ишга тикланган, 1 минг 572 нафарига иш ҳақи ундириб берилган, — дейди А.Жумамуродов. — Бунинг оқибатида биргина давлат божи учун ўрта ҳисобда 800 миллион сўмдан ортиқ бюджет маблағлари сарфланган. 2019 йилда адлия бўлимлари томонидан туманлардаги давлат ташкилотларига нисбатан 15 минг 51 та тақдимнома киритилган, 2 минг 431 та ҳужжат бекор қилинган. Янгича тизим эса ушбу муаммоларнинг юзага келмаслигини таъминлайди.

Айтиш керакки, бундай марказлар адлия бўлимлари ҳузурида ташкил қилинаётгани боис туман даражасидаги юридик хизматлар фаолиятини ўрганиш, текшириш зарурати қолмайди.

Бевосита назорат вужудга келади. Бу ҳам ходимлар меҳнат унумдорлиги ошишига, фуқароларга хизмат кўрсатиши учун кўпроқ вақт ажратилишига замин яратади.

Қарорга кўра, Юридик хизматлар кўрсатиш марказлари эксперимент тарзида республиканинг учта ҳудудида ташкил этилади. Хусусан, Наманган шаҳрида 5 та, Марҳамат туманида 4 та, Қарши туманида 3 та штат бирлигидан иборат бўлади.

Бир сўз билан айтганда, янги ташкил этилаётган юридик марказлар давлат бюджети маблағларини иқтисод қилиш билан бирга, давлат идораларининг асосий бўғини саналган қуйи тизимда қонунбузарликлар ва жиноятчилик ҳолатларининг камайиши, қонун устуворлиги таъминланишига хизмат қилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Дарвоқе...

2020 йил 25 сентябрга қадар марказлар ҳамда давлат органлари ўртасида ўзаро ишни ташкил қилишнинг ягона электрон тизими ишга туширилади.

Ўзбекистонда саккиз ойида 630 дона трактор ишлаб чиқарилди.

Илм-фан тараққиёти — мамлакат ривожиде маънавий. «Япон мўъжизаси» бунга яққол мисол бўла олади. Ерости ва ерусти бойликларидан кўп ҳам мақтана олмайди-ган ушбу мамлакат илғор технологиялари, илм-фанга асосланган сифатли маҳсулотлари ва хизматлари, кашфиёт ва инновациялари билан ҳар жиҳатдан ривожланган давлатлар қатори етакчи.

Умуман олганда, илм-фан ривожиде давлат ва жамиятнинг ҳам иқтисодий қудрати ортиши, ҳам ижтимоий ҳолати барқарорлашишига асос бўлади. Шу боис юртимизда ҳам кейинги йилларда илм аҳлини қўллаб-қувватлаш, янги илмий тадқиқотлар, кашфиёт ва ихтиролар, инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилмоқда. Хўш, бугунги кунда қандай илмий-тадқиқот лойиҳалари ишлаб чиқилди? Улар жамият ривожиде қанчалик аҳамиятли? Илмий ишларни олиб боришга қанча маблағ йўналтириляпти? Соҳадаги ечимини кутаётган муаммолар нималардан иборат?

Улкан кашфиётлар йирик маблағни ҳам талаб қилади

Сир эмас, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, турли тажрибаларни ўтказиш орқали уларни синаш ва ҳаётга татбиқ этиш учун каттагина маблағ талаб этилади. Бу жараёнда олимларда энг замонавий асбоб-ускуналар, реагент ва материалларга эҳтиёж пайдо бўлади. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда турли илмий ташкилотлар томонидан 411,4 миллиард сўмлик 1 минг 262 илмий лойиҳа амалга оширилмоқда. Уларни ўтказишга нафақат давлат бюджети маблағлари, балки «олим — тадбиркор — банк» тамойили орқали тадбиркорлар, инвесторлар, тижорат банклари ҳам жалб этилмоқда.

Аммо бу жараёнлар кўринганидек содда ва жўн эмас. Сабаби, инвестор ва тадбиркорлар илмий тадқиқотнинг ўз фаолиятига катта ижобий таъсир кўрсатишига ишонч ҳосил қилмасе, лойиҳага маблағ ажратмайди. Тижорат банклари ҳам фақатгина жамият ривожига ҳисса қўлиши мумкин бўлган, аммо катта даромад келтирмайдиган изланишларга пул киритиб таваккал қилишни истамайди. Давлат томонидан ажратилаётган маблағлар эса режадаги-

Миллиардлар сарфланаётган ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ўзини оқлаяптими?



дан анча паст.

— Илмий тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳаси таҳлил қилинганда, бир қатор муаммо ва камчиликлар кўзга ташланади, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш қўмитаси раиси Одилжон ИМИНОВ. — Хусусан, мамлакатимизда 2021 йилгача илм-фанга ажратиладиган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 0,8 фоизигача оширилиши белгиланган бўлса-да, бу кўрсаткич 2018-2020 йилларда турғун 0,15 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич жаҳон бўйича ўртача 1,7 фоизни, хусусан, Хитойда 1,4 фоиздан 2,14 фоизгача, Кореяда 3,1 фоиздан 4,5 фоизгача кўтарилиб борган. Мамлакатимизда илмий тадқиқотларга ажратилаётган маблағлар эса илмий институтларнинг жон сақлаб қолиши учунгина етарли бўлмоқда. Маблағларнинг катта қисми — салкам 80 фоизи ойлик-маош сифатида ходимларга берилмоқда. Рақамлардан ҳам англаш мумкинки, илмий тадқиқотларнинг самарасини ошириш учун унинг молиялаштириш ва ташкиллаштириш соҳасини ривожлантириш лозим.

Муаммолар долзарб, аммо ечимий йўқ эмас

Илмий тадқиқотларнинг кадр-қимматини у ҳаётга татбиқ этилиб, фойда келтира бошлагандан кейингина аниқлаш мумкин. Ҳар йили мамлакатимизда кўплаб илмий лойиҳалар устида иш олиб борилди. Хўш, уларнинг кейинги тақдири қандай бўляпти? Илмий-тадқиқот институтлари ҳозиргача қандай лойиҳаларни амалиётга киритди?

— Фанлар академияси тасарруфидаги 33 та илмий-тадқиқот институтида 275 та турли лойиҳалар устида ишланмоқда, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси мутахассиси Ў.Маҳмудов. — Ўтган йилларда эса бир қатор илмий тадқиқотлар якунланиб, ама-

лиётга татбиқ этилди. Масалан, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинатида олтинни ажратиб олиш технологияси ҳаётга татбиқ этилди. 2017 йилда «Катта айиқ» юлдуз туркумида жаҳонда биринчи бўлиб янги юлдуз топилди. Ўзбекистоннинг умумий сейсмик районлаштириш харитаси такомиллаштирилди. Шунингдек, дунё миқёсида биринчи марта кремний диоксиди нанозаррачалари асосида чанг ва нам қўнмас қатламлар олиш технологияси яратилди ҳамда ярим-қимматбаҳо тошларга пушти ва мовий ранг берувчи санаят технологияси ўзлаштирилди. Бу амалий ишлар аллақачон ишлаб чиқарилишига сарфланган маблағни қоплашни бошлади.

Тўғри, эришилган ютуқлар ва қилинган ишлар қувонарли. Аммо илмий тадқиқотлар олиб бориш соҳасида бир қатор камчиликлар ҳам борки, улар соҳанинг янада тараққий этишига тўсиқ бўлмоқда. Энг долзарб муаммолардан бири, бу — халқаро тажрибага эга юқори даражадаги профессор, фан доктори каби мутахассисларга бўлган талабнинг юқорилигидир. Бу муаммоларни докторантурага квоталарни ошириш, Фанлар академиясига мунтазам равишда сайловларни ўтказиб туриш ва ёш кадрларни хорижга малака оширишга юбориш билан ҳал этиш мумкин.

— Айтиш керакки, илмий-тадқиқот институтларининг етарли моддий-техник базага эга эмаслиги ҳамда кадрлар етишмовчилиги ҳам долзарб масалалардан, — дейди О.Иминов. — Айниқса,

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Қайси мамлакат илм-фанга кўпроқ маблағ сарфлайди?

АҚШ 2019 йилги статистикага кўра, илм-фан учун энг кўп маблағ сарфловчи мамлакат ҳисобланади. Бу давлат ўтган йили илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва бошқа йўналишлар учун 587,5 миллиард доллар маблағ сарфлаган. Мос равишда кейинги ўринларда Хитой (299,8 миллиард доллар), Япония (161,8 миллиард доллар), Германия (113,6 миллиард доллар) ва Жанубий Корея (69,1 миллиард доллар) давлатлари турибди.

худудлардаги таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда юқори даражада изланишлар олиб боришга етарли шарт-шароит йўқлиги яққол кўзга ташланади. Фақатгина марказда олиб борилаётган тадқиқотлар худудлар ва айни корхона-ташкилотларнинг муаммосини ечишга қаратилмагани боис умумийлик касб этиб, фойдалилик даражаси паст бўляпти. Шунингдек, лойиҳаларни ишлаб чиқишдан олдин баҳолашда илмий экспертиза, кучли муҳокамалар, хорижий экспертлар иштироки кам таъминланаётгани боис лойиҳалар айрим ҳолларда эскисини такомиллаштирувчи, ривожлантирувчи бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, илмий тадқиқотларни ўтказиш соҳасидаги муаммолар бир ёки икки кунда ҳал бўладиган, кеча ё бугун пайдо бўлган камчиликлар эмас. Аммо тизимли ислохотлар олиб борилса, хориж тажрибаси асосида янгилик ва тузатишлар киритилса, уларни қисқа фурсатда ҳал этиш имкони мавжуд. Бу масалага бугуноқ киришмасак, эртага кеч бўлади ва ҳаммасини яна бошидан бошлашга тўғри келади. Зеро, илм-фан ривожиде халқимиз фаровонлиги ва давлатимизнинг иқтисодий барқарорлигининг ортиши демакдир.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla».

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда тайёрланди.



Автомобиль магнитофони овозини баланд қилиб қўйганлик учун жарима жорий этилади.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

РАСМИЙ ҳужжатларда

қачонгача эски давр нуқсонлари сақланиб қолади?

Ўзбекистон халқ шоири, марҳум ҳассос ижодкор Абдулла Орипов қаламига мансуб бу ўтли сатрлар собиқ иттифоқ даврида ўғай кўз билан қаралган, жондек азиз она тилимизни асраб-авайлаш, унинг нуфузини баланд кўтаришга нисбатан чорловдек туюлади. Узоқ йиллар ҳукм сурган «руслаштириш» сиёсати туфайли ҳалигача давлат ташкилотларида ҳужжатларнинг рус тилида юритилаётганини кўрса, шоир бундан-да қайноқ мисраларни битган бўлар эди...

2019 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони юзага келган вазиятни чуқур ўрганиш, чора-тадбирлар белгилаш ва бу борадаги муаммоларни бартараф этиш учун ҳуқуқий асос бўлди. Ўтган салкам бир йил ичида ўзбек тилини назар-писанд қилмаслик, унинг ўзга тиллардан кам бўлмаган бой имкониятларидан расмий муносабатларда фойдаланмаслик билан боғлиқ ҳолатларга чек қўйилмаптими?

Ўзбек тилига муносабат қачон ўнгланади?

Давлат идораларида ўзбек тилига ижобий муносабат шаклланмас экан, унинг дунё ҳамжамияти, кенг жамоатчилик орасидаги обрў-эътиборини ошириш ҳақида гапиришга эрта. Кузатишлар шуни кўрсатадики, давлат ташкилотлари, саноат, банк-молия тизими, дипломатия, ҳарбий, тиббиёт ва бошқа тармоқларда ҳали ҳам иш юритиш жараёни рус тилида олиб борилмоқда. Қонун ҳужжатлари аввал рус тилида тайёрланиб, ўзбек тилига таржима қилинишига қандай баҳо бериш мумкин? Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ҳужжатларни давлат тилида расмийлаштиришнинг ягона андоза ва тартиби ишлаб чиқилмапти. Бунга нуқта қўйиш вақти келмадимикан?

— Тан олиш керак, мустақил давлат бўлса-да, ўз она тилимизнинг яқин йилларга қадар расмий

муносабатларда таъсир кучи бўлмаган, — дейди Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбек тилини ривожлантириш департаменти директори Абдуғаффор Қирғизбоев.

— Масала жиддий, талаб ҳам қатъийлашмоқда. Аввало, «Давлат тили ҳақида»ги қонун бугунги кун нуқтаи назаридан жиддий кўриб чиқилиб, унинг янги таҳрири Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди. Ташланган яна бир муҳим қадам — Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар комиссиясининг ташкил қилинганидир. Аммо давлат тилининг мавқеи ва нуфузини ошириш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар кетаётган бўлса-да, ҳамон айрим ташкилот ва муассасаларда дилни хира қиладиган ҳолат мавжуд. Биргина «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонун ижроси кўриб чиқилганида, ўзбек тилига мос бўлмаган бир талай номлар аниқланди. Аралаш-қуралаш, ўзга тиллардан кириб қолган бу номлар вилоят, туман (шаҳар) халқ депутатлари кенгашларининг тегишли қарорлари билан тасдиқланганидан ажабланасан, киши.

Пешлавҳа қайси тилда?

Ҳар куни ҳар биримиз кўча-кўйда, метрода, автобусда юзлаб рекламаларга дуч келаемиз. Ҳатто кейинги йилларда инглизча ёзувлар ҳам «урф»га кирди. Ўйлаб қоласан, қаерда яшаймиз ўзи, Москвадами, Лондондами? Кавказорти мамлакатларида бирорта ҳам пешлавҳа, шпор, панно бегона тилда ёзилмаслигидан нима учун ўрнак олмаймиз?

— Ўрганишлар давомида ташкир рекламанинг 17 фоизи (?) давлат тилида, 83 фоизи эса аралаш тилларда ёзилгани аниқланди, — дея давом этади А.Қирғизбоев. — «Давлат тили ҳақида»ги қонун ҳужжатлари талабларига зид, реклама қонунчилигига мос бўлмаган 1000 дан ортиқ пешлавҳа жойидан олиб ташланди. Она тилимизга нисбатан ҳурматсизлик фақат кўча ёзувларида эмас, балки давлат идо-

раларида ҳам кузатиляпти. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Астрономия ва Зоология институтлари, Давлат божхона кўмитаси, Олий аттестация комиссиясида айрим идоравий ҳужжатларнинг ҳамон рус тилида юритилишига гувоҳ бўлдик. Бунга чек қўйиш вақти келди.

ДАРВОҚЕ...

Иш юритиш фаолиятида энг кўп қўлланиладиган ҳужжатларни тузиш тартиб-қоидалари акс эттирилган «Давлат тилида иш юритиш» амалий қўлланмасининг тўққизинчи нашри чоп этилди. Уни бепул тарқатиш режалаштирилган.

Раҳбар учун курс зарур...(ми?)

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил март ойида қабул қилинган «Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мазкур олий таълим масканида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ўз фаолиятини бошлади.

— Сир эмас, раҳбарлик лавозида ишлаётган кадрларнинг маълум қисмида ўзбек тили грамматикасидан хабардорлик даражаси паст, — дейди марказ масъул ходими Марҳабо Умрзоқова. — 144 соатлик ўқув дастури асосида курс жорий этиш зарурати бўлгани боис жорий йил февраль-март ойларида 79 нафар ходим малака оширди. Ҳар бир тингловчининг ўз иш дафтари бор. У аудиторияда олган билимини берилган топшириқ ва машқлар асосида мус-

таҳкамлаб боради. Ҳар бир мавзу учун аудио, видео материаллари ишлаб чиқилган. Марказ сайти орқали тингловчилар учун малака оширишнинг онлайн тизими ҳам ишлайди. Тингловчилар ўз идораларидаги ҳужжат намуналаридан машғулотга олиб келишади. Реал вазият биргаликда ўрганилиб, раҳбарга давлат тилини юритишдаги камчиликлари кўрсатилмоқда.

Маслаҳатчи лавозими керак эди...

Узоқ йиллардан бери ҳукм суриб келган ўзга тилларга «сигиниш» муҳити ўрнида янгиланган бир жараён юзага келди. 300 дан ортиқ давлат органлари ва хўжалик бирлашмаларида раҳбарнинг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий қилинди.

— Ўз фаолиятимни жорий йил март ойидан бошладим, — дейди Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиси Феруза Мусаева. — Раҳбар буйруқлари, чиқувчи хатлар, лавозим йўриқномалари рус тилида ёзилишини кўриб, барча ходимларга Президентимиз фармонининг мазмунини етказдим. Соҳага оид рус тилида қабул қилинган ва тасдиқланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар матнни ўзбек тилига таржима қилиш, тўғриси, жуда қийин кечди. Ҳужжатлар Адлия вазирлигидан тасдиқланиб қайтса, иш жараёнимиз бутунлай янгиланади.

Дарҳақиқат, янгилашни осон кечмайди. «Илдиз» отган муаммолар ечим кутади, юзага келган вазиятни ўнглаш учун оқилона йўл тутиш зарур. Шу маънода ўзбек тилининг давлат миқёсидаги нуфузини ошириш бўйича бошланган саъй-ҳаракатлар фақат кучайтирилиши лозим.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»



Ўзбекистонда хусусийлаштирилган объектлар рўйхати янгиланди.



Давр тақозоси билан «Темир дафтар» деган тушунчанинг маҳалла фуқаролар йиғини ҳаётига кириб келганига ҳам анча бўлди. Пандемия шароитида аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тизим туфайли минглаб ночор оилаларга кўмак берилаётгани аниқ ҳақиқат.

Аммо шолнинг курмаги бўлгани каби мазкур жараёнда ҳам инсоф ва диёнати унутиб, камбағалларга ажратилган маблағ ҳисобидан чўнтагини қаппайтиришга уринаётган айрим раҳбарларнинг учраётгани ачинарлидир.

«Темир дафтар»га ҳавасманд тўкислар...

Яқинда Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида худди шундай ҳолат кузатилди. Маълумотларга қараганда, «Халвойи» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Ҳ.Бурҳонова йиғин раиси томонидан «Темир дафтар»га бир эмас, икки марта киритилган. Аёл қизлик фамилиясини ҳам рўйхатга тиркаб, бир марталик ёрдам пулини икки марта олишга уринган.

«Саричашма» маҳалла фуқаролар йиғинида эса 8 та оиланинг 35 нафар аъзосига 7 миллион 700 минг сўмлик ёрдам пуллари ҳотамтойлик билан ортикча бериб юборилгани аниқланди. «Кўк-гумбаз», «Кўнғирот», «Найман», «Эски Жомбой», «Хитойпоён» каби йиғинларда ҳам «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг аксарият қисми мутлақо моддий ёрдамга муҳтож бўлмаган оилалар бўлиб чиқди.

Ёрдам пули олиш учун боқувчисини йўқотган аёлнинг ота-онаси, ака-укалари ҳам қўшиб ҳисоблангани кишини ўйга толдиради. Ваҳоланки, аёлнинг ўзи ва фарзандигина ижтимоий ҳимояга муҳтож. Худди шундай чалкашлик оқибатида «Ногаҳон» маҳалласида 3 миллион 800 минг сўм моддий ёрдам пуллари ортикча ҳисобланган.

Айрим маҳаллаларда эса мутлақо тескари ҳолатни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, «Шерқўрғон», «Назар», «Аҳмаджон Қурбонов», «Қорамўйин» маҳаллаларида эҳтиёжманд оилалар сони «Темир дафтар»га нимагадир кескин камайтириб ёзилган. Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари натижасида мавжуд камчиликлар тузатилди. 12 нафар фуқаронинг моддий ёрдам олиш ҳуқуқи тикланди.



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ

нега ишдан олинди?

ЁХУД «ТЕМИР ДАФТАР» ҲИЙНЛАРИ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?



«Ёрдам учун раисдан қарздор эканмиз...»

Ажратилган маблағларнинг ўз эгаларига етиб боришида маҳалланинг ўрни беқиёс, дедик. Афсуски, халқ ишониб сайлаган айрим йиғин раислари ана шу ишончни бемалол суиистеъмол қилишяпти. Камбағалларнинг ҳақиға қўл чўзиб, ўз фаолиятини шубҳа остига қўймоқда. Жумладан, «Найман» маҳалласида яшовчи Дилдора Исломова ишчи гуруҳ аъзоларига мурожаат қилиб, Қурбон ҳайити муносабати билан Президентимиз томонидан ажратилган 1 миллион сўм миқдордаги кўмак пулини ҳалигача тўлиқ олмаганини айтган.

— Турмуш ўртоғимнинг мардикорлик қилиб топаётган пулига қора қозонимиз зўрға қайнаб турарди, — дейди Д.Исломова.

— Карантин муносабати билан шароитимиз янада оғирлашди. Шукрки, давлатимиз бизга ўхшаган эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Яқинда туман ҳокимлиги ва бошқа ташкилотларнинг ҳомийлик ёрдами билан ўғлимга суннат тўйи қилиб берилди. Рўзгоримга кир ювиш машинаси совға қилишди. Бунинг учун ташкилотчилардан жуда миннатдорман. Аммо бир нарсага тушунмайман. Маҳалла раиси уйимизга ҳар гал келганида оиламизга берилаётган ёрдам ўз-ўзидан бўлмаганини, бунинг учун у киши юқоридагилар билан «гаплашиб қўйганини» бизга

иддао қилгани қилган. Унинг айтишича, раисдан буларнинг барчаси учун қарздор эканмиз. Қўлимга 600 минг сўм тутқазиб, яна ўша гапни эслатди. Менга ажратилган пулнинг 400 минг сўмини олиб қолди. Аммо дафтарга «1 миллион сўм олдим» деб қўл қўйиб беришимни талаб қилди. Бўлмаса, энди сенга бошқа ёрдам берилмайди, деди. Начора, унинг айтганини қилишга мажбур бўлдим.

Йиғин раисининг бундай муносабатидан тоқати-тоқ бўлган Дилдора Исломова туман ҳокимлиги ва бошқа идораларга мурожаат қилди. Ўрганишлар натижасида ундан олиб қолинган 400 минг сўмнинг 300 минг сўми эгасига қайтарилди. Буни қарангки, шунча гапдан кейин ҳам йиғин раиси яна 100 минг сўмни ушлаб қолибди.

Кўриниб турибдики, маҳалла раислари орасида пайтдан фойдаланиб қолишни ўзига эп билган, халқ орасига кирмаган, унинг дарду ташвишини ўздан йироқ деб биладиганлар ҳам йўқ эмас. Гуруҳ курмаксиз бўлмас. Халқ ҳаётидан узилиб қолганлик, маҳаллада яшовчи аҳоли ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаганлик, лоқайдлик, афсуски, адолат посонгисини бузилишига олиб келмоқда.

Туман ҳокимлигида ўтказилган мажлисда йиғинларнинг юқоридагига ўхшаган айрим таъмагир раислари фаоляти туфайли юзага келган салбий ҳолатларга муносиб баҳо берилди. Жумладан, «Ногаҳон», «Саричашма», «Хитойпоён» ва «Наймантепа» маҳаллалари раислари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. «Найман» маҳалласи раҳбарига эса «ҳайфсан» эълон қилинди.

Хунармандчилик гузарлари ташкил этилди

Қайд этиш жоизки, Жомбойда бу каби салбий ҳолатлар оқибатларини тугатиш, маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масаласига туманнинг ҳар тўртта-ла сектор раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Мисол учун, яқинда «Халвойи», «Шерқўрғон», «Каттақишлоқ», «Қўлбости», «Талдираззоқ» ва «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ёшлар ва хотин-қизлар хунармандчилик гузарлари ташкил этилди.

— «Қўлбости» маҳалласидаги тикувчилик цехида ёш қизларга «Устоз-шогирд» анъаналари бўйича сабоқ берилаётгани, «Талдираззоқ» йиғинида оилавий боғча ташкил қилингани, саройликларнинг балиқчилик, иссиқхона хўжаликлари ҳамда ширинликлар ишлаб чиқаришдаги ташаббуслари ҳокимлик томонидан қўллаб-қувватланди, — дейди туман ҳокими ўринбосари Илёсхон Асроров.

— Тўғри, бу борада ҳам айрим камчиликлар бор. Олайлик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик йўналишларида тарғибот ишлари етарли бўлмапти. Аммо бу каби ташаббуслар кенг тус оляпти. Энг муҳими шу. Йил охиригача деярли ҳар бир маҳаллада шундай гузарлар ишга тушади. Натижада Дилдора Исломовага ўхшаган юзлаб оилаларнинг бекалари доимий даромад манбаига эга бўлади.

Сирасини айтганда, бу синовли кунлар бизни синади, ўзимизга кўзгу тутди. Қалб таҳририга ёндаш қилди. Коронавирус пандемияси шароитида саломатликни қадрлаш, мурувват кўрсатиш, шукроналик ва сабрнинг замирида юксак аҳамиятга эга куч борлиги ҳақида ўқитди. Ўйлаймизки, эндиликда ана шу сабоқдан оддий одамлар ҳам, масъуллар ҳам керакли хулосаларни чиқаради.

Ёрмамат РУСТАМОВ
«Mahalla»



Автомобилни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат рақами бериш бўйича янги тартиб жорий этилади.

Куни кеча Жиноят ишлари бўйича Хатирчи тумани судида ўз қўшнисининг қотилига айланган Ҳамроқул Султоновга нисбатан Жиноят кодексининг 104-моддаси 3-қисми «д» банди (одам ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш) билан очилган жиноят иши кўриб чиқилди ва судланувчи 11 йилга

озодликдан маҳрум қилинди. Ҳамроқул бу қилмиши билан кўни-қўшнисининг нафратига учради, ота-онасининг боши эгилди, икки норасидаси ота меҳрига зор энди...

...Кўп йиллар мактабда болаларга мусиқа фанидан дарс берган Нарзулла Расулов пенсияга чиқиш арафасида эди. Умри мактабда ўтгани боис у касбига, шогирдларига астойдил меҳр кўйганди. Фожиа содир бўлган ўша куни ҳам у оила даврасида ҳамкасбларини, шогирдларини, мактабдаги саргузаштларни эслаб ўтирганди. Кейин эса эрта тонгда ҳовлисидаги картошка экилган ерга сув очгани эсига тушиб, ўрнидан кўзгалди.

Нарзулла ака томорқа тўлмасиданок сув тўхтаб қолганини кўриб, кетмонини олдию, маҳалладан оқиб ўтувчи ариқ бўйлаб юрди. Қўшниси Райим аканинг ҳовлиси ёнига келганда, билдики, ариқ ёқасига экилган «жонли девор» буталмагани боис тарвақайлаган шохларига чиқинди йиғилиб қолган ва сув йўлини тўсган. Нарзулла ака аччиқланиб, нималардир деб ғудранганча сув йўлини очишга киришди.

Зарафшон шаҳрида ишловчи Ҳамроқул карантин туфайли қишлоққа қайтиб, уйда қамалиб қолганидан зерикаётганди. Ўзи шусиз ҳам юраги сиқилиб турган йигитга уйи олдида кимдир ғудраниб сўкинаётгани алам қилди. У жаҳл отига минганча кўчага отилди. Нарзулла акани кўрдию, ёқасидан олди. Хуллас, икки ўртада тортишув бошланди. Айни кучга тўлган 35 ёшли йигит 60 ёшни қоралаган «рақиб»ни аямай силталарди. Шу пайт унинг кўзи ерда турган кетмонга тушдию, илкис ҳаракат билан уни қўлига олиб, «рақиб»нинг бошига урди. Қий-чувда оломон тўпланди, кимдир ички ишлар органига, кимдир эса «Тез ёрдам»га қўнғироқ қилди. Бироқ оғир тан жароҳати олган Нарзулла Расулов касалхонага етмасидан йўлда ҳаётдан кўз юмди...



Қўшнини ҚОТИЛЛИККА ким ундади?

Нега профилактика инспектори йўқ?..

Ҳодиса тафсилотларини ўрганар эканмиз, мазкур маҳалла раисининг ҳуқуқ-тартибот масаллари бўйича ўринбосари лавозимида ҳеч ким ишламаётганига гувоҳ бўлдик.

— Бу ҳодиса содир бўлган пайтда маҳаллада профилактика нозири бор эди, — дейди маҳалла раиси Нодир Расулов. — Лекин туман ИИБ томонидан у раис ўринбосарлигига эмас, бошқа лавозимга ўтказилди. Ҳуқуқ-тартибот масаллари бўйича ўринбосарликка юборилган йигит эса маҳаллада ишлашни истамасди ва кетиб қолди. Шундай қилиб, бу лавозим ҳозирча бўш турибди.

Маълумки, бундан уч йил аввал ҳудудлар осойишталигини таъминлаш мақсадида маҳалларда профилактика инспекторлари учун хизмат уйи қуриб бериш амалиёти йўлга қўйилди. Уларнинг маҳалла ходимлари билан бир бинода ўтириб ишлаши жорий қилинди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18 февралдаги тегишли фармони билан эса профилактика инспекторлари маҳалла раисларининг ҳуқуқ-тартибот масаллари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

Авваллари бир нафар профилактика нозири икки-уч маҳаллага масъул бўлган бўлса, мазкур фармон асосида бир нозир фақат бир маҳалла осойишталигини сақлашга жавобгарлиги белгиланди. Афсуски, бугун қатор маҳалларда айнан ушбу лавозим ўрни бўшлигини кўриш мумкин. Балки ҳуқуқ-тартибот бўйича ўринбосарлар, халқ тили билан айтганда, «участковой»ларнинг ўз вазифасига масъулияти ошса, маҳалланинг хавфсизлигини таъминлаш осонроқ кечармиди?..

Шундай экан, мутасаддилар, жумладан, профилактика инспекторини тайинловчи ички ишлар идоралари ҳам бу борада эътиборни кучайтириши лозим. Аслида-ку, инсофни ҳар кимнинг ўзига берсин, аммо гуруч курмасиз бўлмаганидек, халқимиз орасида эслатиб турилмаса, давлатнинг қонун-қондаси борлигини, қилаётган хатти-ҳаракати аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англамаган одамлар ҳам йўқ эмас.

Холбиби САҒАРОВА
«Mahalla»

Кетган келади, кетмонланган-чи?

Юқорида таъкидланганидек, суд ҳукми билан Ҳамроқул Султонов 11 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Энди умрининг шунча йилини темир панжара ортида ўтказди.

— Беш йилдан буён маҳалламизда биронта жиноят содир бўлмаганди, бу ҳодиса юзимиз-

Ҳадиси шарифда:
«Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин», дейилади.

га тушган доғ бўлди, — дейди «Наврўз» маҳалласи раиси Нодир Расулов. — Ҳамроқулнинг хулқ-атвори ёмон эмасди, Зарафшонда ишлагани боис қишлоққа кам келарди, лекин шу пайтгача бировга қаттиқ гапирганини эшитмагандик. Оиласи ҳам тинч эди. Бу фалокат қандай содир бўлганини билмай қолдик. Нима бўлганда ҳам, бир маҳалладошимиз бевақт бу дунёни тарк этди, бири эса қотилга айланди. Воқеада озми-кўпми, бизнинг ҳам айбимиз бор, карантин пайтида аҳолига вирусдан ҳимояланиш учун тозалikka эътибор қаратиш лозимлигини тушунтириб, уйма-уй юрдик. Аммо буталмаган ўсимлик туфайли ариқ ёпилиб қолганини билмабмиз.

— Қишлоқ жойда ҳамма бир-бирига қон-қариндош, ошна-оғайни бўлади, — дейди маҳалла фаоли ўринбой Бобоназаров. — Нарзулла ака ҳам Ҳамроқулга бегона эмасди, қариндошлиги бор эди.

Орага шайтон оралаб, бу фалокат рўй берди. Ҳамроқул узоқ муддатга қамалди, аммо кетган бир куни келади, кетмонланган келмайди. Нокас боланинг отаси Райим ака «энди бу маҳаллада бош кўтариб юролмайман» деб қишлоқдан кўчиб кетди. Бировнинг жонига қасд қилиш оғир гуноҳ, аммо қўшнини, қариндошни ўлдириш янада катта гуноҳ бўлса керак. Ахир, мусулмончиликда қўшничилик ва қариндошчиликнинг ўз талаблари бор.

Динда қўшничилик ҳақида нима дейилган?

Дарҳақиқат, ислом динида қўшничилик муносабатлари азалдан юксак қадрланади. Ҳадиси шарифда: «Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин», дейилади. Ҳамроқул бу ҳадис мағзини чаққан, имони бақувват инсон бўлганида отаси тенги одамни кетмон билан урмасдан, аксинча унга буталарни йиғиб, ариқни очишга ёрдамлашарди.

— Динимизда айтилишича, қўшнига қилинган бир ёмонлик бегонага қилинган ўн ёмонлик билан баробардир, — дейди «Наврўз» маҳалласи имоми Баҳром Ғаниев. — «Моида» сурасининг 32-ояттида: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки ерда фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган каби дидир» дейилган. Нарзулла ака беозор, атрофдагиларга меҳрли инсон эди...

Шу ўринда қатор саволлар дилни ўртайди: нега кейинги йилларда қўшничилик муносабатларида салбий ҳолатлар кўпайиб бормоқда? Нима учун биз инсоний фазилатларнинг гўзал намунаси бўлган қўшничилик муносабатлари дарз кетишига оддий воқеадек қараяпмиз? Аслида бу жамият ривожига тўсиқ бўлувчи ижтимоий муаммо эмасми?



Юртимизда электр энергиясига талаб
7,5 фоизга ортиши кутилмоқда.

Дунё мамлакатларининг мавқеи уларнинг ерости ёки ерусти бойликлари билан эмас, ўша мамлакатнинг маданияти, тарихининг қанчалар чуқур илдиз отгани билан ўлчанади. Ўзбекистон тарихи минг йилликларга боғланган қадимий, моддий-маданий мероси, тарихий обидаларга бой мамлакатлардан биридир. Хўш, бугунги кунда моддий маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ишлари қандай кетмоқда? Соҳадаги муаммо ва камчиликлар нималардан иборат?



ТАРИХИЙ ИМОРАТЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ — ОДДИЙ ЖАРАЁН ЭМАС

259 та объект нега сақлаб қолинмади?

Бугунга қадар соҳага оид қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ этилган бўлса-да, объектларнинг жаҳон маданиятида тутган ўрнини сақлаб қолиш бўйича аниқ таъсир чоралари мавжуд эмас. Бу эса жаҳон мероси рўйхатига киритилган тарихий обидаларни ишончли муҳофаза қилишга салбий таъсир этмоқда.


— Айни пайтда юртимизда 8 минг 208 та моддий-маданий мерос кўчмас мулк объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган, — дейди «Миллий тиклаш» демократик партияси Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Дониёр Тошбоев. — Ўтган йилларда улар хатловдан ўтказилганда, афсуски, 259 таси буткул йўқотилгани

аниқланган. Объектларнинг атиги 34 фоизда кадастр ҳужжатлари мавжуд, бор-йўғи 29,5 фоизига муҳофаза белгилари ўрнатилгани маълум бўлди. Шунингдек, ЮНЕСКО томонидан 2016 йил Шаҳрисабз тарихий маркази хавф остида турган Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилди. Бундан ташқари, Самарқанд шаҳрида ўтказилган таҳлил натижаларида шаҳарнинг тарихий қиёфаси ва муҳитига салбий таъсир этадиган 159 та кўп қаватли бино ва иншоотлар қурилгани ойдинлашди.

Реставрация қилиш — оддий иморат қуриш эмас

Соҳага оид энг муҳим муаммолардан бири, бу — моддий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш масаласидир. Юқоридаги статистика ва маълумотлар мамлакатимизда реставрация ишлари билан шуғулланувчи кадрларнинг етишмаслиги, бунинг оқибатида эса айрим тарихий обидалар оддий усталар томонидан таъмирланаётганини билдиради. Ушбу муаммони ҳал этмай туриб, тарихий объектларни қайта тиклаш соҳасида олдинга силжиш бўлиши даргумон.

— Соҳамизнинг мурракбалиги шундаки, неча минг асрлик кўҳна обидани сақлаб қолиш учун замонавий қурилиш материаллини лойиҳага киритиб ёки бинонинг муайян қисмини ўзгартириб бўлмайди, — дейди «Маданий мерос ЛИТИ» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Жаҳонгир Раҳмонов. — Шу



боис, иншоотнинг меъморий ечимини аслича сақлаб қолиш учун тарихий суратлар, қурилиш ашёлари, умуман, иморат мансуб даврга доир манбаларни, архив материалларни чуқур ўрганиш талаб этилади. Мисол учун, Хивадаги тарихий бинолардан бирининг қуббасини таъмирлаш олдиндан масъул шахсни лойиҳа билан таништирганман. Ўшанда лойиҳага туя жуни ва эчки сутидан фойдаланиш зарурлиги киритилганини кўриб, масъул ҳайрон бўлган. «Шунча қурилиш материаллари туриб, нега айнан шулардан фойдаланиш керак?» деган. Шунда мен туя жуни қоришма мустаҳкамлигини таъминлашини, эчки сути эса намликни қайтаради. Унга дистилланган сув қўшилса туз чиқмайди, дея тушунтирганман. Бундай вазиятлар кўп бўлади.

Мутахассиснинг фикрларидан ҳам тарихий иморатларни қайта тиклаш оддий жараён эмаслиги маълум бўлади. Хусусан, бу обидаларни қайта тиклашда ишлатилаётган ҳар бир хомашёга жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки бундай иморатларни қайта тиклаш оддий, замонавий бинони қад ростлашдан фарқ қилади. Афсуски, кейинги йилларда бу соҳа илмини чуқур ўрганган мутахассислар камайиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Бахтиёр Сайфуллаев таъкидлаганидек, «Биз реставрация мактабини бой бердик, бу жуда ҳам ачинарли. Ҳозир биз бу мактабни халқаро тажриба асосида тиклаётимиз, ўз хунарини авлоддан-авлодга қолдириши

керак бўлган барча реставраторларни йиғяпмиз. Реставрацияга ўргатиш қийин, реставрация, бу — мардикорлик иши эмас, илм».

Қайта тиклаш жараёни назорат қилинади

Умуман олганда, моддий-маданий мерос объектларини қайта тиклаш, реставрация қилиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ишлари каттагина маблағни талаб қилади. Одатда бу каби амаллар бюджет маблағлари ёки турли фонд ва жамғармаларнинг молиявий кўмаги асосида амалга оширилади.

— Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 декабрдаги «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Маданий мерос департаменти ташкил этилди, — дейди департамент бошлиғи ўринбосари Фазлиддин Давлатов. — Ушбу ташкилот моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш билан бирга, уларни қайта тиклаш ва реконструкция қилиш ишларини олиб бормоқда. Айни пайтда 8 минг 208 та маданий мерос объектининг 91 фоиз кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. 2 минг 292 та объектда муҳофаза белгилари, маҳаллий ва хорижий сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида 1 минг 88 та йўл кўрсаткичи ўрнатилди. Шунингдек, Департамент қошида 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассисдан иборат бўлган Илмий-эксперт кенгаши таркиби шакллантирилди. Ушбу кенгаш бугун тарихий обидаларнинг реставрация қилиш жараёнларини назорат қилиб туради.

Ҳар бир соҳа ривожига унда фаолият юритаётган малакали кадрларнинг ҳиссаси жуда катта. Тарихий объектларни реставрация қилиш соҳасидаги таълим тизимининг мукамал ташкил қилиниши, албатта, тармоқ ривожига ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

Мавзуга оид маълумот:

Тарихий иморатлар ижарага берилади...(ми?)

Бухоро шаҳридаги бўш турган маданий мерос объектларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича инвестиция таклифлари каталоги ишлаб чиқилди. Унга кўра, бўш турган маданий мерос объектлари, уларни инвестиция киритиш йўли билан реставрация қилган ҳолда, туризм инфратузилмаси объектларини ташкил қиладиган хорижий ва маҳаллий тадбиркорларга узоқ муддатга (10-30 йилга), шундан 5 йил имтиёзли давр (ижара тўловидан озод этилади) билан ижарага берилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон 8 ойда қиймати 5,8 млрд. АҚШ долларига тенг олтин экспорт қилди.

Қадим шарқ марвариди – Бухорои Шариф кўҳна Ислом олами тамаддуни бешикларидан бири сифатида бутун жаҳон зиёратчиларини ўзига жалб этиб келган. Айниқса, хожагон-нақшбандия силсиласидаги Етти пир зиёратгоҳи нафақат бутун жаҳондаги мусулмонлар, балки ушбу улўғ алломаларнинг фалсафий-маърифий асарлари мухлиси сифатида бошқа дин вакилларининг ҳам қизиқишларига сабаб бўлиб келмоқда. Шу боис ҳар йили мазкур зиёратгоҳларга ўртача 1,5 миллион нафардан ортиқ сайёҳ ва зиёратчилар ташриф буюриб келмоқда.



ЕТТИ ПИР

зиёратгоҳлари:

янгилашиш фасли

2020 йил Бухоронинг Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан Етти пир зиёратгоҳларида кенг кўламдаги ободончилик, қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, Етти пир зиёратгоҳларига олиб борувчи йўллар таъмирланди. Абдуҳолик Ғиждувоний, Саид Амир Кулол зиёратгоҳларидаги масжидлар қайта қурилди. Барча Етти пир мақбаралари таъмирланиб, гўзал қиёфа касб этди. Таҳоратхоналар қайта бунёд этилди. Ҳар бир зиёратгоҳ олдида меҳмонхоналар қад ростладди. Сайёҳларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ташкил этилди. Алломаларнинг ибратли ўғитлари, асарларидан олинган фалсафий иқтибослар акс этган пешлавҳалар жойлаштирилди. Зиёратгоҳга элтувчи катта йўл ёқаларида йўл кўрсатувчи белги сифатида улкан паннолар ўрнатилди.

– Зиёратгоҳларга ташриф буюрувчи меҳмонларга ушбу улўғ алломалар ҳаёти, ижодий фаолияти ҳақида батафсил маълумотлар бериш мақсадида тегишли тасвирий воситалар ўрнатиш билан бирга, бу жараёнда янги ахборот технологияларини ҳам татбиқ этганмиз, – дейди Бухоро вилояти туризм департаменти бош мутахассиси Феруз Шаропов. – Хусусан, ҳар бир зиёратгоҳда QR кодлари ўрнатилган бўлиб, смартфонлардаги тегишли дастур ёрдамида алломаларимиз ҳаёти ҳақидаги аудио ҳамда матн шаклидаги маълумотлар қўл телефонингизда акс этади. Эндиликда ҳар бир зиёратгоҳ ҳудудида инфокиосклар ҳам ўрнатилмоқда. Бу орқали сиз зиёратгоҳга кириб келишингиз билан инфокиоскдан вилоят тарихи, Етти пир ҳаёти, асарлари ва бошқа маълумотлар билан танишиш имконига эга бўласиз.

Зиёратгоҳлар — маърифат улашувчи маскан

– Етти пир зиёратгоҳлари нафа-

қат туристик объект, балки ўзига хос маърифат улашувчи маскан ҳам бўлиши керак, – дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакили Жобир Элов. – Мазкур мақсадда зиёратгоҳлар йўлакларидан алломаларимизнинг ибратли ўғитлари, асарларидан олинган фалсафий иқтибослар акс этган пешлавҳалар ўрнатилган. Бу орқали аҳоли уларнинг ибратли сўзларидан ўзлари учун ҳаётий сабоқлар олишади. Шу билан бирга, барча зиёратгоҳлар ҳудудида замонавий ахборот-ресурс марказлари ҳам ташкил этилмоқда.

Нафақат анъанавий китоб, балки электрон адабиётлар ҳам ўрин оладиган мазкур кутубхоналарда ёшларимизнинг қироатхонада тегишли китоблар билан танишиш, интернет тармоғи орқали вилоятдаги марказий кутубхоналар китоб фондидан ўзлари истаган китобни сўраб олиш ва ўқиш имкониятлари яратилади.

Ҳозирча Шофиркон туманидаги Хожа Ориф Моҳитобон ҳамда Вобкент туманидаги Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳамда Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларида ана шундай шинам кутубхоналар ташкил этилди. Бошқа тўртта ободада ҳам бу борадаги ишлар тугаллашиш арафасида.

– Гап китоблар ҳақида кетганда шуни таъкидлаш жоизки, Бухоронинг Ислом олами маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан вилоятдаги маҳаллий олимлар, таниқли диний уламолар ҳамда институтимиз тадқиқотчилари томонидан Етти пир илмий-маърифий меросига бағишланган юзга яқин рисола, китоб-альбом, монография ва кўлёзма асарлар каталоглари тайёрланди, – дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими Комилжон Раҳимов. – Айни пайтда уларнинг 37 таси чоп этилиб, ўқувчилар қўлига етказилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентини Администрациясининг «Етти пир зиёратгоҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси»га мувофиқ, қолган адабиётларни ҳам чоп этиш бўйича молиявий манбалар белгиланди. Бу эса буюк аждодларимиз маърифий олами билан танишишда муҳим аҳамият касб этади.

Маънавий меросни ўрганиш, аввало, ўзимиз учун керак

Кўпинча улўғ пирлар зиёратгоҳларини ободонлаштириш, уларнинг илмий меросини тадқиқ этиш жараёнида «алломаларимиз руҳини шод этиш» қабилидаги сўзларга дуч келамиз. Йўқ, аслида улар руҳига ҳурмат кўрсатиш, илмий-маърифий меросини ўрганиш биз учун кўпроқ муҳим.

– Давлатимиз раҳбари жорий йил апрель ойида Бухорои Шарифга ташрифлари чоғида адашганларни тўғри йўлдан қайтариш, соф ислом ақидаларини етказишда Бухоро мактаби анъаналарини тиклаш борасида тегишли тавсияларини берган эдилар, – дейди Жобир Элов. – Бу борада аждодларимиз маънавий тажрибаси, билимлари бизга дастуриламал бўлади. Негаки, хожагон-нақшбандия тариқати алломалари маънавий ўғитлари ибодат фақат зуҳддан эмас, балки яхши амал, яхши сўз, яхши хулқдан иборат эканини ҳам асослаб берди. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру, даст ба кор» – «Қалбинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин» деган ибратли ўғитлари бугунги кунимизгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ана шу ўғитларни англаган, қалбига жо қилган инсон динимизни нотўғри талқин этиб, турли жиҳод, ғазотларга ундаётган ёвуз ғоялар таъсирига берилмайди.

– Етти пир бўйлаб зиёратимиз давомида баъзи кишиларнинг мутаассибликка берилган ҳолда улардан қолган тарихий ашёлар,

қудуқларни тавоф этаётган ҳолатига ҳам гувоҳ бўлдик, – дейди санъат арбоби Турсунали Қўзиёв. – Мутаассиблик нимадан келиб чиқади? Албатта, билимсизликдан. Кейин эътибор қаратсам, аҳоли кўр-кўрона тавоф этаётган тарихий ашёлар ҳақида бирор маълумот ўрнатилмаган. Масалан Хожа Ориф Ар-Ревгарий мақбараси олдида араб ёзувида битилган бир лавҳа бор экан. Мутахассислар билан ўрганиш жараёнида бу Ҳазратнинг қабрига қўйилган илк қабртоши бўлиб, унда «таърих» жанридаги шеър акс эттирилган экан. «Таърих»ни ўқиш асносида абжод саноқ тизими орқали Ҳазрат Моҳитобоннинг вафотлари санасини билиб олишингиз мумкин. Ана шу тош ҳақида изоҳ берувчи пешлавҳа қўйилганда, балки аҳоли уни кўр-кўрона тавоф этмасдан, моҳиятига чуқур кирган ҳолда аждодларимизнинг бадиий маҳорати, зукколигидан яна бир бор боҳабар бўлармиди...

Албатта, бунинг учун зиёратгоҳларда янада кенг миқёсда тадқиқот ишларини амалга ошириш талаб этилади.

– Мазкур мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг «Етти пир зиёратгоҳлари дирекциясини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқяпмиз, – дейди Бухоро вилояти ҳокимлиги бош ҳуқуқшуноси Жаъфар Муборақов. – Янги қарор лойиҳасида Етти пир зиёратгоҳлари ягона юридик шахс сифатида фаолият юритиши, уларни ободонлаштириш, мавжуд объектларни сақлаш харажатларини молиялаштириш билан бирга, самарали илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳам назарда тутилган.

Бу эса улўғ алломаларимиз ижодий меросини ҳаётимизга янада кенгроқ татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»



Келаси йилдан божхона ходимларининг фарзандлари ҳам ОТМга танловсиз қабул қилиниши мумкин.

МУНОСАБАТ

**Халқ қабулхонаси
муносабат билдирди**

Газетамизнинг 2020 йил 17 сентябрдаги 31-сонида «Нега аҳоли Халқ қабулхонасига эмас, ҳокимликларга кўпроқ мурожаат қилмоқда?» сарлавҳаси остида мақола чоп этилган эди. Унда Бухоро вилояти ҳокимининг Пешкў туманида ўтказган сайёр қабули жараёни, шунингдек, фуқароларнинг ҳамда мақола муаллифининг Халқ қабулхоналари фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган. Мақола чоп этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси материалдаги айрим масалалар юзасидан ўз эътирозини билдирди. Куйида Президентнинг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси томонидан мақолага билдирилган эътирозли муносабатини ҳавола этамиз.

Халқ қабулхоналари «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чоратадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 17 январдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, 2019 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомлар асосида фаолият юритиб келмоқда.

Мақола билан танишиб чиқиб, мақолада Халқ қабулхонаси ҳақидаги фикрлар юқоридаги Қарор ва Фармонлар билан Халқ қабулхоналарига юклатилган вазифаларга мос эмаслиги ойдинлашади.

Қорақўл тумани «Солур» МФЙда яшовчи М.Бозорова билан 2020 йил 19 сентябрь куни суҳбат ўтказилди. Суҳбат давомида М.Бозорова 11 сентябрь куни вилоят ҳокимининг Пешкў туманида ўтказилган оммавий сайёр қабулига борганини, вилоят ҳокимига уйининг том қисмини таъмирлаш бўйича мурожаат қилганини, яшаш уйи 27 апрель куни бўлиб ўтган табиий офат натижасида ҳеч қандай зарар кўрмаганини билдирди.

М.Бозорованинг 2020 йил 7 сентябрда Қорақўл тумани Халқ қабулхонасига, 11 сентябрь куни Бухоро вилояти ҳокимининг сайёр қабулида уйининг том қисмини таъмирлашга амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатларининг белгиланган тартибда кўриб чиқилиши Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олинган.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз муаммоларини ҳал қилиш юзасидан тегишли ташкилотларга мурожаат қиладилар, муаммолари қонун доирасида ҳал қилинмагандан кейин муаммоларига қонуний ечим излаб юқори ташкилотларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига, шу жумладан, сектор раҳбарларининг оммавий сайёр қабулларида бевосита сектор раҳбарларига мурожаат қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар Қонун доирасида кўриб чиқиш учун тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юборилганда, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари томонидан келиб тушган мурожаат қайси ходим томонидан кўриб чиқилиши мустақил белгиланади.

Мақолада номи сир қолишини сўраган фуқаро мурожаати, ташкилот раҳбари ёки мурожаатлар билан ишлашга масъул ходим томонидан юқоридаги огоҳлантиришга қарамасдан, қуйи тизимга кўриб чиқиш учун юборилганлиги эҳтимолдан холи эмас, фуқарога жавоб хати етиб келиши мурожаатнинг якуний натижаси эмаслигини эслатиб ўтаемиз.

Мурожаатларнинг белгиланган муддатларда ва қонуний кўриб чиқилиши доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонаси.**

**ЖАРИМАЛАР ТўЛАНАВЕРАДИ,
тўйлар ўтказилаверадими?**

Хонанда Воҳиджон Исоқов ҳамда «Браво» жамоаси аъзоси Аҳмад Темуровнинг карантин қоидаларига зид равишда ўтказган никоҳ тўйлари кенг жамоатчиликнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди. Республика махсус комиссияси қарорига кўра, тўй ва бошқа маросимларни оила даврасида 30 кишидан ошмаган ҳолда ўтказишга рухсат берилган. Мазкур қоидага амал қилмаган фуқаролар белгиланган тартибда жаримага тортилади.

Тўйга 30 кишидан ортиқ одам таклиф қилган санъаткорларнинг бундан хабари борлиги табиий. Унда нега карантин қоида-сини бузишди? Ё қонун фақат оддий фуқароларгагина тегишлими?

**«Жарима тўлаш билан
кутулиши етарли эмас...»**

Энди дўппини бошдан олиб, ўйлаб кўринг, кимдир тўйга 30 кишидан ортиқ одамни таклиф этиб, йиғилганларнинг барчасини хатарга кўяди, бироқ арзимаган жарима билан осон қутилади. Ниқоб тақмаган инсон эса, аввало, ўз ҳаётини хатарга кўяди ва нисбатан кўпроқ жарима тўлайди. Воҳиджон Исоқов ҳам Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига мувофиқ 1 миллион 115 минг сўм миқдорда жаримага тортилгани айтилди.

Карантин қоидаларига зид эканини била туриб, «Toshkent city»да тўй қилган хонанда учун бу тўлов мушкул эмас, аслида. Айниқса, санъаткору амалдорлар «намуна» бўлаётган бундай вазиятларда халқ орасида норозилик юзага келиши, карантин қоидаларига зид тўйларнинг кўпайиши табиий. Бошқаларга ана шундай «ўрناق» бўлаётган санъаткорларга сенатор Бахтиёр Сайфуллаев ўз муносабатини билдириб, жарима тўлаш билан қутулиш етарли эмаслигини таъкидлади.

— Ахир, халқ кўз ўнгида юрган, санъат оламига дахлдор одам бошқалардан кўра маданиятлироқ бўлиши, керак бўлса, жамиятдаги хайрли ишлар ва янгиликларни амалга оширишга кўпроқ ҳисса қўшиб, ёшларга ўрناق кўрсатиши керак эмасми? — дейди **Б.Сайфуллаев**. — Бу каби кўра-била туриб тартиб-қоида менсимай бузганлар фақатгина маълум бир миқдорда жарима тўлаш билан қутулиши етарли эмасдек, назаримда. Жамият қоидаларига, инсонлар ҳаётига бунчалар беписандлик билан қараш кўринмас душман билан олишиб, жонларини фидо қилган юзлаб шифокору ҳарбийларимиз, юртдошларимиз хотираси ва меҳнатларига нисбатан ҳам ҳурматсизлик, деб баҳолашга лойиқ.

«Эплаган қандини урсин»ми?

Сенаторнинг сўровига Маданият вазирлигининг муносабати гўёки «Биз бойларнинг ишига аралашмаймиз» дегандек бўлди.

— Маданият вазирлиги ушбу хатти-ҳаракатларни маъқулламайди ва карантин қоидалари истисносиз ҳар бир шахс учун мажбурийлигини, уни бузганларга қатъий чора кўрилишини қўллаб-қувватлайди, — дейилади **Маданият вазирлиги расмий баёнотида**. — Бироқ юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, қандай касб эгаси бўлишдан қатъи назар, маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Уларнинг шахсий ҳаётини назорат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Жумладан, Маданият вазирлиги ҳам санъаткорларнинг шахсий ишларига аралашш ваколатига эга эмас.

«Эплаган қандини урсин»ми? Санъаткорлар озми-кўпми, жаримага тортилади. Сенатор, Маданият вазирлиги вазиятга изоҳ берди. Бироқ айрим «бой ота»ларимиз карантин қоидаларини бузса-да, на жаримага тортилади ва на масъуллар муносабат билдиради.

**«Кўпчилик камтарона тўй
ўтказиш тарафдори»**

Юртбошимиз бугун камбағалликни қисқартириш, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилашга ёрдам бериш кераклигини бот-бот таъкидлаётган бир пайтда, дабдабали тўй, туғилган кун ўтказиш, боз устига, карантин қоидаларини бузиш «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин» деган иборанинг исботидек. Халқ орасида «Амалдору санъаткорлар истаган ишини қилиши мумкинми?» деган ўринли савол юзага келиши табиий.

Ҳатто «фалончи карантинга зид йиғин ўтказди, мен ҳам қилавераман» дейдиганлар ҳам топилса, ажаб эмас. Бундай фикрлар билан, аввало, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини хатарга қўйишимизни унутмайлик.

Хўш, бу ҳолатга сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?.

**Ноилахон АҲАТОВА,
журналист.**



«ИБРАТ»

— халқимиз кутган фильмлардан бири бўла оладими?

Жорий йилнинг 1 октябрида эса юртимиз кинотеатрларида «Ибрат» фильмининг илк премьералари ўтказилади.

Ҳўш, бу фильм нима ҳақида? Фильм ҳақида батафсил билиб олиш мақсадида унинг ижодкорларига юзландик.

Фильмда реал воқеалар тасвирланган

— Киноларимиз савияси тушиб кетгани, яхши кинолар ишланмаётгани, бой тарихимиз очиб берилмаётгани ҳақида кўп гапирилган, — дейди «Ўзбеккино» Миллий агентлиги матбуот хизмати раҳбари Нозим Сафарий. — Охириги йилларда «Ўзбеккино»да бўлган ўзгаришлар натижасида фильмларнинг сифати ҳам ўзгарди. Тарихимизни ўзида акс эттирган яхши фильмлар ҳам пайдо бўла бошлади. Шундай фильмлардан бири, жадидчи олим ҳақидаги «Ибрат» фильми «Ўқитувчи ва мураббийлар куни» муносабати билан 1 октябрдан юртимиз кинотеатрларида намойиш этилиши бошланади. Фильм шоир, таржимон, тарихчи ва тилшунос олим, жадидчи Исҳоқхон Ибрат ҳақида бўлиб, унда олимнинг машаққатга бой ҳаёт йўли тасвирланган. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан суратга олинган ушбу киноасар реал воқеаларга асосланган. Фильм қаҳрамони Шарқ ва Ғарбнинг ўндан ортиқ давлатларида бўлиб, уларнинг тили ва маданиятини мукамал ўрганган. Фаолияти давомида Туркистонда дастлабки товуш методига асосланган жадид мактабларининг ташкилотчиси ва тарғиботчиси сифатида катта эътибор қозонади. У ношир-матбаачи сифатида биринчилардан бўлиб «Матбааи

Исҳоқия»ни ташкил қилади ва китоб нашрини йўлга қўяди.

Фильм режиссёри — Жаҳонгир Қосимов. Сценарий муаллифлари — Нурилло Аббосхон ва Абдуқаюм Йўлдошев, постановкачи оператор — Рустам Муродов, постановкачи расом — Дониёр Абдурахмонов, композитор — Дмитрий Янов-Яновский. Ролларни Фарҳод Маҳмудов, Саидкомил Умаров, Карим Мирходиев, Акбархўжа Расулов, Шаҳзода Матчонов, Зулхумор Мўминова ва бошқалар ижро этган.

«Шу пайтгача биронта ҳам тарихий фильм олмаганман»

— Ростини айтсам, Исҳоқхон Ибрат ҳақида фильм олиш таклифи тушганида аввалига иккиланиб қолдим, — дейди фильм режиссёри Жаҳонгир Қосимов. — Биринчидан, бу улуғ шахс ҳаёти бўйича кўп нарсаси билмас эдим. Қолаверса, шу пайтгача бирорта тарихий фильм суратга олмаганман. Лекин турли сиёсий низолар, урушлар ҳусусида эмас, етук бир сиймо тўғрисида фильмим бўлишини ич-ичимдан орзу қилардим. Бунга узоқ йиллар имкон топилмади. Негаки, мўмайгина маблағ талаб этиларди. Яқин-яқингача ниятим амалга ошишига кўзим етмасди.

Фильмда мавзу ҳам, сюжет ҳам эмас, характер бирламчи. Шунинг учун ниманики ўқимай, китобми ёки сценарий, аввало, характер қидираман. Акс ҳолда ишлаган картинанг куруқ мадҳиябозликка айланиб қолади. Санъат биздан ўзига хос шахсларни кўрсатишни талаб қилади. Исҳоқхон Ибрат худди шундай енгилмас, матонатли, мақсади йўлида курашлардан қайтмас феъл-атвор эгаси. Нуфуз-

ли амалдор, қози эканига қарамай, ўз доирасидаги одамларга қарши бориб бўлса-да, доимо халқ ва ҳақ тарафида туради. Камбағал оилаларнинг болалари учун бепул мактаблар очади. Элнинг тинчини, тўқлигини, эртасини маърифатда кўради. Тил ўрганади, дунё кезади, неки янгилик ва яхшилик учраса, она юртида татбиқ этишни ўйлайди.

Мен Ибрат ҳаёти билан танишар эканман, ўз-ўзимга аччиқ бир савол бердим: «Ҳўш, сен халқинг келажаги учун шундай жасоратга қўл урармидинг? Пулинг, молинг, ҳурматинг, хуллас, бисотингдаги бор нарсдан кечиб, миллат болалари учун жонингни тикармидинг, ўлимга тик борармидинг?» Томошабин фильмимизни кўриб, ўзини мана шундай сўроққа тутса, ўтаётган умрини ва қилаётган ишини тарозига қўйса, ўйлайманки, биз нимагадир эришган бўламиз.

Сценарий устида анча пайт ишланди

— Тарихий фильмга сценарий ёзиш икки барабар масъулият юклайди кишига, — дейди сценарий муаллифи Нурилло Аббосхон. — Чунки ўша даврдаги ҳар бир ҳолатга оддий элементларгача эътибор қаратиш керак. Томошабинни ўша даврда эканлигини ҳис эттириш муҳим. Исҳоқхон Ибрат ҳақида анча изландик. У киши маърифатпарвар шахс бўлган, фақат билим олишга интиланган. Қаерга бормасин, мустамлака давлатлар хароб, озод мамлакатлар эса обод яшаётганига гувоҳ бўлади.

Исҳоқхон Ибрат мустақилликка элтувчи йўлнинг исёнлар, қон тўкишлар орқали ўтишини истамайди. Турли фирқалар, сиёсий уюшмаларни рад этади, улардан халқ кўп жабр-зулм чекишини

Кейинги пайтда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан миллий кинофильмлар ишлаб чиқариш жараёни жадаллашмоқда. Бунга мисол қилиб «Исломхўжа», «Абу Исо Муҳаммад Термизий», «Саид билан Саида», «Берлин — Оққўрғон», «Иссиқ нон», «Кўқон шамоли», «Авлоний» ва «Биринчи август» каби бадиий фильмларни айта олишимиз мумкин. Ушбу картиналар киношунослар эътирофига сазовор бўлди, томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. «Абу Исо Муҳаммад Термизий», «Берлин — Оққўрғон» ва «Иссиқ нон» фильмлари халқаро кинофестивалларда иштирок этиб, кўплаб ютуқларга эришди.

уқтиради. Шунинг учун кексайиб қолганига қарамай, 1937 йили 75 ёшида Андижон қамоқхоналарида йўқ қилиб юборилган.

Ўзбек кинеси айрим қоидалардан воз кечиши керак

— Тарихий қаҳрамонларни замон мафқурасига боғлаб, кимгадир мадҳия ўқитиш шарт эмас, — дейди Ж.Қосимов. — Масалан, совет даврида фильмлар умумғояга хизмат қилдирилган: камбағал борки, бойга қарши туриши, бой эса унинг мулкани тортиб олиб, хотинига кўз олайтириши керак эди. Бош қаҳрамон, албатта, байналмидал бўлар ёки шу кайфиятда юрарди... Айнан шу жиҳати учун ҳам қанчадан-қанча фильмлар давр ошолмади: сценарий яхши, режиссура зўр, ижро қойилмақом, лекин совет мафқураси очикдан-очик тикиштирилган. Сиёсий қарашлар билан чинакам санъат асарини яратиш мушкул.

Бугунги ўзбек кинеси ҳам қотиб қолган қатъий қоидалардан воз кечиши зарур. Мен кимгадир ёқадиган ёки ёқмайдиган шахс ҳақида эмас, Исҳоқхон Ибрат тўғрисида фильм ишладим. Уни идеаллаштириб, одамлардан узоқлаштириш ниятидан йироқман. Қўлимдан келса, санъат асари яратмоқчиман. Катталар ҳам, ёшлар ҳам кўрадиган фильм бўлиб қолишини ният қилганман.

Хулоса ўрнида

Ушбу фильм намойиши томошабинлар томонидан интиқлик билан кутилмоқда. Фильмни суратга олиш ишлари бошлангачи деган хабарлар 2019 йилда тарқатилган эди. Бир йил давомида катта жамоа, яъни актёрлар гуруҳи меҳнат қилди. Ушбу тарихий фильмга фақат томошабингина сўнги баҳонани кўя олади. Фильм намойишидан кейинги таассуротлар, экспертлар хулосалари ва бошқалар ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида оидинлик кiritишга ҳаракат қиламиз. Бизни кузатишда давом этинг...

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»



«Ўзбеккино» Миллий агентлиги тарихида илк бора муаллифлик ҳуқуқи суд томонидан кўриб чиқилди.



СУВЧЕЧАК қандай касаллик?

Совуқ тушиши билан болалар ўртасида сувчечак касаллиги билан оғриганлар кўпаяди. 7 ёшгача бўлган деярли барча болалар шу хасталик билан касалланади. Хўш, нима учун? У қандай касаллик ўзи?

Сувчечак – тери ва шиллик қаватларда тошмалар тошиши, интоксикация белгилари билан кечадиган ўта юқумли, ўткир кечадиган вирусли касалликдир. Инфекция манбаи – касал одам. Касаллик кўзгатувчиси ҳаво-томчи йўли орқали тарқалади. Учинчи шахсга буюмлар орқали юқиши мумкин эмас. Беморлар, одатда, тошма тошишдан бир неча кун олдин ва тошмалар қўтири билан қоплангунга қадар юқумли бўлади. Асосан, 6 ойликдан 7 ёшгача бўлган болалар касалланади. Катталар камдан-кам ҳолларда касалланса-да, уларда касалликнинг оғир шакллари кузатилади.

Сувчечак касаллиги – (Varicella-zoster) учувчи инфекция (касаллик кўзгатувчиси ҳаво оқими орқали узоқ масофаларга тарқалади). Инфекцияда сезувчанлик жуда юқори бўлиб, 100 фоизни ташкил қилади (одатда касал одам билан мулоқотда бўлган, аввал касалланмаган шахсларнинг барчаси касалликни юқтириб олади). Куз-қиш ойларида авж оладиган ушбу касаллик, асосан, мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари ўртасида эпидемия кўринишида тарқалади. Бироқ мазкур вирус ташқи муҳитга чидамсиз бўлиб, қуёш нури тушганда ва қиздирганда тез ҳалок бўлади. Вирус организмдан ташқарида очик ҳавода 10 дақиқа яшайди.

Касалланиш эҳтимоли қандай пайдо бўлади?

Сувчечак билан барча ёш гуруҳидагилар касалланмайди. Одатда инфекция кўпроқ болаларни зарарлайди. Касалланишнинг ярми 5 ёшдан 9 ёшгача бўлган болалар ўртасида кузатилса, 1-4 ва 10-14 ёшдагилар ўртасида кам-

роқ учрайди. Этиологияли иммун тизими пастлиги билан боғлиқ касаллиги бор шахслар (камдан-кам ҳолларда ОИВ инфекцияларида ва органлари алмаштирилган беморларда; кўпроқ иқлим ўзгарганда, оғир стресс ҳолатлари туфайли юзага келган иммунитет пасайишида) қайта касалланиш кузатилиши мумкин.

Сувчечакнинг клиник кечиши

Касаллик юққандан кейин 14-16 кун ўтиб, тошмалар пайдо бўлади. Касаллик, одатда, ўткир бошланади: 3-5 кун тана ҳарорати кўтарилиб, кейинчалик унинг ошиб бориши ва тошмалар тошиши билан кузатилади. Оғир шаклларида эса ҳолсизлик, иштаҳанинг йўқолиши ва бошқа ҳолатлар кузатилиши мумкин.

Асосий ташхис элементи – усти рангсиз сув билан қопланган қизил рангли қабарикдир. Тошма қичишиш билан кузатилиши мумкин. Тошмалар кўринарли шиллик қаватларда тошиши билан характерланади. Бундай ҳолларда шиллик қаватларда қўтирлар пайдо бўлмайди ва ярага айланиб, кейинчалик йўқолиб кетади.

Барча элементлар – босқичлар кетма-кетлигида ривожланиб, тери яллиғланишига олиб келади. Турли ёшда терида тошма элементларининг бир вақтда бўлиши, тошмаларни қайси кунларда тошишига боғлиқ. Биринчи доғлар касалликнинг охириги 3-6 кундан 1-2 кун олдин пайдо бўлади. Тошмалар тошиши 2-5 кун, айрим ҳолларда 7-9 кун давом этиши мумкин.



Даволаш усули

Сувчечак касаллиги билан оғриган беморлар, одатда, уйда даволанишади. Даволаш бактериологик асоратларнинг олдини олишга қаратилади. Вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида боланинг ҳар куни тирноқларини қисқартириб, ювиш керак (қашлаб қўйиб сувли тошмалар ёрилишининг олдини олиш учун). Сувчечакни даволашнинг биринчи мажбурий шарт иситма даврида ётоқ режимини сақлаш ҳисобланади. Касаллик даврида муҳим диета сақланмайди, лекин кўпроқ суюқлик ичиш тавсия этилади, чунки суюқлик организмни токсинлардан тозалашда ёрдам беради.

Одатда тошмаларга ишлов бериш учун бриллиант яшили эритмаси, калий перманганат эритмаси ёки фукарцин қўлланилади. Тошмалар ўрнида из қолмаслиги учун қўтирларни мажбуран кўчириш тавсия этилмайди. Чала туғилган болалар, иммун тизимида бузилиш бўлган беморлар (касалликни оғир ўтиши билан боғлиқ) касалланганда ацикловир каби вирусга қарши воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Асоратлари борми?

Сувчечак кўпинча енгил ўтадиган болалар касаллиги бўлиб,

айрим ҳолларда вирус келтириб чиқарадиган зотилжам ёки энцефалит каби асоратлар бериб, касалликдан кейин турғун асоратлар қолиши ва ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин. Сувчечакнинг буллёз, геморрагик ёки гангренили шакллари хавfli ҳисобланади.

Кўпол кўринишга эга бўлган чандиқлар иккиламчи инфекциялар тушган везикуляр тошмалардан кейин ҳам кузатилади. Касалланганларнинг 10-20 фоизда сувчечак вирусини бир умр сақлаиб қолиши, кейинчалик катта ёшдагиларда бошқа касалликлар билан қўшилган кўринишда пайдо бўлиши мумкин. Ўраб олувчи темирлатки неврологик оғриқлар билан кечиш, узоқ давом этадиган касалликдир. Шу билан биргалликда, паралич ва кўришнинг бузилиши каби бошқа органларни зарарланиши билан кечиши ҳам мумкин.

Сувчечак касаллигининг профилактикаси

Сезувчанлиги бўлган шахслар ўртасида битта ҳолат қайд этилганда касаллик тарқалишининг олдини олиш қийин бўлади. Одам касал бўлганда, одатда, уйда алоҳидаланади. Алоҳидалаш тошмадан кейинги қўтирлар тушгандан сўнг 5 кунгача давом этади. Вирус ташқи муҳитга чидамсиз бўлганлиги учун дезинфекция ўтказилмайди, хонани шамоллатиш ва намли тозалаш етарли.

Махсус профилактика усули эмлаш ҳисобланади. Саноати ривожланган қатор давлатларда (Япония, АҚШ, Жанубий Корея) сувчечакка қарши вакцинанинг қўлланилиши унинг самарадорлиги ва хавфсизлигидан далолат беради. Эмланган болаларнинг 95 фоизда ҳимоя ҳосил бўлиб, уларнинг 70-90 фоизи 7-10 йил касалликдан ҳимояланиши кафолатланади.

Шаҳбоз ЖАМОЛОВ,
шифокор-инфекционист.



COVID-19га қарши дорилар масаласида кубаликлар билан музокара ўтказилди.

Бу йилги куз мавсуми ҳар йилгидан кўра, анча салқин келмоқда. Куни кеча Қамчиқ доводнида ёмғир аралаш қор ёғиб ўтгани ҳам ўзига хос огоҳлик белгисидир. Куз-қиш мавсумида нафақат коммунал соҳадаги муаммолар, балки юқумли касалликлар ҳам кўпая бошлайди. Айниқса, грипп ва ЎРВИ (ўткир респиратор вирусли инфекция) анча авж ола бошлайди.

Хўш, куз мавсумининг муҳим мавзуси бўлган гриппга қарши эмлаш қанчалик самара беради? Гриппга қарши вакцинанинг аҳамияти нимада ва эмлаш жараёни қачондан бошланади?



Санитария-эпидемиологик оқолиштирилган агентлиги бош мутахассиси Дилором ТУРСУНОВА

аҳолини қизиқтираётган ана шундай саволларга жавоб берди.

— Куз-қиш фаслида респиратор инфекцияли касалликлар кўп учрайди, — дейди **Дилором Турсунова**. — Улардан бутун дунёда кенг тарқалгани эса мавсумий грипп ҳисобланади. Грипп — юқумли касалликлар сирасига киргани учун бу мавсумда хавфлилик даражаси ортади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мавсумий юқумли касалликлардан, хусусан, гриппдан ҳимояланишда энг яхши восита сифатида эмлашни тавсия этади. Мавсум аввалида гриппга қарши вакцина олиш уни юқтириш эҳтимолини 90 фоизга, оғир кечиш эҳтимолини эса 60 фоизга қисқартиради. Эмлашни кузнинг аввалида олиш мақсадга мувофиқ, чунки касаллик кенг тарқалган давр ноябрь-март ойларига тўғри келади.

Вакцина марказларида аллақачон гриппга қарши эмлаш ишлари бошлаб юборилган. Аксарият инсонлар бутун дунёга хавф солиб турган коронавирус инфекциясини енгил ўтказиш учун ҳам мавсумий грипп учун эмлатишни ихтиёр этишган. Юртимизда ҳам гриппга қарши эмлатаётганлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

— Гриппга қарши эмлаш неча ёшдан ва кимларга белгиланади? Ҳомиладор аёллар, чақалоқ ва кекса ёшли инсонлар ҳам бу тиббий хизматдан фойдаланиши мумкинми?

— Аҳолининг ижтимоий ҳимоя-

Гриппга қарши эмланганлар ПНЕВМОНИЯДАН ҳам ҳимояланадими?



га муҳтож қатлами гриппга қарши вакциналар билан бепул эмланади. Жумладан, «Мурувват» ва «Саховат» уйларида яшовчилар, меҳрибонлик ва гўдаклар уйлари тарбияланувчилари ҳам. Аҳолининг бошқа вакиллари эса ўз ҳисобидан, ташкилот ходимлари эса ўша идора маблағларидан хусусий эмлаш марказлари орқали вакцина олишлари мумкин.

Ҳомиладор аёллар, нафас олиш органлари ва юрак-қон томир тизимларининг маълум сурункали касалликларига чалинган катта ёшлилар, 60 ёшдан ошган шахслар ва 6 ойликдан бошлаб болалар ҳам бемалол мавсумий гриппга қарши эмланиши мумкин.

Умуман олганда, гриппга қарши вакцинация қилишга қарши кўрсатмалар йўқ, яъни бу эмлаш тури ҳаммага қилиниши мумкин. Аммо шунга қарамай, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиб, организмнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган ҳолда вакцина олиш лозим.

— Айтишларича, гриппга қарши вакцина пневмониядан ҳам ҳимоя қиларкан...

— Грипп ўз вақтида самарали даволанмаса, организмда асоратлар қолдириши мумкин. Пневмония — гриппнинг энг кучли салбий таъсирларидан бири ҳисобланади. Гриппга қарши эмланганлар бевосита пневмониядан ҳам ҳимояланган бўлади.

Вакцина олганлар гриппга 100 фоиз чалинмайди, деб ҳеч ким кафолат бермайди. Аммо гриппга қарши вакцина йўриқномасида 98 фоиз ҳимоя қилиши кўрсатилган.

— Гриппга қарши вакцинани қаердан олиш мумкин ва қаерда ишлаб чиқарилган вакци-

наларни танлаган маъқул?

— Аҳолимиз юртимиздаги мавжуд вакциналарнинг сифатига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Негаки, четдан олиб кирилаётган ҳар бир вакцина сифати ва самарадорлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли муассасаси томонидан текширилиб, амалиётга жорий қилишга рухсат берилади. Махсус ташкил қилинган эмлаш марказларига борган ҳолатда эмланиш мумкин.

Юртимизга турли давлатларда ишлаб чиқилган вакциналар олиб келинади. Самарадорлиги энг юқори бўлган вакциналар Нидерландия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Россия Федерацияси томонидан ишлаб чиқарилади. Вакцина қабул қилаётганда ҳар бир фуқаро ўз хошишига кўра турли давлатда ишлаб чиқилган вакцинадан бири-ни танлайди.

— Вакцинадан кейин қанча вақтда организмда гриппга қарши иммунитет пайдо бўлади?

— Ҳамма вакциналар каби мавсумий гриппга қарши вакцина ҳам организмда 15 кун ичида микробларга қарши иммунитет ишлаб чиқади. Таъсир кучи 1 йилга етади. Эмлашдан олдин шифокор томонидан, албатта, эмланувчи шахснинг умумий саломатлиги текширилиб, шунга кўра вакцинация қилиш-қилмаслик белгиланади. Яъни эмланадиган киши шамоллаш, нафас олиш йўллари яллиғланиши каби касалликлардан тамоман соғлом бўлиши керак. Шунингдек, вакцина таркибидаги компонентларга нисбатан аллергия таъсирчанлик даражаси ҳам текширилади.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Кимларни эмлаш мумкин эмас?

— Коронавирусга чалиниб зотилжам бўлган ва тузалганларга гриппга қарши вакцина қилиш мумкинми? Қандай ҳолатларда эмлаш мумкинмас?

Қодир Жўраев. Тошкент вилояти.

Севара УБАЙДУЛЛАЕВА, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси:

— Коронавирус билан касалланиб тузалган беморларга гриппга қарши вакцина қилиш мумкин. Гриппга қарши вакцина бир йиллик вакцина бўлиб, у ҳар йили учраши мумкин бўлган гриппнинг штаммларига қарши ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, бу вакцина билан инсон организми айнан гриппнинг шу штаммларига қарши иммунитет ҳосил қилади. У ковид билан касалланган ва тузалган беморларни куз-қиш мавсумида гриппнинг келадиган штаммларидан маълум даражада ҳимоя қилади ёки касалликнинг енгил кечишини таъминлаб беради.

Орттирилган иммун танқис ҳолатлар, яъни ОИТС касаллигининг турли босқичларида, вакцина таркибидаги адъюванти, яъни вакцина ишлаб чиқилган асосий восита ва қўшимчаларига нисбатан аллергия ҳолат юзага келганда, болаларда миянинг органик қисмида ўзгариш келтириб чиқарувчи неврологик касалликларнинг зўрайиб бориши даврида эмлаш мумкин эмас.

Шуни унутмаслик керакки, барча соматик касалликлар авж олиш даврида тана ҳароратининг 38° С дан юқори кўтарилиши, диарея, ич кетиш, қусиш, тутқаноқлар, қон босимининг кўтарилиши ёки тушиши, кучли оғриқ синдромида ва ҳоказолар ўтиб кетганидан кейин шифокор кўригидан ўтиб, соғлом деб ташхис қўйилганидан кейингина тиббиёт муассасасида шифокор-иммунолог, педиатр ёки терапевт назорати остида эмланиш керак.



Тошкент давлат стоматология институтида Ўзбекистон — Германия имплантологлар форуми ўтказилди.

САФАР ОЙИДА

Тўй қилиш мумкинми?

Пайғамбаримиз Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик вақтларида дини ислом ақидалари, аҳкому усулларини саҳобаи киромларга Куръони карим оятлари ҳамда ўз ҳадиси шарифлари орқали мукамал равишда етказганлар. Шунга қарамай, мусулмон халқи ўртасида ҳануз динга заррача алоқаси бўлмаган баъзи урф-одатлар, асоссиз ақидалар ҳукм суриб келаётгани ачинарли ҳолдир.

Шумланиш, яъни ёмон гумонга бориш борасида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳадиси шарифда шундай деганлар:

«Уч нарсадан менинг умматим ҳануз кутула олмайдилар. Бу – ҳасад, бадгумонлик ва иримдур. Шу нарсалардан кутулиш йўли шуки, ҳасад қилсангиз, зулмга ўтманг. Гумону шубҳа қилсангиз, уни ҳақиқат ҳисоб қилиб, унга асосан иш тутманг. Бирор ирим қилинадиган нарсага дуч келсангиз, Аллоҳ таолога таваккул қилиб, йўлингизда ва ишингизда давом этиб кетаверинг!».

Яхшилик ва ёмонлик, фойда ва зарар Аллоҳ таолонинг изни-ихтиёри билан бўлади. Булар қўшнинг ўнг ёки чап томонга қараб учидан, бир овозни эшитишдан ёки бир нарсани кўришдан ва кунлардан шумланиш орқали ҳосил бўлмайди. Аллоҳ таолонинг ирода ва қуввати олдида буларнинг барчаси ожиздир.

Ҳадиси шарифда воридким, жаноби Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларида турли хайвон, қуш, ой ва кунлардан шумланиш ҳақида сўз борган вақтда марҳамат қилиб айтдилар: «Агар ёмон бир шумланишга борсангиз, ушбу дуони ўқинглар: Эй, Аллоҳим! Сенгина яхшилиқни раво кўрасан ва Сенгина ёмонликларни қайтарасан. Яхшилиққа етилиш ва ёмонликдан сақланиш Сен билангина бўлади».

Агар инсон шумланган вақтда фақат ягона Аллоҳ таолонинг ўзи хоҳлаган нарсаси бўлади, деб қатъий ишонса ва қодир бўлганига зехндан турли ёмон хотираларни узоқлаштира, албатта, у шумланишдан халос бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу



алайҳи ва саллам шумланишни қаттиқ қоралаб, ҳаётда ҳеч бир шумланмаган мўминлар жаннатга ҳисобкитобсиз кирадилар, деб башорат қилганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган ҳадис).

Шумланиш ширкдир!

Баъзи одамлар айрим ой, кун, жой ва одамлардан шумланишлари ва улардан ёмон фол очишлари нодонлик ва ислом шариати таълимотларидан беҳабарликларига далолат қилур. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам буларни шумланиш одатидан огоҳлантириб: «Шумланиш ширкдир! Шумланиш ширкдир! Шумланиш ширкдир!» – деб уч марта қаттиқ танбеҳ берганлар.

Айрим инсонлар сафар ойидан ҳам шумланадилар. Ҳар йили сафар ойи келиши билан одамлар орасида турли шумланишлар, асоси йўқ ирим-сиримлар кўпайиб кетади. Гўёки сафар ойида никоҳ тўйи ёки унашувини қилиб бўлмасмиш, агар шундай қилинса келин-куёв бахтсиз бўлармиш ёхуд уларнинг бошига кутилмаган бало келармиш. Ёки ушбу ойда сафар қилиб бўлмасмиш, агар шундай қилинса сафар қилувчи, албатта, қандайдир фалокатга учраб эмиш. Баъзи жойларда сафар ойи билан боғлиқ бундан бошқа ирим-сиримлар бор. Лекин кўп марта қайта-қайта таъкидлаётганимиздай, бу гап-сўзлар, иримларда ҳеч қандай асос йўқ.

Уруш «ҳаром» қилинган ойлар

Ушбу ойнинг сафарга ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки ой номи сафар эмас, «софар»дир, яъни сод ҳарфи билан ёзилади. Текширишлар шуни кўрсатдики, йилнинг бошқа ойлари қатори сафар ойи ҳам Куръони каримда ўз номи билан тилга олинмаган. Аммо Куръони карим оятларини тафсир қилиш ва улардаги ишораларни англаб етиш учун келтирилган маълумотларда сафар ойи борлиги аён бўлди:

«Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кундаги битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлари. Ана шу тўғри диндир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз!» («Тавба», 36).

Булардан тўрттаси: зулқаъда, зулҳижжа, муҳаррам, ражаб ойларида уруш қилиш, қон тўкиш ҳаром қилинган ойлари. Бир йилда тўрт ойни урушсиз (яъни, уруш ҳаром қилинган) ой деб белгилаб қўйиш Аллоҳ таоло томонидан ер юзидан инсонларнинг тинчлик-осойишталикда яшашларига имконият яратиб қўйилган ажойиб бир меҳрибонлик ва қулайликдир.

Жоҳилиятдан қолган қарашлар

Исломдан олдинги жоҳилият даврида сафар ойидан қаттиқ хавфсираш одати ҳам бор эди. Улар «сафар ойида янги иш бошлаб бўлмайди», «никоҳ ақди қилиб бўлмайди», «аёли билан бирга оилавий ҳаётни бошлаб бўлмайди», «сафарга чиқиш мумкин эмас» каби бир қанча хурофотлар асосида бу ойдан ҳеч бир сабабсиз қўрқардилар. Уларнинг фикрича, бу ой хосиятсиз бўлиб, унда турли ёмон мавжудотлар ер юзидан тарқалар ва мазкур ишларни қилган одамларга зарар етказар эмиш. Барча нотўғри эътиқодлар қатори динимиз бу каби хурофотдан иборат фикрларни ҳам тўғирлади. Пайғамбаримиз алайҳиссалоту ва ссалам бу борада бир қанча ҳадис айтганлар: Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Касаллик юқиши йўқ, бойқуш йўқ, ва сафар йўқ», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривояти).

Ҳанафийларнинг энг машҳур фатво мажмуаларидан бири бўлмиш «Фатовойи Оламгирия» ва шаръий одоблар бўйича мазҳабимизнинг асосий манбаларида сафар ойига оид маълумотлар бор: «Сафар ойида сафар қилмайдиган, никоҳ ва бошқа

ишларни бошламайдиган, Набий алайҳиссаломдан ривоят қилинадиган «Ким менга сафар чиққанининг башоратини берса, мен унга жаннат башоратини берман» деган гапни маҳкам тутиб олган кишилар ҳақида сўрадим. Бу ривоят ўзи тўғрими? Сафар ойида бахтсизлик ва машғумлик борми? У ойда бир иш қилишдан қайтариш борми?» деб сўрадим. У киши қўйидаги жавобни берди: «сафар ойи ҳақида айтган гаплари (жоҳилиятдаги) арабларнинг гапидир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат бериб айтган ривоятлари қип-қизил ёлғондир» («Жавоҳирул фатаво»дан).

Жоҳилият даври аҳлининг сафар ойидан хавфсиранишига тамоман акси сифатида бу ой Исломда «сафарул хойр», яъни «сафар яхшилиги» деб номланди. Жоҳилиятдаги одамларнинг: «сафар ойида иш бошлаб бўлмайди» деган хурофотига зид равишда Исломда кўпгина ишлар айнан сафар ойида бошланди. Масалан, Масжиди Набавийнинг қурилиши биринчи ҳижрий сананинг айнан сафар ойида бўлди. Мусулмонлар худди бошқа ойларидаги каби бу ойда бемалол сафарларга чиқишди. Пайғамбар алайҳиссалом сафар ойида сафарга чиқиб, Хайбарни фатҳ қилдилар. Жоҳилият давридагиларнинг сафар ойида никоҳланиб бўлмайди, деган сафсатасига қарши ўлароқ, мусулмонлар бу ойда никоҳлар ўтказишди. «Тухфатул Муҳтож фи шарҳил Минҳож» китобида ва бошқа манбаларда имом Зухрийнинг ривоятлари асосида келтирилишича, Пайғамбаримиз алайҳиссалом айнан сафар ойида қизлари Фотима Заҳрони Али розияллоҳу анҳуга никоҳлаб бердилар. Ўшанда ҳижратнинг иккинчи йили эди. Демак, сафар ойидан бесабаб қўрқиб динимизда йўқ нарса экан.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқимиз ичида ҳанузгача бидъат-хурофот ва ирим-сиримга берилиб, сафар ойида қилинадиган хайрли ишларни бошқа ойларида кўчирадиган, никоҳ тўйларини тўхтатиб қўядиган, баъзи ҳолларда хайрли амалларни ҳам чеклаб, бошқаларнинг ҳам фикрини чалғитиб соф ислом таълимотидан йироқлашиб қўётган айрим кимсалар юқорида айтилган гаплардан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсалар, айти мурда бўлур эди. Зеро, «Хайрли амаллар кечиктирилмайди» – деган ҳикматли сўз бежиз айтилмаган.

Зокиржон ШАРИФОВ,
Тошкент шаҳар Олмазор
туманидаги Тўхтабой жоме
масжиди имом-хатиби.



Саудия Арабистони ҳаж зиёратчиларини қабул қилишни бошламоқда.



Коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий пасайиш саҳнида озиқ-овқат инқирозининг эҳтимолий кучайиши жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида ташвишлишига сабаб бўлмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш ташкилот Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталиб, 2021 йили озиқ-овқат тизимлари бўйича Саммит чақиришини таъкидлади.

Мақсад – очарчиликни бар-тараф этиш, овқатланиш билан боғлиқ касалликларни қисқартириш, сайёрамизни даволаш учун озиқ-овқат тизимларини ислоҳ қилиш бўйича хабардорликни ошириш, кенг мажбуриятлар ва аниқ чораларни келишиб олиш. Шу билан бирга, БМТ Бош котиби бутун жаҳон ҳамжамиятини озиқ-овқат ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол қилишга ёндашувни тубдан ўзгартириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга чорлади.

БМТнинг башоратига кўра, йил охиригача глобал очарчиликнинг ўсиши кутилмоқда. Ҳозирги вақтининг ўзидаёқ 820 миллион киши, яъни сайёранинг ҳар 9 киши етарли миқдорда егуликка эга эмас. Бу йил COVID-19 инқирози туфайли яна 49 миллион киши ўта қашшоқлик домига тушиши мумкин. Жаҳон ялпи ички озиқ-овқат маҳсулотининг ҳар бир фоизли пунктга пасайиши ўсишдан тўхтаб қоладиган болалар сонини 0,7 миллионга кўпайишини аналитади.

Самарасиз қарорлар нималарга олиб келади?

БМТ Озиқ-овқат дастури (ФАО) бош директори Ц.Донгюнинг қайд этилишича, самарасиз сиёсий қарорлар, жумладан, айрим мамлакатлар томонидан озиқ-овқат экспортининг чекланиши озиқ-овқат танглигини келтириб чиқа-

ОЗИҚ-ОВҚАТ муаммоси БМТ минбарига янграмоқда

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

ради ва кенг миқёсли гуманитар ҳалокатга олиб келади. Коронавирус пандемияси шароитида гуруч экспортини тўхтатган Вьетнам (жаҳонда гуруч экспортчиларининг биринчи учлигига киради), ун, гречка ва сабзавотлар, жумладан, пиёз, сабзи ва картошка экспорт қиладиган Қозоғистон, гречка, пиёз ва саримсоқпиёз экспорт қиладиган Беларусь, лимон экспорт қиладиган Туркиянинг ҳаракатлари жаҳон бозори учун салбий бўлди. Бундан ташқари, жаҳонда гуручнинг истеъмолчиси Хитой – унинг айрим навларининг харид қилиш нархини оширди ва захираларни шакллантириш учун рекорд ҳажмда сотиб олишни режалаштирмоқда. Россия ҳам муҳим харидорлар томонидан сўров мавжудлигига қарамай, дон сотишни тўлалигича чеклади.

Қолаверса, йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар – АҚШ, Хитой, Ҳиндистон ва Россия – Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган ташаббусларга, жумладан, озиқ-овқат етказиб бериш занжирини сақлаб туришни очик қолдириш, озиқ-овқат маҳсулотларига асосланмаган савдо чекловларидан воз кечиш ҳамда ҳар қандай фавқулодда чекловларни қўллашда мутаносибликни ва муваққат доираларни сақлаб қолиш каби ташаббусларга кўши-лишдан бош тортди.

Экспортни тўхтатиш — жиддий чақирик

ФАОнинг қайд этилишича, агар маълум мамлакатлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини тақиқлаш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўроли сифатида кўрилса, аксарият қишлоқ хўжалиги давлатлари учун ўз маҳсулоти экспортини тўхтатиши жиддий чақирик ҳисобланади. Хусусан, Африка мамлакатлари бу муаммо олдида энг кўли боғлиқ-

ДАРВОҚЕ...

Бугун озиқ-овқат хавфсизлиги Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг муҳим унсури ҳисобланади. У ёки бу давлатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқаро вазиятдан қатъи назар, аҳолининг барча қатламларини фаол ва соғлом турмуш тарзини олиб бориш учун зарур, хавфсиз, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга боғлиқ.

лари саналади. Масалан, чорвачилик сектори маҳсулотларининг экспорти миллий ЯИМнинг 40 фоизга яқинини ташкил этади, Сомали экспорт тушумларининг 60 фоизга яқини аҳолининг 65 фоиз қисми тирикчилигининг асосий манбаси ҳисобланади.

БМТ озиқ-овқат дастури ва Жаҳон савдо ташкилоти глобал савдо ва озиқ-овқат хавфсизлигини таҳдид остида қолдирадиган пандемияга қарши курашга қаратилган чоралар хавфидан огоҳлантирди. Қайд этилишича, озиқ-овқат билан етарли таъминлашдаги ишончсизлик глобал бозорда тақчилликни яратиб, экспорт чекловлари тўлқинини туғдириши мумкин.

Хулоса қандай?

COVID-19 пандемиясининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва овқатланишга таъсирини ўрганиб чиқиб, куйидаги хулосаларни қилиш мумкин. **Биринчидан**, хавф энг ўткир саналган соҳаларга эътиборни қаратиб, саъй-ҳаракатларни одамлар ҳаётини сақлаб қолишга

қаратиш ва уларнинг яшашига маблағларни олиш имкониятини сақлаб қолиш зарур. **Иккинчидан** овқатланиш соҳасида ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш талаб этилади. **Учинчидан**, келажакка сармоя киритиш лозим.

Дарҳақиқат, мазкур шароитларда озиқ-овқат хавфсизлиги билан таъминлаш бўйича келишилган янги халқаро саъй-ҳаракатларни ишлаб чиқиш долзарбламмоқда. Шу боис БМТ Бош котибининг 2021 йилда озиқ-овқат тизимлари бўйича Саммитни чақириш тўғрисидаги таклифи долзарб аҳамиятга эга. Бу халқаро ҳамжамиятга бутун дунё бўйича озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан янги йўналишларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишга имкон беради.

БМТ Бош котиби А.Гутерриш барча фуқароларни саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва истеъмол қилишга ёндашувни тубдан ўзгартиришга чақирди. 2021 йилда озиқ-овқат тизимлари бўйича саммит, бу — нафақат навбатдаги тадбир, балки бу 2030 йилга келиб барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларда бурилиш лаҳзаси бўлишига шубҳа йўқ.

Шу муносабат билан саммитни ўтказишни қўллаб-қувватлаш ва унда Ўзбекистоннинг иштироки бир томондан, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти бошчилигида ўтказилаётган сиёсатни етказиш, бошқа томондан, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик ва бошқа соҳаларда қўшма чораларни амалга ошириш йўлида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш имконини беради.



Россияда коронавирустга қарши яна бир вакцина синовлари ўтказилади.



Жаҳонда ягона бўлган корхона маҳсулотлари: саломатлигингиз учун қанчалик фойдали?

Соғлиқ – киши ҳаётининг ҳеч нарса билан қийматлаб бўлмайдиган ўлчови. Уни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш эса ҳамisha муҳим. Бироқ доим ҳам соғлиғимиз ҳақида қайғурмаймиз. Касалликка чалинсақкина шифохона эшигини тақиллатамиз. Ваҳоланки, тан соғлиғидагина ҳаётнинг гўзалликларини табиат неъматларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Шундай экан, соғлиғимизни борлигида қадрлайлик.

ишлаб чиқарувчидир. Эътиборлиси, уларнинг барчаси хавфсиз ва 14 та халқаро стандартларга жавоб беради. Ҳалол сертификатга эга бўлган маҳсулот организм учун керакли ва фойдали элементларнинг жамланмасидир.

Микронутриентлар ҳақида биласизми?

Микронутриентлар организмда физиологик ва фармакологик модда алмашинувининг бошқарувчиси ҳисобланади. Улар ҳар бир организм учун зарур. Боз устига, замонавий тиббиёт касалликнинг олдини олиш ва даволашда микронутриентнинг аҳамияти ортиб бораётганини таъкидламоқда. Улар инсон организмнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарур бўлган, ўрнини бошқа ҳеч нарса боса олмайдиган озиқ-овқат моддаларидир. Ганодермали маҳсулотлар айна моддалар конидир. Улар организмнинг физиологик талабларидан келиб чиқиб, танага доимий равишда модда таъминотини етказиб беради.

Қандай каромати бор?

Организмни ўз-ўзидан сошлаши кучайтирувчи, шахсий парваришда яқин ёрдамчига айланувчи функционал гано маҳсулотлари ёш ва жинс танламайди. Барчага бирдек кўмакчига айланади. Сувда 100 фоиз эрийдиган, турли кўшилмалардан холи юқори сифатли маҳсулот кулай нархларда тақдим этилади. Энг муҳими, у киши танасига тўлиқ сўрилиб, керакли муолажани бажаради. Ҳақли савол

туғилади, нима учун «Gano Extra»ни танлаш керак? Саволнинг жавоби сифатида баъзи маҳсулотларимизнинг хусусиятларига тўхталамиз.

Ганодерма эссенцияси аъзоларнинг мўътадил фаолиятини ушлаб туради. Тери касалликларини даволайди. Терини гўзал ва соғлом қилади. Оғиз бўшлиғидаги яраларни даволайди.

Реиши полисахаридлари эса иммун тизимини тартибга солади. Бу ўсмаларга қарши курашиш хусусиятини намоён қилади. Шунингдек, антиоксидант таъмир орқали ҳужайраларни тартибга солади ва ҳимоялайди. Депрессияга қарши неврологик таъсирга ҳам эга. **Органик германий** қон айланишини тезлаштириб, тўқималарнинг тикланишию тери оқсиллини меъёрга келтирса, **Аденозинскелет** мускулларни кучлантиради, асосий нерв тизимини тинчлантиради. Қон қуюлиши — тромб ҳосил бўлишининг олдини олиб, модда алмашинувини бошқаради. Организмнинг ўз-ўзини даволашини таъминлайди. **Тритерпеноидлар** эса ўсма, ангиогенез, гипертонияга қарши курашади. Антибиотик ва антивирус таъсирга эга.

Хўш, бу воситаларни қаердан олиш мумкин? Сиз жаҳонда ягона бўлган корхона маҳсулотларини излаш ҳа-

ҚАНЧАЛИК ҲАҚИҚАТ?

Нигора МИРЗАЕВА (31 ёш):
– Анчадан буён чап томонлама йирингли-шлишли гаиморит, кўз олмаси ҳаракатлари ва кўриш ўткирлигининг чекланиши билан оғрирдим. Қандай даволаниш ҳақида бош қотирардим. Танишимнинг маслаҳати билан «Гано Шифо» маҳсулотларини истеъмол қилдим. Кўп ўтмай ўзимда ўзгаришларни сездим. Ҳозир соғломман. Ҳаётга бўлган муҳаббатим ортган.

қида бош қотиришингиз шарт эмас. Боиси эндиликда уларни Ўзбекистоннинг исталган худудидан топишингиз мумкин. Гано билан бирга соғлом ҳаёт кечиринг.

Нозигул ДАВЛАТОВА,
Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Гано шифо» корхонаси раҳбари.

Сизнинг ҳам бирон ерингиз оғрияптими? Кимга мурожаат қилиш, қандай даво топиш ҳақида бошингиз қотганми? Кўп ўйланманг, ҳозироқ www.ganoworldwide.com/gano.uz сайтига ташриф буюринг ва янада кўпроқ маълумотларга эга бўлинг!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун таянч докторантура ва докторантурага ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

• магистр даражасига, олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича);

• фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

• Судьялар олий мактаби директори номига ариза;

• талабгорнинг қисқача биографик маълумотномаси;

• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

• олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;

• нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

• фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

• фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси

ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.

Докторантурада ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

• Судьялар олий мактаби директори номига ариза;

• қисқача биографик маълумотнома;

• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

• олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

• тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;

• нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Таянч докторантура ва докторантурага талабгорлар <http://phd.mininnovation.uz> веб-сайти орқали рўйхатдан ўтиб, Судьялар олий мактаби Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлимига ҳужжатларни 2020 йилнинг 15 октябрига қадар тақдим этишлари талаб этилади.

Ҳужжатлар Судьялар олий мактаби Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўлими томонидан 15 сентябрдан 15 октябргача бўлган даврда: п/м 100097 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уйда (мўлжал: собик Олий хўжалик суди биноси, 423-хона) қабул қилинади.

Талабгорлар учун танловда иштирок этиш талаблари ва топириладиган ҳужжатлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида»ги Низомда батафсил кўрсатилган.

Тел.: +998998163376
Назокат Байзакова,
+998935728514
Рустам Хашимов
email: ilmiybulim@inbox.uz



ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ тошбитиклари қаерда сақланмоқда?

Экспедиция фаолияти маҳсулдорлигида илмий ишда қўлланиладиган гипотеза – фараз ҳам қўл келади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция Тожикистон – Афғонистон бўйлаб сафарга чиққанида Бобур номи билан боғлиқ «Бобурнома»да эсга олинган биргина тошбитикни билардик, холос.

Аммо уни кўрмадик, қаердалигини ҳам билмасдик. Мақсад — ўша тошбитикни топиш ва ўрганиш эди. Сафарга тайёргарлик пайтида биз шундай фараз қилдик: агар Оббурдон (Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги тоғ қишлоғи, ҳозирги Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Масчо тумани)да Бобур тошга матн ёздирган бўлса, у биттагинамикан? Балки яна ёздиргандир? Балки ўзи ҳам ёзгандир?

Сафар жараёнида фаразларимизга турли даражада бирма-бир аниқлик киритилди: «Бобурнома»да келтирилган Бобур тошини ўша – асл ёздирилган жойдан тополмадик, бошқа жойда учратдик. Бироқ Оббурдон атрофидаги қишлоқлардан Бобурнинг ўз қўли билан ёзилган икки дастхатини топдик ва ўргандик.

Экспедициямиз аъзолари Бобур тошбитикларини излаб Масчо туманидаги Оббурдон қишлоғига бордик. Қишлоқ зиёлилари ва мулла Умарқулнинг айтишларига қараганда, бу ер аҳолиси учун меҳмонхона тош деворлари ва тоғ қояларига шеърлар ва ҳикматлар ёзиб қўйиш одати бор экан. Бунинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»да тасдиқлаган ва ўзи ҳам харсангтошга Саъдий Шерозийнинг машҳур «Бўстон» асаридан афсонавий шоҳ – Жамшид билан боғлиқ бир таъсирчан воқеани ёздирганини ҳикоя қилган:

«Бу тоғли масқанда тошга ўйиб

байт ва ҳикматлар битиш одатдир. Масқонинг пастки кенти Оббурдондир. Бу Оббурдондан қуйроқда бир чашма бўлиб, бу чашмадан юқориси Масчога қарашли – қуйиси Палғарга тааллуқлидир. Ушбу чашма бошида, унинг ёқасидаги тошга бу байтларни ўйиб ёздирдим:


**Шунидамки, Жамшеди фаррухсиришт,
Ба сарчашмае бар санге навишт:
«Бар ин чашма чун мо баса дам заданд,
Бирафтанд то чашм барҳам заданд.
Гурифтём олам бо мардиву зўр,
Ва лекин набурдем бо худ ба зўр»**

Биз бу тошни излаб Зарафшон дарёсининг юқори қисми – Оббурдоннинг кўп теварак-атроф қишлоқларида, масқанларида бўлдик. Ниҳоят, шу қишлоқ зиёлилари машҳур Бобур тошбитиги 1953 йилда тарихчи олим, академик Аҳрор Мухторов томонидан ёзилган жойидан арралаб олиниб, бошқа бир нечта битиктошлар билан Душанбега олиб кетилгани ҳақидаги аниқ маълумотни берди.

Эртаси куни биз Зарафшон тоғ тизмаларини Анзоб ва Шоҳристон доволаридан ўтиб, Душанбе шаҳрига етиб бордик. Тожикистон халқлари қадимий санъати музейида ўша тошлар сафида машҳур Бобур тошбитиги ҳам сақланаётганини ўз кўзимиз билан кўрдик.

**«Бобур битик тоши
жаҳоннинг энг машҳур
музейлари зийнати бўла
олади!»**

Бобур тоши ҳақидаги навбатдаги маълумотни биз Аҳрор Мухторовнинг «Ҳисор тарихи» китоби сўнгсўзидан ўқиб хайратда қолдик. Собир Зокирзода ёзадики: Аҳрор Мухторов Бобур тошини Душанбега олиб борганида, тарихчининг устози машҳур олим А.А.Семенов бу тошни кўриб, қувончини яширолмади айтган экан: «Бобур битик тоши жаҳоннинг энг машҳур музейлари зийнати бўла олади!»



Битиктошлунос, тарих фанлари доктори, академик Аҳрор Мухторов «Ҳар бир тошнинг юраги бор» номли рисоласида Масчогаги Оббурдон ва унинг теварак-атрофларидаги тоғ масқанларнинг тош битикларини ўрганиб, шулардан тўрттаси Бобур номи билан алоқдорлигини қайд этади. Бобур тош битикларини биз икки хил эканини инобатга олмоғимиз жоиз. **Биринчиси**га Бобур буйруғи билан ёздирилган тош битиклар мансуб бўлиб, уларнинг илк намунаси билан «Бобурнома» матни орқали танишдик. **Иккинчиси**, Бобурнинг ўз қўли билан ёзилган тошбитиклардир.

Шаватки Боло қишлоғининг домласи Мулло Жумабойнинг айтишича, иккита тошбитик тоғ ёнбағридан йўл очилганда нобуд бўлган. Биринчиси, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг:

**Як қадам дур аст, Бедил, аз ту то домони хок,
Бар сари муъжгон чу ашк истодаи, хушёр бои!**

Иккинчиси, Бобур мирзонинг: **«Аруси фалак! Сад шавҳар куни ҳалолат бод!»** деган ёзувли тошбитиги эди.

Ҳижрий 907 йил қора харсангтошга битилган байт

78 ёшли Ҳожи Умарқул бизни Бобур дастхати сақланган Зарафшон тоғ тизмаларининг юқори қисмидан дарё ёқасида жойлашган Шамгуч қишлоғидаги «Дуруст» қабристонига олиб бордилар. Зарафшон дарёси юз метрлар пастда шарқираб оқиб ётипти. Ушбу жойда ётган улкан қора харсангтош қисман тарам-тарам ёрилган. Шунинг учун бундаги тош битикни кўчириб олишнинг иложи йўқдир. Биз матнни расмга олиб, сўнгра чўкка тушиб байтни ҳижжалаб ўқий бошладик:

**Кофиро, мардумишкоро, як замон оҳистатар,
Кохуи бечораро тоби тири туркон нест.
Катабаи мирам Бобурхон 907**

Маълумки, ҳижрий 907 йил милодий 1502 йилга тўғри келади.

Юқоридаги байтда Бобур гарчи Бобурхон сифатида Оббурдон атрофидаги қишлоқ аҳли ҳурматиға сазовор эса-да, Шайбоний хавфи таҳликасидан озод эмасди. Агар байт мазмунидан рамзий пардани

кўтарсак, балки Бобур ўша кофир одам овчиси сиймосида Муҳаммад Шайбонийхонни, ҳимоясиз оху сиймосида ўзини назарда тутган бўлиши мумкин.

Бобур тошбитикларидан қуйидаги байтлар ҳам диққатга сазовордир:

**Ба ҳеч ёр мадеҳ хотиру ба ҳеч диёр
Ки ба рӯ даҳр фарох асту одами бисёр.
Гарат ҳазор бадеъул-жамол пеш ояд,
Бубину бизгару хотир ба ҳеч кас маспор.**

Бу тошбитик остида форсий тилда ҳам амирим тошбитиклари акс этган. Умру давлатларини оллоҳ абадий қилсин, деган ёзув ва ўша – ҳижрий 907 тарихий сана бор.

Бу мисраларнинг «Аруси фалак...» деб бошланадиган тошбитиги мазмун жиҳатидан алоқдорлигини сезиш қийин эмас. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ва

Амир Темур битиктошларининг Бобур тошбитикларига муштарак, умумий жиҳати битикчининг таржимаи ҳоли билан алоқдорлиги бўлса, фарқли томони иккитадир:

Биринчиси, матннинг форсий тилда ёзилгани. Бунинг тушунар ва изоҳлаш осон: бу қишлоқларда, асосан, дари тилида (тоғли тожик тили) сўзлашадиган аҳоли яшайди. **Иккинчи хусусияти**: Бобур тошбитиклари кўпроқ ахлоқий-таълимий, фалсафий мушоҳадаларга бойлигидир.

Савол туғилади: олимлар ўша тошбитикларнинг Бобурга алоқдорлигини қандай аниқлайдилар? Бунинг учта далил-исботи бор. Биринчиси, «Бобурнома»даги Бобурнинг ўзи ёзиб қолдирган маълумотлар. Иккинчиси, Бобур тошбитиклари остида «Катабаи мирам Бобурхон» (амирим Бобурхон тошбитиклари) белгилари. Учинчиси,

Бобурнинг ўзи ёзган тош битикларининг ҳарфий шаклан ўхшашлигидир.

**Зокиржон МАШРАБОВ,
Халқаро Бобур номи илмий
экспедиция раҳбари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.
Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Бобур номи халқаро мукофот
совриндори.**

ЭЪЛОН:

2019 йил 26 июнда Турсунбоев Жамшид Хасан ўғлига Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси қошидаги «Махсус автокорхона» ДУК томонидан берилган П-3790 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.



**Бугундан қатор метро бекатлари
вестибюллари ёпилади.**

КОМПЕНСАЦИЯ

Ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ I гуруҳ ногиронига бензин пули берилмайдими?

– Номимда машина бор, лекин болаликдан II, ҳозир I гуруҳ ногиронлигим боис ҳайдовчилик гувоҳномаси ололмаганман. Бироқ автомобиль бензини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун бериладиган ҳар ойлик пул компенсациясини менга беришмаяпти. Шу тўғрими?

Вали ҚУРБОНОВ.
Жиззах вилояти.



Юсуфхон АБУЛФАИЗОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси бош мутахассиси:

– Пенсия ва нафақа олувчиларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилаш, аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг автомобиль бензини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун шахсларнинг айрим тоифаларига Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 октябрдаги «Автомобиль бензини сотиб олиш бўйича илгари берилган имтиёзлар ўрнига шахсларнинг айрим тоифаларига ойлик пул компенсациялари тўловлари жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ойлик пул компенсациялари тўлаб келинмоқда. Мазкур компенсацияни уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда болалиқдан ногиронлари I ва II гуруҳ олиш ҳуқуқига эга.

Ойлик пул компенсацияси тўлови уни олиш ҳуқуқига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, енгил автомобиль, мотоаравача ёки мотоциклга эга бўлган ва улардан фойдаланадиган шахсларга тайинланади. Агар автомобилотранспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқи ишончнома бўйича бошқа шахсга берилса ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқи йўқолади. Бу ҳолатда, соғлиги туфайли автомобилотранспорт ҳайдолмайдиган Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари билан доимий равишда бирга яшайдиган, бир тураржой майдонида рўйхатдан ўтган оила аъзолари автомобилотранспортни ишончнома бўйича ҳайдашга уларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда ойлик пул компенсацияси тўлаш фақат ишончноманинг амал қилиш муддатига тайинланади.

2019 йил 15 августдан қонунчиликда белгиланган айрим тоифадаги шахсларга автомобиль бензини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун ҳар ойлик пул компенсацияси 75 000 (етмиш беш минг) сўм миқдоридан белгиланган.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

Маҳалла раислари огоҳлантирилганми?

– Маҳалла раиси ва ходимлари фуқароларни пахтага мажбурий жалб қилмаслик тўғрисида огоҳлантирилганми? Маҳалладаги ишсизлар-чи, улар ўз хоҳишлари билан пахта теримига чиқишлари мумкинми?



Барно ТЕМИРОВА.
Фарғона вилояти.

Гулрух НИЁЗМЕТОВА,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори:

– Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ташаббуси билан республиканинг барча маҳалла ходимларига «Мажбурий меҳнатдан огоҳ бўлинг!» номли услубий қўлланмалар тарқатилган. Бундан кўзланган асосий мақсад – маҳалла фуқаролар йиғини ходимларининг мажбурий меҳнат тўғрисидаги хабардорлигини оширишдир.

Маҳаллада яшайдиган ишсиз фуқароларга пахтада қўшимча даромад топиш мумкинлиги тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар берилган ҳолда фақатгина ўзларининг ихтиёрига кўра пахта теришга жалб қилиниши мумкин. Бунда пахтага жалб қилинаётган маҳалланинг ишсиз фуқароларига пахтага чиқиш бўйича барча меҳнат шароитлари, яъни пахта пули, ётоқ жой, иш ҳақининг берилиш тартиби ва бошқалар таништирилади.

САЛОМАТЛИК

Нима учун бизда касаллик кўпайиб кетяпти?

– Нима учун бизда коронавирус билан касалланганлар кўпайиб кетяпти? Россия давлатидан буюртма қилинган вакциналар ҳақида ҳам гапирилмай қўйилди.



Шоҳида ТЎРАЕВА.
Тошкент шаҳри.



Наргиза НУРУЛЛАЕВА,
ССВ ҳузуридаги Коронавирусга қарши курашиш штаби аъзоси:

– Коронавируснинг тарқалиш даражаси ҳар бир мамлакатда ўзига хос. Бу аҳоли зичлигига, миллилатнинг хусусиятига, аҳолининг соғлиги даражаси ва сифатига, иқлимга, бактериал ва вирус инфекцияларининг тарқалганлигига, инсонларнинг ўз соғлиқларига жавобгарлигига, эҳтиёт чоралари ва бошқаларга боғлиқ. Вакцинага келадиган бўлсак, Россияда вакцина клиник тажрибадан ўтказилиши яқунланмаган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

10 фоизли чегирмага барча ОТМларда амал қилинадими?

– Тўлов-шартнома асосида ўқийдиган талабаларга бериладиган 10 фоизли чегирмага барча давлат олий таълим муассасаларида амал қилинадими?

Ислом ХУШВАҚТОВ.
Сурхондарё вилояти.



Баҳриддин ШАЙБАЛИЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати бош мутахассиси:

– Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда пандемия шароитида аҳолининг тўлов қобилияти пасайишини ҳисобга олиб, фарзанди тўлов-шартнома асосида ўқийдиган оилаларга енгиллик яратиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида янги ўқув йилида амалдаги базавий тўлов-контракт миқдори учун 10 фоиз чегирма берилиши таклиф этилган эди. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан маълумланди ва барча давлат олий таълим муассасаларига вазифа сифатида юборилди.

Янги 2020/2021 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасида кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида таҳсил оладиган барча талабаларга шартнома шартларини бажаришда амалдаги базавий тўлов-контракт (стипендиясиз қисмидан) миқдорига 10 фоиз чегирма берилди.

Ҳурматли талабалар ва ота-оналар! Агар сизда ушбу масала юзасидан тушунмовчиликлар юзага келса, аниқ фактларни кўрсатган ҳолда телеграмдаги @otvmurojaat_bot боти орқали бизга маълум қилинг.

